

БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ

7

"СОЛИҚЛАР ВА БИЖХОВА ХАБАРЛАРИ" ГАЗЕТАСИГА ИЛОВА

БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

ТОШКЕНТ - 1996

Э.Ф.Гадоев, Л.П.Югай

**БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ:
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР**

**Тошкент
1996**

Лойиҳа раҳбари: Ш.К. Гатаулин

Гадоев Э.Ф., Югай Л.П.

Бухгалтерлик ҳисоби: Саволлар ва жавоблар.-Т.:“Иқти
содиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1996.- 192 б.- (Бухгалте
кутубхонаси; Т.7).

Тўшамда асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари
капитал сарфларни ҳисобга олиш масалалари кўриб чиқилган
Маҳсулотлар ва хизматларни ҳисобга олиш, уларни сотиш
масалалари акс эттирилган.

Бухгалтерлар, иқтисодчилар, аудиторлар, тадбиркорларга
олий ўқув юрklarининг талабаларига мўлжалланган.

СЎЗ БОШИ

Тўпلامга мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарда асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш бўйича саволларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1995 йил 27-январда тасдиқлаган 9-сонли Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар таркиби тўғрисидаги ва молиявий яқунларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги амалдаги Низом асосида берилган жавоблар киритилган.

Тайёр маҳсулотлар, ишлар, хизматлар, уларни сотишни ҳисобга олиш масалалари, шу жумладан тайёр маҳсулотни баҳолаш, унинг ишлаб чиқаришдан омборга тушишини, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни топширишни ҳисобга олиш масалалари кўриб чиқилган. Корхона омборида ва бухгалтериясида тайёр маҳсулотни ҳисобга олишни ташкил этиш, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ чиқимларни ҳисобга олиш масалалари, шунингдек қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бошқа масалалар ёритилган.

Тўпلامда корхоналарнинг капитал сарфлари билан боғлиқ масалалар, хусусан, уларни таснифлаш, ишларни хўжалик ва пудрат усулида олиб боришда ҳисобни йўлга қўйиш, капитал сарфлар объектларининг инвентар қийматини белгилашга алоҳида эътибор берилган.

1 боб. АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛИШ

1.1. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар таркиби

Ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида ҳисоб-иқтисодий ахборотларни шакллантиришнинг ягона қоидаларини таъминлаш мақсадларида Ўзбекистон Республикасида маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, шунингдек маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатларини гуруҳлаш ва уни ҳисобда акс эттиришда умумий бир тартиб белгиланган бўлиб, у фаолият турлари, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар барча корхоналарга тааллуқлидир.

Бундай ҳисобни юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1995 йил 24 январда тасдиқлаган ва 1995 йил 1 январдан қучга кирган 9-сонли Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар таркиби тўғрисида ва молиявий яқунларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланган.

Низомда харажатлар:

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган;
- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, лекин асосий фаолиятдан кўриладиган фойдада ҳисобга олинadиган давр харажатларига киритиладиган;
- корxonанинг умумхўжалик фаолиятида кўрилган фойда ёки зарарни ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинadиган молиявий фаолияти;
- даромад ёки фойдадан солиқ тўлашга қадар кўрил

ган фойда ёки зарарни ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинмаган фавқулодда зарарларга киритилмаган харажатларга бўлинган.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб қилишдаги асосий вазифалар:

- турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалдаги ҳақиқий харажатлар тўғрисида ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш;

- ишлаб чиқариш харажатлари сметаси ижросини ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш;

- маҳсулотнинг амалдаги таннархи ҳисобини асослаш, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисобот калькуляциялари сметаларини тўғри тузиш;

- маҳсулот таннархини камайтириш имкониятларини топиш, самарасиз чиқимлар ва нобудгарчиликларнинг олдини олиш;

- корхонадаги ҳар бир бўлинманинг ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш бўйича умумий яқунларни яхшилашдаги ҳиссасини аниқлаш.

Корхона харажатлари қандай гуруҳланади?

Харажатлар моддаларини гуруҳлаш қуйидагича амалга оширилади:

1. Маҳсулот таннархи:

- а) бевосита ва билвосита моддий сарфлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) бошқа турли бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш мақсадларидаги қўшимча харажатлар.

2. Давр харажатлари:

- а) сотиш (ўтказиш) харажатлари;
- б) бошқариш харажатлари (маъмурий харажатлар).
- в) бошқа турли чиқимлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият харажатлари:
- а) фойизлар бўйича чиқимлар;
 - б) чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс фарқлари;
 - в) қимматли қоғозларга қўйилган воситаларнинг қайта баҳоланиши;
 - г) молиявий фаолият бўйича турли бошқа харажатлар.
4. Фавқулодда кўрилган зарарлар.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи нима?

Маҳсулот (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқариш таннархи деганда маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида фойдаланиладиган табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурсларини, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа сарфларни қиймати бўйича баҳолаш тушунилади.

Маҳсулот (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил этадиган харажатларни иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар (унсурлар) бўйича гуруҳланади:

- моддий ишлаб чиқариш харажатлари (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чегирилган ҳолда);
- ишлаб чиқариш тарзидаги меҳнат ҳақи харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш мақсадларидаги номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш мақсадларидаги бошқа турли харажатлар.

Корхонанинг қандай харажатлари моддий ишлаб чиқариш харажатларига киради?

Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатларига қуйидагилар киради:

● четдан олинадиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлаш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да зарур таркибий қисм ҳисобланадиган хом ашё ва материаллар;

● маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш жараёнида меъёрдаги технологик жараёнларни таъминлаш ва маҳсулотни ўраш-жойлаш учун ишлатиладиган ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (синовлар, назорат ўтказиш, жиҳозлар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий фондларни асраш, тузатиш, ишлатиш)га сарфланадиган сотиб олинган материаллар, шунингдек жиҳозларни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, асбоблар, мосламалар, инвентарь, приборлар, лаборатория жиҳозлари ва бошқа асосий фондларга кирмайдиган меҳнат воситаларининг эскириши, махсус кийим ва бошқа арзон баҳоли буюмларнинг эскириши;

● сотиб олинган ва шу корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи маҳсулотлар ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар;

● чет корхоналар ёки корxonанинг асосий фаолият турига тааллуқли бўлмаган ишлаб чиқариш ёки хўжаликлари томонидан бажариладиган ишлаб чиқариш йўналишидаги ишлар ва хизматлар;

● табиий хом ашё (минерал-хом ашё базасини такрор ишлаб чиқариш, ерларни рекультивациялаш учун ажратмалар, ихтисослаштирилган тащкилотлар томонидан бажариладиган ерларни рекультивациялаш ишларига тўланадиган ҳақ), кесилган заҳоти сотиладиган ёғоч учун тўлов саноат корxonаларининг сув хўжалиги тизимидан оладиган суви учун тўлов (белгиланган ва ундан ортиқ лимитларда); саноатнинг хом ашё тармоқлари учун ўрмон материалларидан ёки фойдали қазилмалар (рудалар)дан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияланадиган қиймати ёки атроф муҳитни тиклаш учун харажатлар;

● четдан сотиб олинадиган ва технологик мақсадларга, жами турдаги энергия ишлаб чиқариш, биноларни

иситиш, ишлаб чиқаришга корхонанинг транспорти билан хизмат кўрсатиладиган транспорт ишларига сарфланадиган барча турдаги ёқилги;

● корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжларига сарф этиладиган сотиб олинган барча турдаги энергия;

● олинган моддий ресурслар камомоди ва ишдан чиқиши натижасидаги йўқотишлар (табiiй камайиш меъёрлари доирасида).

● моддий ресурсларни корхона транспорти ва ходимлари томонидан ташиб келтириш (юклаш-тушириш ишлари билан бирга) билан боғлиқ харажатлар; улар ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли қисмларига киритилиши лозим (меҳнатта ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий сарфлар ва б.);

● корхонанинг моддий ресурслар етказиб берувчилардан олган идиш (тара)лар ва ўров материаллари учун тўланган харажатлар.

Маҳсулот, таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтарилган чiqиндилар қиймати ва идишлар ҳамда ўров материаллари қиймати уларнинг амалдаги сотилиш ёки фойдаланиш нархи, омборга киради нархи бўйича чегириб ташланади. "Моддий харажатлар" қисми бўйича акс этириладиган моддий ресурсларнинг нархи (қиймати) сотиб олиш нархлари (кўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда), устамалар (кўшимчалар), ташқи иқтисодий таъминот, ташкилотларига тўланадиган воситачилик ҳақи товар биржалари хизмат ҳақи (брокерлик хизматлари билан бирга), божхона бож тўловлари, чет ташкилотлар томонидан бажариладиган ташиш, сақлаш, етказиб бериш тўловлари асосида шаклланади.

Меҳнатта ҳақ тўлаш билан боғлиқ қандай харажатлар ишлаб чиқариш тарзидаги харажатларга киради?

Ишлаб чиқариш тарзидаги меҳнат ҳақи харажатлари таркибига қуйидаги сарфлар киради:

▲ корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизимига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва лавозим маош (оклад)лари асосида ҳисобланган ва ишлаб чиқариш тарзидаги амалда бажарилган иш учун ёзилган иш ҳақи, улар жумласига яна:

● табиий-иқлим шароитлари оғир бўлган ҳудудларда узлуксиз иш стажи учун иш ҳақиға устамалар,

● алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва тош йўллар ходимлари ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки йўлда қатнаш билан боғлиқ бўлган бошқа ходимлар иш ҳақиға, йўлда бўлган ҳар бир сутка учун ўз корхонаси жойлашган жойдан чиқиб то қайтиб келган пайтигача тўланадиган устамалар,

● қурилиш, реконструкция ва капитал тузатишда бевосита банд бўлган ходимларга ишнинг кўчма ва йўлда қатнаш билан боғлиқ бўлганлиги учун, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишлар навбатчилик (вахта) усулида бажарилганда тўланадиган устамалар,

● ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг шахта (кон)да шахта боши (отвал)дан иш жойигача ва яна орқага қайтиш меъёрий вақти учун тўланадиган кўшимча ҳақ,

● меҳнатга ҳақ тўлашни ҳудудий тартибга солишга асосланган, шу жумладан район коэффицентлари ва чўлларда, сувсиз ва баланд тоғли жойларда ишлаганлик коэффицентлари бўйича амалдаги қонунларга мувофиқ тўланадиган тўловлар,

● ишлар навбатчилик (вахта) усулида бажарилганда вахтадаги иш жадвали бўйича ходимларнинг корхона жойлашган манзил (йиғилиш пункти)дан иш жойигача ва ишдан кейин орқага қайтишда йўлда бўлган кунлар учун, шунингдек ходимлар метереологик шароитларга кўра ва транспорт ташкилотлари айби билан йўлда тутилиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош (оклад) миқдорида тўланадиган суммалар,

● давлат ташкилотлари билан тузилган махсус шартномаларга кўра (ишчи кучи етказиб бериш бўйича) кор-

хона ва ташкилотларга ишлаш учун жалб этилган шахслар бажарган ишлар учун бевосита шу шахсларга берилган ва давлат ташкилотларига ўтказилган суммалар;

▲ ходимларга иш навбатчилиқ (вахта) усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланадиган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда меъёрдан ортиқ иш вақти давомийлигида ишлаганлик учун бериладиган дам олиш (отгул) кунлари учун тўланадиган ҳақ;

▲ натура тўлови тартибида бериладиган маҳсулот қиймати;

▲ умумий қоидаларга кўра рағбатлантириш мазмунидаги тўловлар, шу жумладан; ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар (унга натура мукофотлари қиймати ҳам қиради), касб маҳорати учун тариф экалари ва маош (оклад)ларига устамалар, амалда онун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқариш ходимларида кўп йиллик хизмати учун бир марталик мукофотлар (шу ҳужжалиқда ихтисоси бўйича иш стажи учун устамалар),

▲ иш тартиби ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ ҳолда ўрнини тўлдириш тарзидаги тўловлар, шу жумладан: тун пайтида ишлаганлик, иш вақтидан ташқари иш, дам олиш ва байрам (иш куни бўлмаган) кунларида ишлаганлик учун, кўп сменали тартибдаги иш, касбларда ўриндошлиқ, хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтирганлик учун, оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларидаги иш ва бошқалар учун тариф ставкалари ва маош (оклад)ларга устамалар ва кўшимчалар,

▲ амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва кўшимча таътиллارга (фойдаланилмаган таътил учун товошлар), ўсмирларнинг имтиёзли соатларига, оналарнинг ишда боласини эмизиш учун танаффусларига, шунингдек тиббий кўриклардан ўтиш, давлат мажбурий хизматини бажариш (белгиланган меъёрлар доирасида) билан боғлиқ вақтларга тўловлар.

▲ иш ҳақи қисман сақланган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга тўловлар,

▲ донор-ходимларга текширишдан ўтиш, қон топшириш ва ҳар бир қон топширган кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун тўловлар,

▲ ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида, шунингдек умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг касб ўрганиш даврида улар меҳнатига тўланадиган ҳақ;

▲ талабалар отрядлари таркибидаги - олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари меҳнатига тўланадиган ҳақ,

▲ корхона штатида турмайдиган ходимларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тарзидаги шартномалар тузиб бажарган ишлари, шу жумладан, пудрат шартномалари бўйича бажарган ишлари учун тўланадиган меҳнат ҳақи (агар бажарилган ишлар учун ходимлар билан ҳисоб-китоблар бевосита корxonанинг ўзи томонидан амалга оширилса),

▲ белгиланган тартибга кўра ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашадиган ходимларнинг меҳнат ҳақи фондига кирадиган бошқа тўлов турлари ҳам киради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида "Ишлаб чиқариш тарзидаги меҳнат ҳақи харажатлари" қисми бўйича белгиланган тартибда аниқланадиган йил давомидаги иш якунлари бўйича тўловлар ҳам қайд этилади.

Қандай сарфлар ишлаб чиқариш тарзидаги ижтимоий ажратмалар харажатларига киритилади?

Ишлаб чиқариш тарзидаги ижтимоий ажратмалар харажатларига қуйидагилар киради:

● қонун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрлар бўйича меҳнат ҳақи харажатларидан ижтимоий суғурта органларига, Пенсия фондига, Давлат бандлик фондига, тиббий суғурта органларига мажбурий ажратмалар, бу ажратмалар "Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари" банди (унсури) бўйича таннархга киритилади.

● Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги рухсати билан нодавлат пенсия фондларига, кўнгилли тиббий

суғуртага ва кўнгилли суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 1995 йил 13 февралдаги 16 ва 1-1 – сонли хатига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан мажбурий ажратмаларнинг куйидаги тақсимот меъёрлари белгиланган:

36 фоиз	-	Пенсия фондига
2 фоиз	-	бандлик фондига
2 фоиз	-	касаба уюшмаси кўмитасига.

Қандай харажатлар асосий фондлар ва ишлаб чиқариш мақсадларидаги номоддий активлар амортизациясига киритилади?

Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш мақсадларидаги номоддий активлар амортизацияси харажатларига куйидагилар киради:

● асосий ишлаб чиқариш фондларининг баланс қиймати асосида ва белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар бўйича ҳисобланган тўлиқ тиклаш амортизацияси ажратмалари суммаси, бунга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ўтказиладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам киради,

● ишлаб чиқариш мақсадларидаги номоддий активлар бўйича эскириш.

Асосий фондларни узоқ муддатли ижарага олган корхона “Асосий фондлар амортизацияси” банди бўйича тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмаларини ҳам ўзининг, ҳам ижарага олинган асосий фондлари бўйича акс эттиради; бу ҳолда ижарага бериладиган асосий фондлар учун амортизация ажратмаларини ижарага берувчи ажратмайди.

Ишлаб чиқариш мақсадларидаги бошқа турли харажатларга нималар киреди?

Ишлаб чиқариш мақсадларидаги бошқа турли харажатларга қуйидаги харажат турлари киритилади:

▲ ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат кўрсатиш харажатлари:

● ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асбоб-анжомлар, мосламалар, бошқа турли меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш бўйича харажатлар,

● асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш бўйича (техника кўриги ва қараш, ўртача, жорий ҳамда капитал тузатиш харажатлари); санитария-гигиена меъёрларини таъминлаш бўйича, шу жумладан худудида тиббиёт пункти ташкил этиш учун корхоналар томонидан тиббиёт муассасаларига бериладиган хоналар ва инвентарларни тутиб туриш харажатлари, ишлаб чиқаришда тозалик ва тартибни, ёнғиндан ҳимоя ва қоровуллик хизматини таъминлаш каби корхонани техник ишлатиш, унинг фаоллигини кузатиш ва назорат қилиш қоидаларида қўзда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш бўйича харажатлар.

Идорадан ташқари қоровуллик хизмати харажатлари фақат шу корхона учун шундай хизматни тақозо этадиган махсус талаблар бўлгандагина маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритилиши мумкин,

● табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондни тутиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, унга атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган меъёрлар даражасида чиқарганлик (ташлаганлик) учун тўловлар ҳам киреди;

● ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларида назарда тутилган рисоладагидек меҳнат шaroитлари ва техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича харажатлар.

● амалдаги қонунларга кўра айрим тармоқлар ходимларига текин бериладиган коммунал хизмат, овқат, маҳсулотлар қиймати; амалдаги қонунларга кўра корхона ходимларига текин бериладиган уй-жой (ёки текин уй-жой, коммунал хизмати ва бошқаларни бермаганлик учун товон пули суммаси) ҳақи учун харажатлар;

● амалдаги қонунларга кўра текин бериладиган ва ходимнинг доимий шахсий тасарруфида қоладиган буюмлар (шу жумладан форма кийим-кечаги, махсус озиқ-овқат) қиймати (ёки уларни арзон нархларда сотиш билан боғлиқ имтиёзлар суммаси);

● ишлаб чиқариш жараёнларига алоқадор бошқаришнинг техника воситалари, алоқа узелларини, огоҳлантириш воситаларини, бошқа турли техник бошқариш воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар;

▲ ишлаб чиқариш жараёнларига тааллуқли хизмат сафарлари харажатлари;

▲ ишлаб чиқариш ишчилари ва ишлаб чиқариш активларининг мажбурий суғуртаси бўйича харажатлар;

▲ бракдан кўрилган зарарлар;

▲ кафолатли хизмат муддатлари белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

▲ ички ишлаб чиқариш сабабига кўра бўш туришдан кўрилган зарарлар;

▲ ишлаб чиқаришда шикастланиш туфайли ходимларга меҳнат қобилиятини йўқотганлиги муносабати билан суд қарорига кўра ёки бундай қарорсиз тўланадиган нафақалар;

▲ ходимларнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштироки билан боғлиқ соғлиқни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар;

▲ ходимларни умумий фойдаланишдаги йўловчи ташиш транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда иш жойига ва аксинча ташиш билан боғлиқ харажатлар;

▲ қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга ошириладиган ва маҳсулот (бажариладиган ишлар,

қўрсатиладиган хизматлар) таннархига киритиладиган бюджетта мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджетдан ташқари махсус фондларга ажратмалар.

Қандай солиқлар ва бюджетта мажбурий тўловлар ишлаб чиқариш мақсадларидаги турли бошқа харажатлар таркибига киради?

Уларнинг таркибига қуйидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар киради:

- мол-мулк солиғи,
- автотранспорт эгаларидан олинадиган солиқ,
- белгиланган лимит доирасида ва ундан ортиқча сув учун тўлов,
- ер солиғи,
- ер ости бойликлари солиғи,
- амалдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, иш, хизматлар (обороти, даромади)нинг 1 фоизи миқдорида бюджетдан ташқари йўл фондига ажратмалар.

Бу солиқлар ва мажбурий тўловлар (белгиланган лимитдан ортиқча сув учун тўловдан ташқари) фойда (даромад) солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани камайтиради.

Давр харажатлари нима ва унинг таркибида қандай харажатлар ҳисобга олинади?

Давр харажатлари - корхонанинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ бўлмаган харажатлари ва сарфлари бўлиб, у бошқариш ҳамда маҳсулотни сотиш бўйича харажатларни, шунингдек умумхўжалик мақсадларидаги бошқа турли харажатларни ўз ичига олади.

Уларга қуйидагилар киради:

- бошқарув ходимларига меҳнат ҳақи харажатлари;
- бошқарув ходимларига тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари;

● корхона бошқаруви аппарати ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларини сақлаш, уларнинг фаолиятига моддий-техника ва транспорт хизмати кўрсатиш, шу жумладан хизмат енгил автомобили харажатлари ҳамда шахсий енгил автомобиллардан хизмат қатновларида фойдаланганлик учун товон (компенсация) тўловлари (белгиланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқ).

● корхона ҳамда унинг таркибий бўлинмаларида ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этиш бўйича харажатлар,

● бошқаришнинг техника воситалари, алоқа узеллари, оғоҳлантириш воситалари, ҳисоблаш марказлари ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган бошқаришнинг техника воситаларини сақлаш ва уларга техника хизмати кўрсатиш харажатлари,

● маъмурий мақсадлардаги асосий воситаларни (бинолар, иншоотлар ва шу кабилар) сақлаш ва тузатиш харажатлари ҳамда уларга амортизация ажратмалари,

● вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар бошқаруви аппарати, шунингдек бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви идораларини сақлаш учун ажратмалар,

● чет ташкилотлар томонидан ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича кўрсатилган хизматларга тўланган ҳақ (корхона штат рўйхатида у ёки бу хизмат вазифалари назарда тутилмаган ҳолларда),

● бошқарув ходимларининг хизмат сафари харажатлари (белгиланган меъёр доирасида ва ундан ортиқ),

● вакиллик харажатлари (белгиланган меъёр доирасида ва ундан ортиқ);

● хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликларни сақлаш бўйича харажатлар (биноларни текинга бериш, умумий овқатланиш корхоналарига кўрсатиладиган коммунал хизмат қийматини тўлаш ва бошқалар),

● бевосита ишлаб чиқариш жараёнига алоқадор бўлмаган табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ жорий харажатлар (йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёр-

лардан ортиқча ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқарганлик (ташлаганлик) учун тўловлар билан бирга),

● бевосита ишлаб чиқариш жараёнига алоқадор бўлмаган ходимлар ва мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси,

● кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари,

● қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва ишчи кучини ишга қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар,

● ишлаб чиқаришни асосий фондлар сифатида капиталлаштириш мумкин бўлмаган даражада ишга тайёрлаш, ўзлаштириш ва ривожлантиришга қилинган ишлаб чиқариш тарзидаги харажатлар:

- серияли ёки ялпи ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёргарлик ва уни ўзлаштириш харажатлари,

- ишлаб чиқариш жараёни давомида технологияни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек маҳсулот сифатини кўтариш, унинг ишончли ишлаши, узоқ хизмат қилиши ва бошқа фойдаланиш хусусиятларини яхшилаш билан боғлиқ нокапитал тарзидаги харажатлар,

- ишлаб чиқариш йўналишидаги ихтирочилик ва рационализаторлик, тажриба-экспериментал ишларни ўтказиш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича кўргазмалар, кўриқлар, сертификация ва бошқа тадбирларни ўтказиш, муаллифлик ҳақини тўлашга сарфланган ва бошқа харажатлар,

● маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар:

- маҳсулотни ўраш-жойлаш, сақлаш, жўнатиш жойига-ча ташиш, маҳсулотни транспорт воситасига ортиш харажатлари (бу харажатлар харидор томонидан маҳсулот нархидан алоҳида қопланадиган ҳоллардан мустасно), тасдиқланган меъёрдан ортиқ бўлган реклама, кўргазма,

ярмаркаларда иштирок этиш харажатлари, контрактлар, битимлар ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ бевосита харидорларга ёки воситачи ташкилотларга текинга берилган ва қайтариб олинмайдиган товарлар намуналари қиймати ва ишдаги ўхшаш бошқа харажатлар,

- сотиш бозорини ўрганиш ва товарни бозорда жойлаштириш (маркетинг харажатлари) бўйича белгиланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқ харажатлар,

● сотиш бўйича бошқа турли чиқимлар,

● серияли ва ялпи ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турлари ҳамда технологик жараёнларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари,

● янги корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни ўзлаштириш харажатлари:

- монтаж сифатини текшириш мақсадларида машина ва механизмларнинг айрим турларини, якка-якка ҳамда барча турдаги жиҳозлар ва техника қурилмаларини мажмуада бўш синаб кўриш,

- етказиб берувчи заводлар ёки уларнинг топшириғига кўра ихтисослаштирилган корхоналар томонидан ускуна-жиҳозларнинг шефмонтажи,

- кон қазини тармоқларидаги капитал харажатларга киритилмайдиган (яъни асосий фондлар тарзида капиталлаштирилмайдиган) тайёргарлик ишлари учун қилинган харажатлар,

- янги корхоналар, ишлаб чиқариш линиялари, заводларни ривожлантириш (такмиллаштириш) харажатлари,

- қурилаётган корхоналар дирекциясига қилинган харажатлар (маъмурий харажатлар), дирекция бўлмаган ҳолда техника назорати гуруҳи учун, шунингдек янги корхоналар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар,

- янги ишга тушириладиган корхоналарда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш харажатлари,

- лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги қамчиликларни, шунингдек объект оմборигача ташиб

келтиришда олинган бузилиш ва деформацияларни бар-тараф этиш бўйича харажатларни тўлаш, коррозиядан ҳимоя нуқсонларини аниқлаш учун ускуна-жиҳозларни тафтиш этиш (қисмларга ажратиш) харажатлари ва шунга ўхшаш харажатлар етказиб бериш ва ишни бажариш шароитларини бузган корхоналар ҳисобидан ушбу харажатлар етказиб берувчи ёки чала иш, синганлик, бузилганлик ёки зарар учун масъул бўлган бошқа гуруҳлар ҳисобидан қоплаш мумкин бўлмаган даражада тўланади.

● янги технологияни яратиш ва қўлланилаётганларини такомиллаштириш бўйича, шунингдек маҳсулот сифатини яхшилаш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, янги хом ашё ва материаллар турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш билан боғлиқ харажатлар,

● бошқарув тизими ва воситаларини барпо этиш ва такомиллаштириш бўйича харажатлар,

● қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўзига боғлиқ бўлмаган сабаб билан ишга чиқмайдиган вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун тўланадиган ҳақ,

● меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотган ҳолларда қонун ҳужжатлари билан белгиланган амалдаги иш ҳақи даражасида тўланадиган қўшимча тўлов,

● муайян муддат давомида илгариги иш жойидаги лавозим маош (оклад)ини сақлаш шарти билан (қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда) бошқа корхона ва ташкилотлардан ишга олинган ходимларга, шунингдек вақтинчалик ўриндошликда тўланадиган маош (оклад)лар фарқи,

● ишчиларга асосий иш жойи бўйича, корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларига уларнинг кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ишдан ажраб ўқиган вақти учун тўланадиган иш ҳақи,

● амалдаги қонунларга кўра ноишлаб чиқариш соҳаси ходимларига (бошқарув апарати ва б.) узоқ йиллик

хизматлари учун (мазкур хўжалиқда мутахассислик бўйича иш стажини учун устама) тўланадиган бир марталик мукофотлар,

● моддий бойликларнинг табиий камайиш меъёрларидан ортиқ бўлган нобудгарчилик ва камомадлар,

● маслаҳат ва ахборотлар хизмати ҳақи,

● аудиторлик хизматлари ҳақи, шунингдек корхонанинг моллия-хўжалиқ фаолиятини ушбу корхонанинг иштирокчилари (мулкдорлари)дан бирининг ташаббуси орқали тафтиш қилиш билан боғлиқ харажатлар;

● соғлиқни сақлаш объектлари, кексалар ва ногиронлар уйлари, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасаларини, шунингдек уй-жой фондиди (амортизация ажратмалари ва барча турдаги тузатиш харажатлари билан бирга) сақлаш харажатлари,

● корхонанинг ўзи томонидан бажариладиган ёки корхона ҳақини тўлайдиган, лекин маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, иш (хизмат)лар харажатлари (шаҳар ва турар жойларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам ва бошқа иш турлари),

● ўқув юрларини сақлаш ва уларга бепул хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар,

● ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштироки билан боғлиқ бўлмаган соғлиқ муҳофазаси ва дам олишни ташкил этиш бўйича тадбирлар,

● маҳсулот таннархига кўшилмаган мукофотлар,

● моддий ёрдам (шу жумладан ходимларга уй-жой қурилиши кооперативига дастлабки бадал учун, кооператив ва яқка тартибда уй-жой қурилишига берилган кредитнинг бир қисмини тўлаш учун беминнат моддий ёрдам), уй-жой шароитини яхшилаш, уй хўжалигини барпо этиш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлар учун фойсиз ссудалар,

● жамоа шартномасига кўра ходимларга қўшимча берилган (қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқ)

таътилларга (шу жумладан болаларини тарбиялайдиган аёллар учун) тўланадиган ҳақ, ходимларнинг оила аъзоларига таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиши учун тўланадиган тўловлар,

- қонун ҳужжатларига кўра бола икки ёшга тўлишига қадар уни тарбиялаш бўйича ҳар ойда тўланадиган нафақаларга харажатлар,

- пенсияларга устамалар, пенсияга чиқадиган меҳнат фахрийларига тўланадиган бир марталик нафақалар,

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига кўра даромадларни индексациялаш миқдорларидан ортиқ даражада нархларнинг кўтарилиши муносабати билан то-вон тўловлари, ошхоналар, буфетлар ва профилакторияларда овқатланиш нархининг қимматлашувини ўрнини тўлдириш ёки уни имтиёзли нархларда сотиш ёхуд текин бериш (қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим тоифадаги ходимлар учун махсус озиқ-овқатлардан ташқари),

- ходимларнинг иш жойига умумий фойдаланишдаги транспорт, махсус йўналишлар, идора транспорти билан қатнаш ҳақини тўлаш,

- корхона ходимларига бериладиган ёки корхонанинг умумий овқатланиши учун ёрдамчи хўжалик чиқарадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бўйича нарх фарқлари,

- даволаниш ва дам олиш, экскурсиялар ва саёҳатлар йўлланмалари, спорт секцияларида, тўғарақларда, клубларда машғулотлар, маданий-томоша ва физкультура-спорт тадбирларига бериш, ходимларнинг шахсий истеъмоли учун товарлар, обуна ҳақи тўловлари ва шунга ўхшаш тўловлар,

- ташкилотлар ва корхоналарнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар сони ва штатлар қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиладиган ходимларга тўловлар,

- бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича харажатлар,

- тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобидан қопланадиган харажатлардан ташқари),

● ишлаб чиқариш захиралари ва тайёр маҳсулотни белгиланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқ даражада қайта баҳолаш натижасида кўрилган зарар (йўқотишлар),

● идиш (тара)лар билан операциялар бўйича кўрилган зарарлар,

● суд чиқимлари,

● бошқа корхоналар, шунингдек алоҳида шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича шубҳали қарзлардан кўрилган зарарлар. Шубҳали қарзлар суммаси қонун ҳужжатларига мувофиқ захирага ўтказилади.

● даъво муддати ўтиб бўлган дебиторлик қарзлари ҳамда ундириб олиш нореал бўлган қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар,

● ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги операциялар бўйича кўрилган зарарлар,

● табиий офатлардан кўрилган қопланмайдиган жузъий йўқотишлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва ишдан чиқиши, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишидан кўрилган зарарлар ва бошқалар), шу жумладан табиий офатларни бартараф этиш ёки унинг оқибатларини тугатиш билан боғлиқ харажатлар,

● ёнғин, авария каби ўта ноқулай шароитларда юзага келган бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида кўрилган ва қопланмайдиган жузъий зарарлар,

● ҳўжалик шартномалари шартларини (шу жумладан етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан) бузганлик учун зиммага қўйилган эътироф этилган жарималар, пенялар, бурдсизлик тўлови ва жазо чораларининг бошқа турлари, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш бўйича чиқимлар,

● бозорда монополия мавқени эгаллаган ҳўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига киритилган корхоналар маҳсулотлари нархини кўтариш орқали асоссиз фойда олганлик учун жарималар ва пенялар,

● солиқ қонунчилигини бузганлик учун жарима ва пенялар,

● айбдорлари топилмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани қоплаш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар;

● корхонанинг асосий воситалари ёки ўзга мол-мулкни сотишдан кўрилган зарарлар,

● банк хизмати ҳақи;

● маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, физкультура ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг экологик, соғломлаштириш ҳамда ўзга хайрия фондларига (агар бу фондлар юридик шахслар тарзида рўйхатга олинган бўлса) бадаллар.

Қандай солиқлар ва бюджетта мажбурий тўловлар давр харажатлари таркибига киритилади?

Давр харажатлари таркибига:

- божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловлар,

- давлат божлари киради. Бу йиғимлар фойда (даромад) солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базани камайтиради.

Рекламага харажатлар меъёри (нормалари) ва вакиллик харажатлари қандай ҳисобланади?

Барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар учун рекламага харажатлар меъёрини ва вакиллик харажатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 1995 йил 14 ноябрдаги 04-01-06/309/83-сонли йўриқномаси билан белгиланган махсус меъёрлар бўйича йил учун реклама ва вакиллик харажатларига энг юқори миқдорини ҳисоблаш лозим (қуйида берилган).

**Йил учун вакиллик харажатларининг
энг юқори миқдорларини ҳисоблаш меъёрлари**

Йил давомида маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум ҳажми (қўшилган қиймат солиғи билан бирга)	Смета бўйича вакиллик харажатларининг энг юқори миқдорлари
1	2
Энг кам иш ҳақининг (охиргиси ҳам киради) 3,5 минг баробари миқдоригача	Тушум ҳажмининг 1 фоизи
Энг кам иш ҳақининг 3,5 минг баробаридан 35 минг баробари миқдоригача	8,7 минг сўм + энг кам иш ҳақининг 3,5 минг баробаридан ортиқ ҳажмнинг 0,2 фоизи
Энг кам иш ҳақининг 35 минг баробари миқдоридан юқори	24,5 минг сўм + энг кам иш ҳақининг 35 минг баробаридан ортиқ ҳажмнинг 0,05 фоизи
<p><i>Эслатма: савдо, таъминот, мол тарқатиш (ўтқазиш) ташкilotлари вакиллик харажатларининг энг юқори миқдорларини ҳисоблашда товар сотишдан олинган ялпи даромад кўрсаткичига асосланади</i></p>	

Йил учун реклама харажатларининг энг юқори миқдорларини ҳисоблаш меъёрлари

Йил давомида маҳсулот (иш,хизмат)ларни сотишдан олинган тушум ҳажми (қўшилган қиймат солиғи билан бирга)	Смета бўйича реклама харажатларининг энг юқори миқдорлари
1	2
Энг кам иш ҳақининг (охиргиси ҳам киради) 3,5 минг баробари миқдоригача	Тушум ҳажмининг 2 фоизи
Энг кам иш ҳақининг 3,5 минг баробаридан 35 минг баробари миқдоригача	17,5 минг сўм + энг кам иш ҳақининг 3,5 минг баробаридан ортиқ ҳажмининг 0,2 фоизи
Энг кам иш ҳақининг 35 минг баробари миқдоридан юқори	56,8 минг сўм + энг кам иш ҳақининг 35 минг баробаридан ортиқ ҳажмининг 0,2 фоизи.
ЭСЛАТМА: савдо, таъминот, мол тарқатиш (ўтказиш) ташкилотлари реклама учун харажатларининг энг юқори миқдорларини ҳисоблашда товар сотишдан олинган ялпи даромад кўрсаткичига асосланади.	

Хизмат сафари харажатлари бўйича қандай меъёрлар белгиланган?

Барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар учун ходимларнинг хизмат сафаридаги ва йўлдаги вақти учун суткалик харажатлар республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан коэффициентлар асосида қопланади:

- Ўзбекистон Республикаси чегараларидан ташқарида бўлганлик учун-0,12,

- Тошкент шаҳри, республиканинг вилоят марказлари бўлган шаҳарлари учун-0,1

- республиканинг бошқа шаҳарлари ва аҳоли пунктлари учун-0,08.

Бу харажатларни қоплаш амалда қилинган сарфларни ҳужжатлар билан тасдиқланмаган ҳолда бажарилади (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 22 декабрдаги № 92 ва 1329/II ҳамда 1994 йил 27 июндаги № 64/482/03-1 хати).

Ходимларнинг чет давлатларга хизмат сафарини чет эл валютасидаги харажатлари меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан 1993 йил 30-ноябрдаги йўриқнома билан белгиланган (1-иловага қаранг).

Қандай чиқимлар молиявий фаолият чиқимларига киради?

Қуйидагилар молиявий чиқимларга киради:

- банкларнинг қисқа муддатли кредитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ҳисоб ставкаси доирасида ёки ундан юқорироқ ставкалардаги тўловлар; шунингдек маҳсулот етказиб берувчиларнинг кредитлари бўйича фоизларни тўлаш чиқимлари, узоқ муддатли кредитлар бўйича тўловлар,

- мол-мулк узоқ муддатли ижарага олинганда фоизларни тўлаш бўйича чиқимлар,
- чет эл валютаси билан ўтказилган операциялардаги салбий курс фарқлари ва кўрилган зарарлар,
- кўйилган воситаларнинг (қимматли, қоғозларга, шубба корхоналарга ва шу кабиларга) қайта баҳоланишидан кўрилган зарарлар,
- қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ чиқимлар,
- корхонанинг молиявий фаолияти билан боғлиқ бошқа чиқимлар.

Чиқимларнинг қандай қисмлари фавқулодда зарарларга киради?

Фавқулодда кўрилган зарарлар корхонанинг хўжалик фаолияти натижасида камдан-кам вужудга келадиган, одатдан ташқари чиқим қисмлари бўлиб, корхонада қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг оқибатлари ҳисобланмайди.

У ёки бу чиқим фавқулодда зарарлар қисми тарзида қайд этилиши учун у қуйидаги уч мезон талабларига жавоб бериши лозим:

- ўз хусусиятига кўра ғайриоддий (корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига мос келмайдиган) бўлиши;
- бир неча йил давомида такрорланмаслиги;
- корхонанинг бошқарув ходимлари ёки унинг эгаси қабул қиладиган қарорларга боғлиқ бўлмаслиги керак.

1.2. Харажатларни уларнинг унсур (элемент)лари ва калькуляция бандлари бўйича ҳисобга олиш

Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишни ташкил этиш кўп жиҳатдан корхонанинг фаолият турига, ишлаб чиқариш ва маҳсулот хусусиятига, бошқарув тузилмасига, корхона тоифаси ва кўламига, ҳисобга олиш ва ҳисоблаш ишларини механизациялаш

даражасига боғлиқ. Аммо, шунга қарамай, корхона харажатларни ҳисобга олишни ташкил этишнинг умумий қоидаларига риоя этиши керак.

Уларга қуйидагилар киради:

- харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш кўрсаткичлари режа кўрсаткичлари билан мувофиқлашган бўлиши керак;

- харажатларни ҳужжатлаштириш улар қилинган пайтида бажарилиши лозим, бунда ресурслар сарфи ва меҳнат ҳақи харажатлари меъёрлари бўйича ва меъёрлардан четлашувлар бўйича алоҳида-алоҳида акс эттирилади;

- ушбу даврдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга тааллуқли жами харажатлар унинг таннархига киритилиши лозим;

- жами харажатлар бухгалтерлик ҳисобининг ҳисобва-рақлар тизими орқали харажатлар ҳисоби объектлари ва чиқим моддалари (қисмлари) бўйича гуруҳланиши лозим;

- маҳсулот таннархи харажатларнинг бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари асосида калькуляция қилинади.

Корхона харажатларини иқтисодий унсур (элемент)лар ва калькуляция моддалари бўйича бўлишнинг моҳияти нимада?

Корхона харажатларини иқтисодий унсурларга ва калькуляция моддаларига ажратиш уларнинг иқтисодий мазмуни билан боғлиқ.

Иқтисодий унсур (элемент)-маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги бирламчи бир хил турдаги, корхона даражасида таркибий қисмларга ажра-тиб бўлмайдиган харажатлар ҳисобланади.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби тўғрисидаги Низомга кўра маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархини ташкил этадиган харажатларнинг ҳамма корхоналар учун ягона бўлган иқтисодий элементлари рўйхати (номен-клатураси) белгиланган;

- моддий харажатлар (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чегирилган ҳолда);

- ишлаб чиқариш тарзидаги меҳнат ҳақи харажатлари;

- ишлаб чиқаришга алоқадор ижтимоий суғуртага ажратмалар;

- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш мақсадларидаги номоддий активлар амортизацияси;

- ишлаб чиқариш мақсадларидаги бошқа харажатлар.

Ҳисобга олишда харажатларни унсурларга ажратиш корхона бўйича умуман ишлаб чиқаришга қилинган смета ва амалдаги харажатларни аниқлаш учун зарур, яъни меҳнат ҳақи фонди, моддий ресурслар хариди ҳажми, корхонанинг нақд пули оқимини тавсифлайдиган кўрсаткич ҳисобланадиган амортизация ва бошқаларни белгилаш шунга қараб амалга оширилади. Демак, харажатларни унсурларга ажратиш корхонанинг жами ишлаб чиқариш фаолияти бўйича ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни, уларнинг мақсадли йўналишидан қатъи назар (бевосита маҳсулот тайёрлаш ва уни ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга ва ҳоказолар) аниқлаш учун зарур.

Калькуляция моддалари (чиқимлар қисми)-харажатларнинг муайян тури бўлиб, ҳам айрим маҳсулот турларининг, ҳам бутун корхона бўйича маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳосил қилади.

Чиқимларни бундай гуруҳлаштиришга харажатларнинг уни маҳсулот айрим тури таннархига киритиш усулига нисбати (бевосита ёки бавосита, корхонада танлаб олинган база асосида уларни мутаносиб киритиб бориш йўли билан) асос қилиб олинган.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда иқтисодий унсур (элемент)лар бўйича таннархга киритиладиган ёки киритилмайдиган харажатлар моддалари аниқ белгилаб қўйилган.

Калькуляция моддалари бўйича харажатлар, уларнинг рўйхати, таркиби ва маҳсулот (иш, хизмат)лар турлари бўйича тақсимлаш усуллари ишлаб чиқариш тарзи ва

таркибий тузилишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини режалаштириш, ҳисобга олиш ва калькуляциялаш масалалари бўйича тармоқ услубий тавсияларида белгиланади.

Харажатлар моддаларининг намунавий рўйхати куйидагича:

1. Хом ашё ва материаллар.
2. Қайтариладиган чиқиндилар (чегирилади).
3. Сотиб олинган буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар, - чет корхоналар ва таъкилотларнинг ишлаб чиқариш тарзидаги хизматлари.
4. Технологик мақсадлардаги ёқилғи ва энергия.
5. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақи.
6. Ижтимоий суғуртага ажратмалар.
7. Умумий ишлаб чиқариш харажатлари.
8. Брак (яроқсиз маҳсулот)дан кўрилган зарар.
9. Бошқа турли ишлаб чиқариш чиқимлари.

Харажатлар ҳисоби объекти ва калькуляциялаш объекти нима?

Харажатлар ҳисоби объекти деганда чиқимлар юзага келган жой, яъни айрим бир цех, ишлаб чиқариш участка ва шу кабилар тушунилади, улар асосида маҳсулотлар тайёрлаш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатишга харажатлар гуруҳланиши лозим.

Калькуляциялаш объекти деганда корхона чиқарадиган айрим маҳсулот турлари, бажарадиган ишлари ва хизматлари ёки уларнинг бир турдаги гуруҳлари тушунилади.

Корхона харажатлари бошқа белгилар бўйича турларга қандай бўлинади?

Корхона харажатларини бошқа белгилар бўйича таснифлаш куйидаги кўринишга эга:

- технологик жараёнга нисбатан:

асосий,

кўшимча;

- ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан:
шартли-ўзгарувчан,
шартли-доимий;
- таркиби ягоналиги бўйича:
бир унсур(элемент)ли,
комплекс (қўшма);
- айрим маҳсулот турлари таннархига киритиш усули-
га кўра:
бевосита,
бавосита;
- ишлаб чиқариш жараёнида иштироки бўйича:
ишлаб чиқариш,
ишлаб чиқаришдан ташқари;
- сарфлашнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича:
самарали,
самарасиз;
- режа билан қамраш имкониятларига кўра:
режалаштириладиган,
режалаштирилмайдиган;
- юзага келиш даврийлигига кўра:
жорий
бир марталик.

Корхонада харажатлар ҳисобини қандай из- чилликда олиб бориш керак?

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва со-
тиш бўйича харажатлар ҳисобда дастлаб ишлаб чиқариш
(асосий ва ёрдамчи) турларига кўра, сўнгра чиқимлар
юзага қелган жойига қараб, (бу харажатлар учун масъул-
лик марказлари бўйича) ва калькуляция моддалари асо-
сида калькуляциялаш объектлари (маҳсулот турлари,
бўюртмаларга қараб) бўйича гуруҳланиши лозим.

Барча бевосита харажатлар дарров калькуляция ҳи-
собварақларида қайд этилади (масалан, 20-”Асосий иш-
лаб чиқариш” ҳисобварағининг дебети бўйича), қўшимча
(билвосита) харажатлар дастлаб йиғма-тақсимот ҳисоб-

варақлари (25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағи)да акс эттирилади. Ҳисобот оёи тамом бўлганидан кейин 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ҳисобварағида ҳисобга олинган харажатлар 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ва 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварақлари бўйича тақсимланади.

Сўнгра дастлаб йиғма-тақсимот ҳисобварақларида ҳисобга олинган чиқимлар тугалланмаган ишлаб чиқариш ва товар маҳсулот (иш, хизмат)лар чиқариш қолдиқлари ўртасида, ундан кейин бир хил маҳсулот (иш, хизмат)лар турлари ёки гуруҳлари ўртасида тақсимланади. Йиғма-тақсимот ҳисобварақлари ёпилади, маҳсулот турлари ва харажатлар моддалари бўйича чиқимлар 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағининг таҳлилий ҳисобварақларида қайд этилади.

Кейинги босқич - ой охири учун тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини баҳолашдир. Баҳолаш бухгалтерлик ва оператив ҳисобларнинг ишлов бериш тамомланмаган маҳсулот миқдори тўғрисидаги, уларнинг турган жойи ва тайёрлик даражаси тўғрисидаги маълумотлари асосида ўтказилади.

Сўнгра материаллар ва иш ҳақи харажатлари маҳсулот ўтиб бўлган ишлов операцияларининг меъёрлари ва нархлари бўйича жамланади.

Шундан кейин уларнинг таннархи кўшимча чиқимлар ҳиссасига (меҳнат сарфлари миқдориға мувофиқ ҳолда) оширилади.

Якунда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи келиб чиқади. Улар 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағида ой охири ва бошидаги сальдо кўринишида кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдан чиқиб кетган маҳсулотлар таннархи қуйидагича аниқланади: ой бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришга ой давомида қилинган харажатлар қўшилади (яроқсизга чиқарилган маҳсулотлар, қайтариладиган чиқиндилар ва бошқаларнинг қиймати айириб ташланади) ва ой охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари чегирилади.

1.3. Ишлаб чиқаришга кетган моддий чиқимларни ҳисобга олиш

Материаллар, сотиб олинadиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш чиқимларидаги салмоғи катта. Белгиланган меъёрлардан четга чиқиш маҳсулот таннархи ва фаолиятнинг якуний натижаларига анчагина таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан корхоналар ишлаб чиқаришда материаллардан тўғри фойдаланилишини ҳисобга олишни шундай ташкил қилиши лозимки, натижада ҳар доим амалдаги чиқимларни белгиланган меъёрлар билан солиштириш, меъёрлардан четга чиқишларни оператив тарзда аниқлаш ва қарор қабул қилишга имконият яратилган бўлиши керак.

Маҳсулот турлари бўйича материаллар сарфи қандай ҳисобга олинади ва тақсимланади?

Фойдаланилган материалларни калькуляциялаш объектлари ўртасида тақсимлаш усуллари маҳсулот таннархини режалаштириш, ҳисобга олиш ва калькуляциялашга доир тармоқ йўриқномалари ва тавсияномаларида белгиланган. Материаллар сарфини маҳсулотлар ўртасида тақсимлашнинг энг кенг тарқалган усуллари меъерий (норматив) ва коэффицентли (кўрсаткичли) усуллардир.

Тақсимлашнинг меъерий (норматив) усулида ҳар бир буюм учун маҳсулот бирлигида аниқ материал сарфининг меъери белгилаб қўйилади. Сўнгра сарф меъерини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сонига кўпайтириш йўли билан амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун кетган материалнинг (меъерий) сарфи аниқланади. Материалнинг меъерий сарфини унинг амалдаги сарфи билан солиштирилади ва тежаш ёки ортиқча сарфлаш фоизи (нисбати) аниқланади. Шундан сўнг қуйидаги формула ёрдамида меъерий сарфни фоизга (нисбатга) айлантириш йўли билан аниқ бир буюм турига кетган амалдаги материал сарфи аниқланади:

$$P\phi_j = \frac{P\phi_1}{\sum V_{п_j} + P_{н_j}} \times V_{п_j} \times P_{н_j},$$

бунда $P\phi_j$ - j -нчи буюмга кетган амалдаги материал сарфи,

$V_{п_j}$ - ишлаб чиқарилган j буюмлар сони;

$P_{н_j}$ - барча ишлаб чиқаришга кетган амалдаги материал сарфи;

$P_{н_j}$ - j -нчи буюмга кетган материалнинг меъерий сарфи;

Мисол. Икки турдаги буюмлар ишлаб чиқариш учун кетган амалдаги материал сарфи 7500 кг ни ташкил қилди. Сарф меъери 2 кг бўлгани ҳолда А буюмлар 2000 дона ва сарф меъери 2,8 кг бўлгани ҳолда Б буюмлар 900 дона ишлаб чиқарилди. Буюмлар бўйича амалдаги материал сарфи куйидагича:

$$P\phi'_A = \frac{7500}{(2000 \times 2) + (900 \times 2,8)} (2000 \times 2) = 4601 \text{ кг,}$$

$$P\phi'_B = \frac{7500}{-(2000 \times 2) + (900 \times 2,8)} (900 \times 2,8) = 2899 \text{ кг.}$$

Коеффициентли усулда ҳар қайси буюмга кетган материаллар сарфи коеффициентларини тақсимлашга асос қилиб олинади. Буюмлардан бири бўйича материал сарфи меъери бирга тенг деб олинади ва қолган бошқа буюмлар бўйича эса коеффициентлар ҳисобланади.

Мисол. А буюм меъери 4 кг бирга тенг деб олинади, Б буюм меъери 6 кг, бунда коеффициент 1,5 ни, В буюм меъери 2,5 кг, бунда коеффициент 0,63 ни ташкил қилади. Ҳар қайси буюм бўйича шартли маҳсулот ишлаб чиқариш ни аниқлаш учун буюмлар сони уларнинг коеффициентига кўпайтирилади. Маҳсулотнинг умумий шартли ишлаб чиқарилиши коеффициент-бирликларда ҳисобланади. Умумий сарфланган материаллар миқдори 12180 кг ни маҳсулот-

нинг шартли ишлаб чиқарилишига бўлиш билан бир шартли маҳсулот ишлаб чиқариш коэффициент-бирликка кетган сарф ҳисобланади (12180 : 2856). Ҳар қайси буюм учун амалдаги материал сарфи шартли маҳсулот ишлаб чиқаришни бир коэффициент-бирликка кетган материаллар сарфи миқдорига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Материалларни маҳсулот турлари бўйича коэффициентлар усулида тақсимлаш 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Материалларни коэффициентлар бўйича тақсимлашни ҳисоблаш

Буюм	Тайёрланган маҳсулот сони; дона	Коэффициент	Шартли ишлаб чиқариш (уст. 2 x уст. 3)	Шартли ишлаб чиқариш бирлиги учун сарф, кг	Амалдаги сарф (уст. 4 x уст. 5)
1	2	3	4	5	6
А	900	1	900	4,2	3780
Б	800	1,5	1200	4,2	3360
В	1200	0,63	756	4,2	5040
Жами	2900		2856		12180

Буюмлар таннархига киритиладиган қўшимча материалларга амалдаги чиқимлар қандай тақсимланади?

Технологик мақсадлар учун ишлатиладиган қўшимча материаллар буюмлар таннархига бевосита киритилиши мумкин, лекин одатда улар билвосита усулларда - меъёрлар бўйича харажатларга, қайта ишланган хом ашё массасига, тайёрланган маҳсулот миқдорига, ишланган соатлар ва ҳоказога мутаносиб равишда тақсимланади.

Буюмлар таннархига киритиладиган қўшимча материалларга, товар маҳсулотларга ва тугалланмаган ишлаб

чиқаришга амалдаги чиқимларни кўшимча материаллар сарфи меъёрларига ва уларнинг маҳсулот бирлигига берилган амалдаги нархларига мутаносиб равишда тақсимлашга мисол 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Кўшимча материалларни смета ставкаларига мутаносиб равишда тақсимлашни ҳисоблаш

Буюм	Тайёрланган маҳсулот микдори, дона	Коэффициент	Шартли ишлаб чиқариш (уст.2 х уст.3)	Шартли ишлаб чиқариш бирлиги учун сарф, кг	Амалдаги сарф (уст. 4 х уст. 5)
1	2	3	4	5	6
А	900	2,5	2250	1,412	3177
Б	440	10	4400	1,412	6213
Жами			6650		9390

Смета ставкалари бўйича сарфларга нисбатан амалдаги сарф коэффициентини аниқлаш учун амалдаги сарфни смета ставкалари бўйича сарфга бўлиш керак $(9390 : 6650) = 1.412$.

Буюм таннархига киритиладиган сотиб олинadиган буюмлар, ярим тайёр маҳсулотларнинг қиймати, шунингдек четки хизматлар учун ҳақ тўлаш чиқимлари уларнинг турлари бўйича қандай тақсимланади?

Сотиб олинadиган буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар (буюмларни тайёрлаш ва бутлаш учун ишлаб чиқариш кооперацияси тариқасида бошқа корхоналардан сотиб олинadиган узеллар, деталлар ва заготовкaлар) қиймати, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқаришда, хом ашё ва материалларга ишлов беришда айрим операцияларни бажариш юзасидан четки корхоналар кўрсатган хизматларга

ҳақ тўлаш чиқимлари корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар таннархига кўпинча бевосита киритилади.

Корхонанинг энергия (ёқилғи, электр ҳоказо энергияси, сув, буг, газ, сиқилган ҳаво ва ҳ.к.)га чиқимлари буюмлар ўртасида қандай тақсимланади?

Энергияга кетган чиқимларни буюмлар ўртасида тақсимлашда ҳам худди фойдаланилган материалларга кетган чиқимларни тақсимлашдагидек усуллар қўлланилади. Тарозида тортиш, ўлчаш, ҳисоблагичлар (счётчиклар) ва бошқа ўлчаш асбобларининг кўрсаткичларига асосланиб ёқилғи-энергия ресурсларининг ҳар бир тури бўйича ишлаб чиқаришга кетган амалдаги сарф қайд қилинади. Агар энергия ресурслари сарфини бевосита ҳисобга олишнинг иложи бўлмаса, ишлаб чиқариш тарзи ва турига мос келадиган турли усуллар қўлланилади: чиқимлар маҳсулот бирлиги учун қабул қилинган меъёрларга, ёқилғи ёки энергияни истеъмол қиладиган механизмларнинг қувватини ҳисобга олган ҳолда уларнинг иш ҳажмига (иш ўринлари бўйича тақсимлашда) мутаносиб тарзда, ишланган машина-соатлар сонига мос равишда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари бўйича (иш ўрни чегарасида) тақсимланади.

Бундай чиқимлар асосан умумий ишлаб чиқариш харажатлари таркибида маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига қўшилади.

Қайтариладиган чиқиндиларнинг қиймати айрим маҳсулот турлари ўртасида қандай тақсимланади?

Қайтариладиган (корхоналар яна фойдаланиши ёки четга сотилиши мумкин бўлган) чиқиндиларнинг миқдори ва қиймати айрим маҳсулот турлари ўртасида бевосита тақсимланади, бундай имконият бўлмаган ҳолларда эса ҳар қайси калькуляция объектига сарфланган мате-

риалларнинг миқдори ёки таннархига мутаносиб равишда тақсимланади.

Сарфланган материаллар ва сотиб олинadиган ярим тайёр маҳсулотларни маҳсулот таннархида қайтариладиган чиқиндилар қийматини чегириб ташламаган ҳолда кўрсатилади. Харажатларнинг колькуляция моддалари номенклатурасида уларнинг қиймати алоҳида модда тарзида кўрсатилади ва унга ишлаб чиқариш чиқимлари камайтирилади.

1.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш чиқимларини ҳисобга олиш

Ёзилган иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар ишлаб чиқариш чиқимлари ҳисобварағига ёзилади, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархида қўшилади ёки фойда ҳисобварағига ёзилади ва бу ҳолда улар давр харажатлари таркибига киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш чиқимларининг таркиби маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва сотишга доир чиқимлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш чиқимлари қандай таснифланади?

Меҳнатга ҳақ тўлаш чиқимлари маҳсулот таннархида худди моддий чиқимлар каби, яъни чиқим йўналишлари ва пайдо бўлиш жойлари бўйича акс эттирилади. Маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг айрим турлари таннархини айнан ва тўғри аниқлаш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий ва қўшимча харажатлари ёки маҳсулотнинг шу турларини тайёрлаш (бажариш)га бевосита сарфланган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ишланмаган вақт учун тўловлар фарқланади.

Асосий иш ҳақи ходимларнинг ишлаган вақти учун уларга тўланадиган иш ҳақи ҳисобланади. Унинг тарки-

бига тариф ставкалари ва ишбай нархлар (окладлар) бўйича тўланадиган ҳақдан ташқари меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай- ва вақтбай-мукофотли тизими бўйича қўшимча тўловлар, зарарли меҳнат шароити учун усталмалар, ишдан ташқари соатлар ва тунда ишлаганлик учун қўшимча тўловлар, шунингдек рисоладаги ишлаб чиқариш шароитидан четга чиқиш муносабати билан асосий ишбай нархларга қўшимча каби тўловлар ҳам киради.

Қўшимча иш ҳақиға амалдаги қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномасига мувофиқ ишланмаган вақт учун тўланадиган иш ҳақи ва тўловлар киритилади. Бунга навбатдаги ва қўшимча меҳнат таътиллари, имтиёзли соатлар, бола эмизувчи оналарнинг ишдаги танаффусларига тўланадиган ҳақлар, давлат ва жамоат вазифаларини бажарган вақтлар учун тўловлар ва ҳоказо қўпилади.

Ишлаб чиқаришда банд ишчиларнинг асосий иш ҳақи билвосита харажатларни, шу жумладан, умумий ишлаб чиқариш даражасидаги ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш чиқимларини айрим калькуляциялаш объектилари ўртасида тақсимлаш учун асос ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш чиқимлари қандай тақсимланади?

Меҳнатга ҳақ тўлаш чиқимларини тақсимлаш учун асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақларини бирламчи ҳужжатлар бўйича цехлар, қайта бўлишлар, ишлаб чиқариш босқичлари ва чиқимларни ҳисобга олишнинг бошқа объектилари бўйича, уларнинг ичида эса калькуляциялаш объектилари бўйича гуруҳланади. Гуруҳланган маълумотларни ҳар қайси ҳисоблаш объектига ва ҳар қайси калькуляциялаш объектига очиладиган жамғарув варақчалари ёки қайдномаларига ёзилади. Варақчалар ва қайдномаларнинг ойлик якунларини иш ҳақини тақсимлаш йиғма қайдномасига кўчирилади; кейин бу қайдномадан маҳсулот турлари бўйича

таннархнинг ҳисобот калькуляцияларини тузишда фойдаланилади.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишбайчи ишчиларнинг асосий иш ҳақи, одатда, буюмлар таннархиға бево-сита кўшилади, вақтбайчи ишчиларнинг асосий иш ҳақи ва кўшимча тўловлар эса маҳсулот бирлигига тўғри ке-ладиган бу харажатларнинг смета ставкаларини ҳисоб-лаш асосида маҳсулот турлари ўртасида тақсимланади; смета ставкалари ишлаб чиқариш ҳажмидан, иш ўрин-лари рўйхати ва хизмат кўрсатиш меъёрларидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Кўшимча иш ҳақи асосий иш ҳақиға мутаносиб ра-вишда, ижтимоий суғуртаға ажратмалар эса асосий ва кўшимча иш ҳақларига мутаносиб равишда буюмлар таннархиға кўшилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархиға кўшиладиган меҳнатға ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш учун “Ёзил-ган иш ҳақини тақсимлаш қайдномаси” деб аталадиган ишланма жадвал тузилади; бу жадвал ижтимоий суғуртаға ажратмаларни тақсимлаш учун асос ҳисобланади.

Иш ҳақиға доир меъёрлардан фарқланиш қандай ҳисобға олинади ва тақсимланади?

Иш ҳақиға доир меъёрлардан фарқланиш ҳужжатлаш-тириш усулида аниқланади. Унинг моҳияти шундаки, белгиланган меъёрлардан ортиқча ёзилган барча иш ҳақиға алоҳида ҳужжатлар: технологик жараёнда кўзда тутилмаган кўшимча ишларға нарядлар, брак ҳақида да-лолатномалар, меъёрлар ва нархлар (расценка)дан ор-тиқча тўлов варақлари тузилади. Уларда иш ҳақи меъёр-ларидан фарқ суммаси, сабабчилар ва айбдорлар кўрса-тилади.

Вақтбайчи ишчиларнинг иш ҳақлари бўйича фарқлар иш ҳақининг амалдаги ва меъёрий миқдорларини тақ-қослаш йўли билан аниқланади. Ёзилган суммалар меъё-рий ставкаларға мутаносиб равишда тақсимланади.

1.5. Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби, уларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш

Асосий ва қўшимча цехларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар умумий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Одатда, уларнинг таркибига харажатларнинг қуйидаги моддалари киритилади:

- цехнинг бошқарув аппаратини тутиб туриш;
- цехдаги бошқа ходимларни тутиб туриш;
- бинолар, иншоотлар ва инвентар амортизацияси;
- бинолар, иншоотлар ва инвентарни тутиб туриш;
- бинолар, иншоотлар ва инвентарни жорий тузатиб туриш;
- синовлар, тажрибалар ва тадқиқотлар, рационализаторлик ва ихтирочилик;
- меҳнатни муҳофаза қилиш;
- арзон баҳоли ва тез эскирадиган инвентарнинг эскириши;
- олдинги моддаларда кўзда тутилмаган бошқа харажатлар;
- бекор туриб қолишдан кўриладиган йўқотишлар;
- цехларда сақлашда моддий бойликларнинг ишдан чиқишидан кўриладиган йўқотишлар;
- деталлар, узеллар ва технологик асбоб-ускуналардан тўлиқ фойдаланмасликдан кўриладиган йўқотишлар;
- моддий бойликлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш (ортиқча нарсалар бундан мустасно) камомади;
- натижа бермайдиган бошқа харажатлар.

Умумий ишлаб чиқариш харажатлари қандай ҳисобга олинади?

Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг жамлама (синтетик) ҳисоби 25- "Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" актив жамлама-тақсимлаш ҳисобварағида олиб борилади; унга қуйидаги илова ҳисобварақлар киритилади:

- 25-1 – "Моддий харажатлар";
- 25-2 – "Меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар";
- 25-3 – "Ижтимоий ажратмалар учун харажатлар";
- 25-4 – "Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси";

- 25-5 "Бошқа харажатлар".

Операцияларнинг 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағида акс эттирилиши куйида келтирилган.

25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағи

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
10, 12	Сальдо йўқ Машиналар, жиҳозлар, бинолар, иншоотлар, цехларни тутиб туришга берилган товар-моддий бойликларнинг ҳисоб қиймати	Маҳсулот бракини тузатишга кетган харажатларнинг бир қисмини ҳисобдан чиқариш	28
70, 69, 89	Жиҳозларни созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш (қўшимча тўловлар билан) харажатлари, цехнинг бошқа ишчилари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари	Асосий ва қўшимча ишлаб чиқариш маҳсулотига кетган харажатларнинг қолган қисмини ҳисобдан чиқариш ва уларни иш турлари ва буюмлар ўртасида тақсимлаш	20, 23

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
------------------------	-------	--------	-----------------------

70, 69	Цех бошқаруви аппарати меҳнатига ҳақ тўлаш (қўшимча, туловлар билан) харажатлари		
13	Цехдаги арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар (АТБ)нинг, асбобларнинг эскириши		
02	Жиҳозлар ва цех ичидаги транспорт, шунингдек цехдаги бошқа асосий воситалар амортизацияси		
60	Цехдаги жиҳозлар, иш ўринлари, цех бинолари ва иншоотларини тутиб туриш учун ташқаридан жалб қилинган хизматлар		
23	Қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари		

Бу чиқимларни таҳлилий (аналитик) ҳисобга олиш 12-қайдномада юритилади. Ҳар ойда ҳар қайси модда бўйича яқун ва умумий сумма ҳисобланади. Амалдаги харажатларнинг суммалари билан бирга ҳар қайси модда бўйича сметада ажратилган маблағлар (ассигнациялар) ҳақидаги маълумотлар қўйилади, бу эса сметанинг бажа-

рилишини назорат қилишга имкон беради. Ой охирида қайдноманинг амалдаги харажатлари қисмидаги якуний сумма 10-журнал-ордерга кўчирилади.

Ой тугганидан сўнг умумий ишлаб чиқариш харажатлари ҳар бир цех бўйича алоҳида-алоҳида яроқли маҳсулот ва тузатса бўладиган брак маҳсулот ўртасида, товар маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида, шунингдек буюмлар (буюмлар гуруҳи) ўртасида тўлиқ тақсимланади. Цехларнинг ўз капитал қурилиши учун бажариладиган ишларга, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларга тегишли харажатлар, шунингдек ихтисослаштирилмаган цехларда маданий-маиший ва кундалик хўжалик мақсадларидаги товарлар ишлаб чиқариш харажатларининг улущларини аниқлашда шу ишлар (хизмат)ни бажариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар уларнинг таркибидан чиқариб ташланади.

Умумий ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда қандай усуллар қўлланилади?

Ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига қараб умумий ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг қуйидаги усуллари қўлланилади:

- ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақиға мутаносиб равишда (прогрессив-мукофот кўшимча тўловларисиз) кўшув машина ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари;

- ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақиға мутаносиб равишда (прогрессив-мукофот кўшимча тўловларисиз);

- қайта бўлишга доир чиқимларға мутаносиб равишда;
- тайёрланган ёки қазиб олинган маҳсулот миқдори (массаси)ға мутаносиб равишда.

Умумий ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги тартибда тақсимланади;

- умумий ишлаб чиқариш харажатларининг ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақиға ҳамда

жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатларига ҳақиқий нисбати аниқланади;

- ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи ҳамда машиналар ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари ҳақидаги, шунингдек умумий ишлаб чиқариш харажатларининг иш ҳақи ва жиҳозларга кетган харажатларга фоизлардаги нисбати тўғрисидаги маълумотлар асосида товар маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича тегишли буюмлар учун алоҳида-алоҳида умумий ишлаб чиқариш харажатлари аниқланади;

- умумий ишлаб чиқариш харажатлари меъёрлар бўйича ҳисобланади; бунинг учун товар маҳсулотга ва алоҳида тугалланмаган ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи ҳамда жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари суммаларини умумий ишлаб чиқариш харажатларининг иш ҳақи ва жиҳозларга кетган харажатларга бўлган меъёрий нисбатига кўпайтирилади;

- меъёрлардан четга чиқишлар аниқланади; улар умумий ишлаб чиқариш харажатларининг амалдаги суммалари ва уларнинг меъёрлар бўйича миқдори орасидаги фарққа тенг.

Қандай чиқимлар асосий воситаларни тутиб туриш ва ишлатиш чиқимларига кўшилади?

Машина ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашадиган меҳнат воситалари билан боғлиқ. Бу харажатлар техник-иқтисодий жиҳатдан асосий чиқимлар, маҳсулот таннархига киритиш усули бўйича билвосита чиқимлар, таркиби бўйича эса ялпи (комплекс) чиқимлар ҳисобланади. Шунинг учун машина ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш чиқимларини режалаштириш ва ҳисобга олиш ва харажатларнинг таркиби ва улардан фойдаланиш ҳақидаги мукамал маълумотларга асосланиши лозим.

Одатдаги номенклатурага мувофиқ бундай харажатларга харажатларнинг куйидаги моддалари киритилади:

- ишлаб чиқариш жиҳозлари, транспорт воситалари ва қимматбаҳо асбоб-ускуналар, амортизацияси (ишлаб чиқариш жиҳозлари, транспорт воситалари, қимматбаҳо асбоб-ускуналарга амалдаги меъёрлар бўйича амортизация ажратмалари ҳисобга олинади);

- жиҳозларни ишлатиш (тузатишга кетган харажатлардан ташқари), бунга суркаш, артиш материаллари ва жиҳозларга қараб туришга доир бошқа қўшимча материаллар қиймати, мой сурковчилар, созловчилар, чилангарлар ва жиҳозларга қараб турадиган бошқа ёрдамчи ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақи, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар, жиҳозларни ҳаракатлантиришга кетган ёқилғи ва энергия қиймати ва ҳоказо қўшилади;

- жиҳозлар ва транспорт воситаларини тузатиш (тузатиш фондига қўшиладиган амалдаги харажатлар ёки суммалар);

- завод ичида юкларни ташиш (цеҳларнинг хусусий транспорт воситаларини тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари, ёрдамчи цеҳ хизматларининг қиймати, омборхонадан цеҳларга хом ашё, материаллар, деталлар, заготовкалар, асбоб-ускуналарни, тайёр маҳсулотни цеҳлардан омборхонага ташиш учун четдан жалб қилинган транспорт хизматига тўланадиган ҳақ);

- арзон баҳоли асбоб-ускуналар ва мосламаларнинг эскириши (умумий ишларга мўлжалланган арзон баҳоли ва тез эскирадиган асбоб-ускуналар ва мосламаларнинг эскириши суммалари, уларни чархлаш, тузатиш қиймати ва ҳоказо, шунингдек асбоб-ускунанинг омборхонадан цеҳга ишлатиш учун берилётган пайтдаги бирлиги учун белгиланган лимитнинг йигирмадан бир улуши чегарасидаги қиймати ҳисобга олинади);

- бошқа харажатлар (олдинги моддаларда саналмаган машиналар ва жиҳозларни тутиб туриш ҳамда ишлатиш билан боғлиқ бошқа харажатлар).

Машиналар ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари қандай тақсимланади?

Ишлаб чиқарадиган маҳсулоти ягона номенклатурада бўлган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги унча кўп бўлмаган оддий ишлаб чиқаришларда машиналар ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари бево-сита ва тўлиқ равишда маҳсулот таннархига кўшилади.

Ишлаб чиқарадиган маҳсулоти кенг номенклатура ва ассортиментли, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги анча кўп бўлган мураккаб ишлаб чиқаришларда 20-“Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилган маши-на ва жиҳозларни тутиб туриш харажатлари тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот ўртасида, шунингдек, буюмлар ўртасида билвосита усулларда тақсимланади.

Бу усулларнинг асосийлари қуйидагилар:

- жиҳозларнинг ишлаш соатларига мутаносиб равиш-да тақсимлаш (ишини ҳисобга олиш мураккаб бўлмаган бир хил жиҳозлар ўрнатилган ишлаб чиқаришларда қўлланилади);

- амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун кетган машина-соатлар коэффиценти асосида ҳисобланган смета (меъерий) ставкаларига мутаносиб равишда тақ-симлаш;

- ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақиға (прогрессив-мукофот тизими бўйича кўшимча тўловлар-сиз) мутаносиб равишда тақсимлаш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига мутаносиб равишда тақсимлаш;

- қайта бўлишларга доир чиқимларга мутаносиб ра-вишда тақсимлаш.

Машина ва жиҳозларни тутиб туриш харажат-ларини смета (меъерий) ставкаларига мутаносиб равишда тақсимлашнинг моҳияти нимада?

Харажатларни тақсимлаш смета (меъерий) усулининг моҳияти шундаки, бунда цехлар бўйича уларнинг ҳар бирида тайёрланадиган буюмлар учун машиналар ва

жиҳозларни тутиб туриш харажатларининг смета (меъёрий) ставкалари тегишли турдаги жиҳозларнинг ишлаган соатлари миқдори ва бир машина-соатта кетган харажатлар миқдори асосида белгиланади.

Смета (меъёрий) ставкаларини ҳисоблаш учун жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатишга кетган, технологик вазифаси ва миқдори бўйича бир хил бўлган харажатлар гуруҳларга бирлаштирилади. Ҳар қайси гуруҳга унинг учун энг хусусиятли бўлган, бир соат учун тутиб туриш ва ишлатишга кетган харажатларнинг меъёрий миқдори ҳисобланадиган жиҳозлар бирлиги танлаб олинади.

А гуруҳи бўйича жиҳознинг бир соат ишлаганлиги учун кетадиган меъёрий харажатларни ҳисоблашга мисол 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Жиҳознинг бир соат ишлаганлиги учун кетадиган меъёрий харажатлар ҳисоби

Харажатлар тури	Жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари	
	бир йилга, сўм	бир соат ишлаганлиги учун (йиллик қувват 2120 соат/сўм)
Амортизация ажратмалари (жиҳознинг қиймати - 120000 сўм, йиллик амортизация меъёри - 10%)	12000 (120000 x 10 : 100)	5,7 (12000:2120)
Энергия сарфи (бир соатдаги энергия сарфи - 28 кВт/соат, 1 кВт/соат қиймати - 1 сўм 70 тийин)	-	4766 (28x1,70)
Тузатиш харажатлари (тузатиш мураккаблиги коэффиценти 15, тузатиш мураккаблиги бирлигига бир йилда тўғри келадиган харажатларнинг ўртача миқдори - 1200 сўм)	18000 (15 x 1200)	8,49 (18000:2120)
Жами		61,79

Бундан ташқари, механизациялаштирилмаган (дастаки) иш турлари (чилангарлик, йиғиш ва ҳоказо)нинг ҳар бири бўйича бир соат учун иш ўрнини тутиб туришга кетадиган харажатларнинг меъерий миқдори ҳисобланади.

Гуруҳлардан бири бўйича жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатишга кетадиган харажатларнинг меъерий миқдорини бирлик деб қабул қилинади. Бошқа гуруҳлар ва механизациялаштирилмаган ишлар бўйича келтириш коэффициентлари ҳисоблаб топилади; бу коэффициентлар кейинчалик бирон бир буюмни тайёрлаш учун ҳар қил гуруҳлардаги жиҳозлар сарфлаган умумий иш вақтини ўлчаш вазифасини ўтайди.

Технологик жараён бўйича ҳар қайси гуруҳ жиҳозлари ишлаши зарур бўлган машина-соатлар миқдори унинг коэффициентига кўпайтирилади, ҳосилалар жамланади ва бир буюмни тайёрлаш учун жиҳознинг келтирилган умумий машина-соатлари миқдори (машина-соат коэффициенти) аниқланади. Жиҳознинг машина-соатлари коэффициентини ҳисоблашга мисол 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Жиҳознинг ишлаш машина-соатлари коэффициентини ҳисоблаш

Жиҳозлар гуруҳи	Жиҳознинг бир соат ишлаши учун кетган харажатларнинг меъерий миқдори, сўм	Келтириш коэффициенти	Бир буюмга сарфланган машина-соатлар миқдори	Машина-соатлар коэффициентлари сони (уст. 3 х уст. 4)
1	2	3	4	5
А	12	1	4	4
Б	35	1,8	7	12,6
Жами			11	16,6

Сўнгра маҳсулот номенклатураси бўйича цех дастури-ни бир буюмни тайёрлаш учун зарур бўлган машина-соатлар коэффицентлари сонига кўпайтирилади. Олинган ҳосилалар жамланади ва цехнинг бутун ишлаб чиқариш дастури учун умумий машина-соатлар коэффицентлари сони ҳисобланади.

Бир машина-соат коэффиценти таннарҳини аниқлаш учун цех сметасига мувофиқ жиҳозни тутиб туриш ва ишлатиш харажатларининг режадаги миқдорини цехнинг бутун ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун талаб қилинадиган жиҳознинг ишлаш машина-соатлари коэффицентлари умумий сонига бўлиш лозим.

Машина ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатларининг смета (меъерий) ставкаларини ҳисоблашда тегишли буюмларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган машина-соатлар коэффицентлари сонини бир машина-соат коэффицентининг режадаги таннарҳига кўпайтириш керак.

Мисол. Цех сметаси бўйича машиналар ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари - 300000 сўм, машина-соатлар коэффицентларининг умумий сони - 12000. Бир машина-соатлар коэффиценти қиймати - 25 сўм (300000 : 12000).

Брак ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш учун машиналар ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатларининг ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақига бўлган фоизлардаги меъерий нисбатидан фойдаланилади.

Машиналар ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатишга доир амалдаги харажатларни тақсимлашда уларнинг дастлабки суммасидан олдин брак қилинган маҳсулотга тегишли харажатлар чегириб ташланади. Бу харажатларни ҳисоблаш учун ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг тузатса бўладиган брак таннарҳидаги асосий иш ҳақини жиҳозни тутиб туриш ва ишлатиш харажатларининг меъерий фоизига кўпайтирилади.

Умуман машиналарни тутиб туриш ва ишлатиш харажатларини тақсимлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- меъёрлар бўйича харажатлар миқдори аниқланади (тайёрланган маҳсулот миқдори буюмга кетган харажатларнинг смета ставкасига кўпайтирилади);

- жиҳозни тутиб туриш ва ишлатишга доир амалдаги харажатларнинг умумий суммасидан товар маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга тегишли меъёрлар бўйича харажатлар (брак таннархига киритилган харажатлар бундан мустасно) чегириб ташланади, орадаги фарқ меъёрдан четга чиқишни, айти ҳолда тежамни, яъни 405.4 (9462.9 – 9057.5)ни кўрсатади.

- меъёрлардан четга чиқишлар меъёрлар бўйича харажатларга мутаносиб равишда (ўртача четга чиқиш фоизи ҳисоби асосида) айрим маҳсулот турлари ўртасида тақсимланади; ўртача фоиз 4.28 ($405.4 \times 100/9400 + 62.9$);

- товар маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатларнинг амалдаги миқдори (меъёрлар ва меъёрлардан четга чиқишлар бўйича харажатлар суммаси) аниқланади.

Машина ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатларини тақсимлашни ҳисоблашга мисол 5-жадвалда келтирилган.

Машина ва жиҳозларни туғиб туриш ва ишлатиш харажатларини тақсимлашни ҳисоблаш (сўмларда)

Буюмлар (маҳсулотлар)	Бир буюмга сарфланадиган харажатларнинг смета ставкаси	Буюмлар сони, дона	Товар маҳсулотга				Амалдаги харажатлар
			Амалда ишлаб чиқарилган буюмларга меъёрий харажатлар (уст. 2 х уст. 3)	Меъёрдан четга чиқишлар		Амалдаги харажатлар	
				%	Сумма		
1	2	3	4	5	6	7	
А	17	200	3400	-4,28	-145,6	3200	
Б	12	500	6000	-4,28	-257	5800	
Жами		700	9400	-4,28	-402,6	9000	

Буюмлар (махсулотлар)	Бир буюмга харажатларнинг смета ставкаси	Тугалланмаган ишлаб чиқаришга					амалдаги харажат- лар
		шартли машина- комплектлар сони	меъёрий харажатлар	меъёрдан четга чиқишлар		7	
				%	сумма		
1	2	3	4	5	6	7	
А	17	2,50	42,5	-4,28	-1,8		37,1
Б	12	1,7	20,4	-4,28	-1,0		20,4
Жами			62,9	-4,28	-2,8		57,5

Машиналар ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатларини тақсимлашга доир маълумотлар қандай ҳисобга олиш регистрлари (рўйхатлари)да акс эттирилади?

Бундай маълумотлар тегишли ҳисоблашлар билан бирга 12-қайдномада ва 10-журнал-ордерда акс эттирилади.

1.6. Давр харажатларини ҳисобга олиш

Давр харажатлари деганда бошқариш, маҳсулотни сотиш (ўтказиш)га доир чиқимлар ва умумий хўжалиқ тарзидаги бошқа харажатлар тушунилади. Давр харажатлари Чиқимлар таркиби тўғрисидаги низомда кўзда тутилган чиқим моддалари бўйича гуруҳланади.

Давр харажатлари қандай ҳисобга олинади?

Давр харажатларини ҳисобга олиш жамловчи актив ҳисобварақ - 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағида олиб борилади. 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи ҳисобот даври охирида сальдога эга бўлмайдиган транзит ҳисобварақ ҳисобланади. Бу ҳисобвараққа қуйидаги илова ҳисобварақлар киритилади:

- 26-1-"Сотиш учун харажатлар" (савдо ташкилотлари учун - муомала харажатлари);

- 26-2-"Маъмурий харажатлар";

- 26-3-"Бошқа умумий хўжалиқ ва операция харажатлари";

- 26-4-"Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари".

Давр харажатлари ҳисобварақ дебети бўйича жамланади ва гуруҳланади, сўнгра 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи дебетига 80-2-"Давр харажатлари" илова ҳисобварағига кўчирилади. Давр харажатларини ҳисобга олишга доир операцияларнинг акс эттирилиши қуйида келтирилади.

26- "Давр харажатлари" ҳисобварағи

Ҳисоб- варақ- лар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб- варақ- лар дебети
	Сальдо йўқ		
60	Юкларни ўраш-жойлаш, ташишга доир харажатлар	Давр харажатлар ҳисобдан чиқарилган	80
70, 69	Бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари (ажратмалар билан)		
60	Четки ташкилотларнинг реклама ва маркетинг хизматлари		
71	Хизмат сафарларига доир харажатлар		
02, 05	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси		
84	Камомадлар ва табиий камайишнинг меъёрдан ортиқ табиий йўқотилиши		
82	Шубҳали қарзлар бўйича захиралар ҳисобланган ва ҳоказо		

Давр харажатларини таҳлилий (аналитик) ҳисобга олиш 15-қайдномада олиб борилади.

Давр харажатларини ҳисобга олиш бўйича қуйидаги бўхгалтерлик ўтказмалари тузилади:

26- "Давр харажатлари" ҳисобварағи дебети,

10- "Материаллар" ҳисобварағи кредити - моддий чиқимлар суммасига,

12- "Арзон баҳоли ва тез эскирадиган, буюмлар" ҳисобварағи кредити - АТБ суммасига,

60- "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити - алоқа хизматлари, ахборот марказлари, истеъмол қилинган энергия ва сув, четки реклама ва маркетинг хизматлари бўйича акцептланган ҳисобварақлар суммасига,

70- "Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити-бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар суммасига,

69- "Ижтимоий суғурта бўйича ажратмалар" ҳисобварағи кредити - бошқарув ходимлари ижтимоий суғуртасига ажратмалар суммасига,

02- "Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағи кредити - маъмурий тарздаги асосий воситалар амортизацияси суммасига,

05- "Номоддий активларнинг эскириши" ҳисобварағи кредити - маъмурий тарздаги номоддий активлар амортизацияси суммасига,

84- "Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камоматлар ва йўқотишлар" ҳисобварағи кредити - бойликларнинг табиий камайиш меъёрлари чегарасида ва ундан кўп камомади ҳамда бузилишлари суммасига,

71- "Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақлари кредити - хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари суммасига,

76- "Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити - аудиторлик ва консалтинг хизматлар учун,

68- "Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити - солиқ органлари қарори бўйича жарималар суммасига;

51-“Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” кредити - корхона ходимлари учун дам олиш уйлари ва санатория йўлланмаларига ҳақ тўлаш суммасига,

82-“Шубҳали қарзлар бўйича захиралар” ҳисобварағи кредити - ҳисобланган захира суммасига,

20-“Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи кредити - бекор қилинган буюртмалар суммасига,

50-“Касса” ҳисобварағи кредити - тўланган моддий ёрдам суммасига,

51-“Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” кредити - шаҳар транспортдан фойдаланганлик учун тўланган йўл ҳужжатлари суммасига ва ҳоказо.

Давр харажатларини ҳисобдан чиқариш учун қуйидаги ўтказмалар тузилади:

80-“Фойдалар ва зарарлар” ҳисобварағи дебети 2-“Давр харажатлари” илова ҳисобварағи

26-“Давр харажатлари” ҳисобварағи кредити.

1.7. Маҳсулот бракини ва бекор туриб қолишлардан йўқотишларни ҳисобга олиш

Бухгалтерлик ҳисобининг вазифаларидан бири натижа бермайдиган харажатлар ҳамда бракдан, бекор туриб қолишлар, камомад ва моддий бойликларнинг бузилишидан кўриладиган йўқотишларни ўз вақтида топиш ва аниқлашдир. Бундай маълумотлар корхона маблағларини самарасиз сарфлаш сабаблари ва айбдорларини билиб олишга имкон беради.

Ишлаб чиқаришдаги брак нима?

Ўз сифати жиҳатидан белгиланган андозалар ёки техник шартларга мос келмайдиган, асосий мақсади бўйича фойдаланиб бўлмайдиган ёки бракни тузатиш учун қўшимча чиқимлар қилингандан сўнг фойдаланса бўладиган буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва ишлар ишлаб чиқаришдаги брак ҳисобланади.

Брак ишлаб чиқариш ресурсларининг самарасиз чиқ-

имларини ташкил қилади. У яроқли маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтиради ва унинг таннархини оширади.

Маҳсулотни техник қабул қилишда аниқланган нуқсоннинг тарзига қараб, брак тузатса бўладиган ва тузатиб (узил-кесил) бўлмайдиган хилларга бўлинади. Тузатиш учун қўшимча чиқимлар қилинганидан сўнг ўз жойида фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулот тузатса бўладиган брак жумласига киради. Тузатишнинг техник жиҳатдан имкони йўқ ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва ишлар тузатиб (узил-кесил) бўлмайдиган брак ҳисобланади.

Аниқланиш жойига қараб бракни маҳсулотни тайёрлаган корхонада аниқланган - ички ҳамда маҳсулотта ишлов бериш, уни йиғиш, монтаж қилиш ёки ишлатиш жараёнида харидор томонидан аниқланган - ташқи хилларга бўлинади.

Аниқланган брак қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?

Одатда, бракни маҳсулотни техник қабул қилиш жараёнида ТНБ (ОТК) назоратчиси ёки ишлаб чиқариш усталари (мастерлар) аниқлайди. Брак далолатнома (акт) билан расмийлаштирилади, унда брак қилинган маҳсулотнинг номи, миқдори, бракнинг хили, пайдо бўлиш сабаблари ва айбдорлари, шунингдек брак таннархини моддалар бўйича калькуляциялаш учун зарур маълумотлар кўрсатилади. Узил-кесил брак ишлаб чиқаришдан олиб ташланади ва изоляторга топширилади.

Брак қандай ҳисобга олинади?

Бракни баҳолаш, калькуляциялаш, унинг ўрнини қоплаш суммасини ва ундан кўриладиган йўқотишларни аниқлаш учун 28-“Ишлаб чиқаришдаги брак” актив калькуляциялаш ҳисобварағи мавжуд. Бу ҳисобварақ дебети бўйича узил-кесил брак қилинган маҳсулот таннар-

хи, бракни тузатишга, брак қилинган буюмларни ёки уларнинг қисмларини алмаштиришга қилинадиган харажатлар, белгиланган меъёрларга қўшимча равишда жиҳозларни созлашда ишдан чиққан материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар қиймати, кафолат билан чиқарилган маҳсулотни тузатиш учун белгиланган кафолатли тузатиш меъёрларидан ортиқча қилинган харажатлар акс эттирилади.

Ички узил-кесил брак ишлаб чиқариш таннархи бўйича (“Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари”, “Маълум мақсадга мўлжалланган асбоб-ускуналар ва мосламаларнинг эскиришини қоплаш”, “Бракдан йўқотишлар” моддалари бундан мустасно), тузатса бўладиган брак эса цех таннархи бўйича (кўрсатилган харажатлар моддаларидан ташқари) калькуляцияланади.

28-“Ишлаб чиқаришдаги брак” ҳисобварағи кредити бўйича бракдан йўқотишларнинг ўрнини қоплаш суммалари: айбдорларнинг иш ҳақидан ушлаб қолишлар, узил-кесил браkning фойдаланиш мумкин бўлган (чиқиндилар) нарх бўйича қиймати, маҳсулот етказиб берувчилар ва браkning келиб чиқишига айбдор бўлган бошқа корхоналар томонидан қондирилган ёки тан олинган эътирозлар суммалари ҳисобга олинади.

28- "Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварағи

Ҳисоб- варақ- лар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб- варақ- лар дебети
10	Маҳсулот бракини тузатишга сарфланган товар-моддий бойликларнинг ҳисоб қиймати	Узил-кесил бракни ҳисобдан чиқаришда чиққан темир-терсак ва чиқиндилар кирим қилинган	10
70, 69, 89	Маҳсулот бракини тузатиш юзасидан ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари (қўшимча тўловлар билан)	Харажатлар бракнинг айбдорлари бўлган ишчиларга ҳисобдан чиқарилган	70
25	Тузатишга ҳисобдан чиқарилган умумий ишлаб чиқариш харажатлари	Харажатлар бракнинг айбдорлари бўлган маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобдан чиқарилган	63
20, 29	Узил-кесил брак таннархини ҳисобдан чиқариш	Бракдан йўқотишлар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва базарилган ишларга ҳисобдан чиқарилади	20, 23

Дебет ва кредит муомала (оборот)лари ўртасидаги тафовут, яъни 28-“Ишлаб чиқаришдаги брак” ҳисобварағи бўйича сальдо брактан кўрилган йўқотишлардан иборат; бу йўқотишлар ой охирида шу номдаги модда бўйича маҳсулот таннархига кўшилади.

Бракнинг таннархи ва ундан кўриладиган йўқотишлар (зарарлар) 12-қайднома ва 10-журнал-ордерда, йўқотишлар ўрнининг қоплашиши эса 10/1-журнал-ордерда акс эттирилади; бунда қуйидаги ўтказмалардан фойдаланилади:

28- “Ишлаб чиқаришдаги брак” ҳисобварағи дебети

20- “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи кредити-брак ҳақидаги далолатномаларга мувофиқ узил-кесил брак суммасига;

70-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити- ҳисоб-китобларга мувофиқ бракни тузатиш юзасидан ишчиларга тўланадиган иш ҳақи суммасига;

69-“Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити - ижтимоий суғуртага ажратмалар суммасига.

10- “Материаллар” ҳисобварағи кредити - бракни тузатиш юзасидан моддий бойликлар суммасига ва ҳоказо, ва ўрнини қоплаш ўтказмалари.

40- “Тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағи дебети - брак қилинган маҳсулотдан фойдаланиш мумкин бўлган ҳолда шу маҳсулот суммасига;

63- “Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи дебети- маҳсулот етказиб берувчилардан ундириб олинadиган брактан кўрилган йўқотишлар суммасига,

70- “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи дебети- айбдор шахсдан ундириб олинadиган брак қиймати суммасига,

28- “Ишлаб чиқаришдаги брак” ҳисобварағи кредити.

Ташқаридаги узил-кесил брак таннархи брак ҳақидаги далолатномалар ва харидорларнинг эътирозлари асосида

28- “Ишлаб чиқаришдаги брак” ҳисобварағи дебети ва

20- “Асосий ишлаб чиқариш” 23- “Ёрдамчи ишлаб чиқ-

аришлар” ҳисобварағи кредити бўйича акс этирилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш, юклаб жўнатиш ва сотиш ҳажми шундай брак миқдорига камаяди.

Ташқи ва ички брактдан йўқотишлар 28-“Ишлаб чиқаришдаги брак” ҳисобварағи кредитидан 20-“Асосий ишлаб чиқариш” ёки 23-“Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағи дебетига ўтказилади ва брак аниқланган буюмлар (ишлар) таннархига қўшилади. Агар ҳисобот даврида бундай маҳсулот ишлаб чиқарилмаган бўлса, брактдан йўқотишлар худди умумий ишлаб чиқариш харажатлари каби буюмлар (ишлар) ўртасида тақсимланади.

28-“Ишлаб чиқаришдаги брак” ҳисобварағи бўйича таҳлилий (аналитик) ҳисобга олиш цехлар, участкалар (бригадалар), маҳсулот турлари ва чиқимлар моддалари бўйича ташкил қилинади. У ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар қайдномасида 14-шакл бўйича олиб борилади; унда брактнинг таннархи, унинг ўрнини қоплаш ва йўқотишлар ҳам акс этирилади.

Ишлаб чиқаришдаги бекор туриб қолиш деганда нима тушунилади?

Бекор туриб қолишлар деганда жиҳозлар, цехлар ёки бутун ишлаб чиқаришнинг режалаштирилмаган тўхташи муносабати билан механизмлар ва ишчи кучининг ноилуж ишламаслиги тушунилади.

Ишлаб чиқаришдаги бекор туриб қолиш қандай расмийлаштирилади?

Бекор туриб қолишлар улар ҳақидаги варақалар ёки далолатномалар билан расмийлаштирилади. Унда ишчиларнинг исми-шарифи ва табель рақами, ишламай турган станокларнинг хили ва инвентар рақамлари, бекор туриб қолишнинг бошланиши ва тугаш вақти, корхонада ишлаб чиқилган номенклатурага мувофиқ унинг сабаблари ва айбдорлари кодлари кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдаги бекор туриб қолиш қандай ҳисобга олинади?

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган бекор туриб қолишлар ва бошқа самарасиз харажатлар улар ишлаб чиқаришнинг қайси босқичида юз бергани ва бунга сабаб нима эканига қараб 25- “Умумий ишлаб чиқариш харажатлари” ва 26- “Давр харажатлари” ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Бекор туриб қолишдан йўқотишларга ишлаб чиқаришдаги ишчиларга бекор турилган вақт учун тўланадиган иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ишлаб чиқариш тўхтатилган даврда самарасиз сарфланган материаллар, ёқилғи, энергия қиймати, машиналар ва жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатларининг бир қисми қўшилади. Ташқи сабаблар туфайли ҳосил бўладиган бундай харажатлар давр харажатлари таркибида, ички сабаблар туфайли вужудга келганлари эса умумий ишлаб чиқариш чиқимлари таркибида ҳисобга олинади.

Бекор туриб қолишларни ҳисобга олиш бўйича бухгалтерлик ўтказмалари қуйидагилар:

25- “Умумий ишлаб чиқариш харажатлари” ёки 26- “Давр харажатлари” ҳисобварағи дебети,

10- “Материаллар” ҳисобварағи кредити,

23- “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағи кредити,

69- “Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити,

70- “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити ва ҳоказо Ташқи сабаблар туфайли бекор туриб қолишдан йўқотишларнинг ўрнини қоплаш юзасидан маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқа айбдорларга эътирозлар топширилганда тан олинган ёки тўланган эътирозлар суммасига қуйидаги ўтказмалар тузилади: 63- “Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисоб-варағининг дебети,

25- “Умумий ишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағи кредити,

26- “Давр харажатлари” ҳисобварағи кредити. [24]

1.8. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш

Тугалланмаган ишлаб чиқариш - бу ушбу корхонада ишлов беришнинг барча босқичлари ва белгиланган синовлардан ўтмаган, бутланмаган, шунингдек техник назорат бўлими ёки буюртмачи томонидан қабул қилинмаган маҳсулотдир.

Куйидагилар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибига киритилмайди:

- ишлов бериш бошланмаган материаллар;
- биринчи йиғиш босқичидан ўтмаган сотиб олинган, шунингдек, тўлиқ бекор қилинган буюртмаларга тегишли ярим тайёр маҳсулотлар;
- деталлар ва бошқа ярим тайёр маҳсулотларнинг узил-кесил браклари.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш объектлари қандай ҳисобга олинади?

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш оператив ва бухгалтерлик ҳисобига бўлинади.

Оператив ҳисобга олиш корхона цехлари ва бўлимларда режалашнинг диспетчерлик хизмати ходимлари томонидан бухгалтерия назоратида олиб борилади. Ҳисобга олишнинг деталларнинг операциялари бўйича ва деталлар бўйича ҳисобга олиш хиллари фарқ қилинади. Деталлар операциялари бўйича ҳисобга олишда йўналиш варақаларидан фойдаланилади; унда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва операциялар бўйича ярим тайёр маҳсулотнинг ҳаракати ҳисобга олинади. Ялпи ишлаб чиқаришда деталлар бўйича ҳисобга олиш усули қўлланилади.

Деталларни ишлов бериш учун топшириш юкхатлар (накладнойлар), режа карталар, лимитли олиш карталари билан, йиғиш учун топшириш эса бутлаш қайдномалари билан расмийлаштирилади.

Бирламчи ҳужжатлар асосида ой охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги деталлар ҳаракатининг оборот қайдномалари (баланслар) тузилади. Уларда ҳар бир ном (код)даги ярим тайёр маҳсулотнинг ой бошидаги қолдиқларининг натурадаги ифодаси, ой мобайнидаги киримлар, ҳаражатлар ва ой охиридаги қолдиқ кўрсатилади.

Бухгалтерлик ҳисоби. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг бухгалтерлик ҳисоби оператив ҳисобга олиш ва йўқлама (инвентаризация) маълумотлари бўйича, деталь birlikлари ва бошқа ярим тайёр маҳсулотлар таннархи бўйича пул ифодасида олиб борилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш йўқлама (инвентаризация)сининг натижаси қандай расмийлаштирилади?

Тугалланмаган ишлаб чиқариш камида йилига бир марта йўқлама (инвентаризация) қилинади. Ундан мақсад:

- ишлов бериш тугалланмаган ярим тайёр маҳсулотлар ва маҳсулотларнинг амалдаги миқдорини аниқлаш;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш (захира) ва ҳисобга олинмаган бракнинг амалда бутлигини аниқлаш;
- ярим тайёр маҳсулотлар ва деталлар ҳаракатини ҳисобга олиш маълумотлари ҳамда асосий ишлаб чиқаришдаги чиқимлар умумий суммасини текшириш;
- чиқимлар суммасини маҳсулот хиллари бўйича тақсимлашнинг тўғрилигини текшириш ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини аниқлаш.

Деталлар, узеллар ва бошқа ярим тайёр маҳсулотларнинг амалдаги миқдори оператив ҳисобга олиш маълумотлари билан таққосланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш камодаи суммасига қуйидаги ўтказмалар тузилади:

84- “Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар” ҳисобварағи дебети,

20- “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи кредити.

23- “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағи кредити.

Камомадлар айбдорлар ҳисобига ёзилганда бухгалтерлик қайди қуйидагича амалга оширилади:

73- “Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи дебети,

84- “Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар” ҳисобварағи кредити.

Агар ҳақиқий айбдорлар аниқланмаган бўлса, камомадлар қуйидаги ўтказмалар орқали ҳисобдан чиқарилади:

80- “Фойдалар ва зарарлар” ҳисобварағи дебети,

84- “Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар” ҳисобварағи кредити.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчалари қуйидаги қайдлар бўйича кирим қилинади:

20- “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи дебети,

23- “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағи дебети,

80- “Фойдалар ва зарарлар” ҳисобварағи кредити.

Қайта хилларга ажратиш суммасига қуйидаги ички ўтказмалар тузилади.

20- “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи дебети,

23- “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағи кредити ва қайси ишлаб чиқаришга тааллуқлилигига қараб аксинча.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш объектлари қандай баҳоланади?

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш ишлаб чиқаришга кетган харажатларни жамлама ҳисобга олиш вариантыга боғлиқ (ярим тайёр маҳсулотсиз вариант ва ярим тайёр маҳсулотли вариантлар мавжуд). Ярим тайёр маҳсулотсиз вариант қўлланилган шароитда ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар изчил бухгалтерлик

ҳисобида акс эттирилмайди ва уларнинг амалдаги (ҳақиқий) таннархи калькуляция қилинмайди, улар маҳсулот тайёрловчи ҳар бир цех чиқимлари бўйича баҳоланади, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг умумий миқдори эса барча цехларнинг чиқимларини жамлаш йўли билан аниқланади.

Ярим тайёр маҳсулотли вариант ярим тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоблашни ва уни қўшимча киритилдиган “Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар” моддаси бўйича бухгалтерлик ҳисобида акс эттиришни кўзда тутади. Бунда деталлар ва узеллар улар турган жой бўйича ва фақат ярим тайёр маҳсулотлар турган цехларнинг чиқимлари бўйича баҳоланади, бошқа цехларнинг чиқимлари эса “Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар” моддаси бўйича акс эттирилади.

Деталлар, узеллар ва бошқа ярим тайёр маҳсулотлар фақат бевосита чиқимлар бўйича баҳоланади. Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқаришга доир харажатлар уларни тақсимлашнинг қабул қилинган базаси бўйича барча ярим тайёр маҳсулотлар учун умумий сумма шаклида бевосита чиқимларга қўшилади.

2 БОБ. ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

2.1. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, уларни таснифлаш ва харажатларини ҳисобга олиш

Асосий ишлаб чиқаришни энергия, асбоб-ускуналар, идиш (тара)лар, тузатиш, ташиш ва хўжалик хизматлари билан таъминлаш учун мўлжалланган цехлар ва корхонанинг бошқа бўлинмалари қўшимча ишлаб чиқаришлар ҳисобланади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар қандай таснифланади?

Турлари ва бажарадиган вазифалари бўйича қўшимча ишлаб чиқаришлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- энергетик (электр, иссиқлик ва бошқа энергия ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, сув билан таъминлаш, оқова сувларни тозалаш, вентиляция, энергетика тармоқлари ва ускуналарни, шунингдек кучсиз ток тармоқларини монтаж қилиш, тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш);

- асбобсозлик (қуроллар, мосламалар, штамплар, пресс-қолиплар, моделларни тайёрлаш, тузатиш ва тиклаш);

- тузатиш (асосий воситаларни монтаж қилиш, тузатиш, такомиллаштириш, уларга хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни тайёрлаш ва тиклаш, ёрдамчи материалларни регенерациялаш, яъни қайта тиклаш);

- транспорт (ортиш-тушириш ва ташиш ишлари, транспорт воситаларини ортиш-тушириш механизмлари ва кириш йўллари тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш);

- идишлар (идишлар, яъни тараларни ишлаб чиқариш ва тузатиш);

- хўжалик хизмати кўрсатиш (ишлаб чиқариш хоналарини йиғиштириш, махсус кийим-бошлар, яъни жомакорларни ювиш ва ямаш).

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини жамлама (синтетик) ҳисобга олиш қандай амалга оширилади?

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатларини ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасида 23- “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” актив калькуляция ҳисобварағи кўзда тутилган. Мазмуни ва вазифаси жиҳатидан бу ҳисобварақ 20- “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағига ўхшаш: бевосита чиқимлар бирламчи харажатлар ҳужжатларини гуруҳлаш асосида қайд қилинади, билвосита харажатлар олдин 25- “Умумий ишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағида жамланади, сўнг ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатларини ҳисобга олиш марказлари ўртасида тақсимланади.

23- “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағи дебети бўйича ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг амалдаги харажатлари қуйидаги ҳисобварақлар бўйича акс эттирилади:

- 02- “Асосий воситаларнинг эскириши” - ёрдамчи ишлаб чиқаришлар фойдаланадиган асосий воситалар объектлари бўйича амортизация ажратмалари миқдорига;

- 10- “Материаллар” - ёрдамчи ишлаб чиқаришлар эҳтиёжларига сарфланган моддий бойликларнинг амалдаги таннархига;

- 12- “Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар” - омборхонадан ишлатишга беришда қийматининг 50 фоизи миқдорида ва яроқсизга чиқаришда қолган 50 фоизи миқдорида эскириш ҳисобланувчи ёрдамчи ишлаб чиқаришга берилган арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар суммасига;

- 13- “Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг

эскириши” - ишлатишга беришда эскириш 100 фоиз миқдорида ҳисобланадиган, қиймати ҳар қайси бирлик учун белгиланган лимитнинг йигирмадан бир улушигача бўлган арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар суммасига;

- 25- “Умумий ишлаб чиқариш харажатлари” - жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш бўйича харажатлар суммасига;

- 60- “Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” - сотиб олинадиган маҳсулот ва ихтисослаштирилган корхоналар хизматлари суммасига;

- 68- “Бюджет билан ҳисоб-китоблар” - бюджетта ажратмалар суммасига;

- 69- “Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар” - ижтимоий суғуртага ажратмалар суммасига;

- 70- “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” - ёзилган меҳнат ҳақи суммасига.

23- “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағи бўйича кўрсатилган қайдлар 12- қайдномада акс эттирилади, уларнинг якуний маълумотлари эса кейин 10 ёки 10/1-журнал-ордерга кўчирилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотларининг таннархи қандай ҳисобланади?

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулотлари ёки хизматларининг таннархини ҳисобга олиш ва калькуляциялаш, одатда, ЎзР Молия вазирлиги 1995 йил 27 январда тасдиқлаган, 9-сонли Чиқимлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳар қайси тармоқда қабул қилинган харажатлар моддалари номенклатураси бўйича амалга оширилади. Энг кенг тарқалган харажатлар моддалари қуйидагилар ҳисобланади:

- қайтар чиқиндилар чегириб ташланган материаллар;
- ёқилги;
- энергия;
- ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақи (ижтимоий суғуртага ажратмалар билан);
- умумий ишлаб чиқариш харажатлари; шу жумладан жиҳозларни тутиб туриш ва ишлатиш харажатлари.

Таннархи ҳисобланадиган маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг турлари ёрдамчи ишлаб чиқаришда калькуляциялаш объектлари ҳисобланади. Ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотларини калькуляциялашнинг асосий усуллари қуйидагилар:

- оддий калькуляциялаш;
- буюртма калькуляциялаш;
- меъёрий калькуляциялаш.

Оддий ёрдамчи ишлаб чиқаришларда қўлланиладиган оддий калькуляциялаш усулида маҳсулотнинг чиқимлари ва таннархи бир-бирига тенг. Калькуляциялаш бирлиги таннархи эса тегишли маҳсулот тури бўйича 12- қайднома ёки таҳлилий (аналитик) ҳисобга олиш варақчаларида ҳисобга олинган чиқимларни ишлаб чиқарилган ёки тақсимланган энергия, бажарилган транспорт хизмати ёки бошқа хизматлар миқдорида бўлиш йўли билан аниқланади.

Мураккаб ёрдамчи ишлаб чиқаришларда таннархни аниқлашда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўтувчи қолдиқлари мажбурий тартибда ҳисобга олинади. Агар бир буюртма бўйича бир неча маҳсулот бирлиги тайёрланган бўлса, ҳар бир маҳсулот бирлигининг таннархи чиқимларни (тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ўзгаришларини ҳисобга олиб) буюмлар миқдорида бўлиш йўли билан аниқланади.

Маҳсулотни меъёрий калькуляциялаш усулида чиқимлар маҳсулотнинг режадаги (меъёрий) таннархига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулоти ёки хизматларни таҳлилий (аналитик) ҳисобга олиш қандай амалга оширилади?

Корхонанинг ёрдамчи ишлаб чиқаришида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, цехлари ёки бошқа бўлинмаларига кўрсатилган хизматлар бирламчи ҳужжатлар бўйича ҳисобга олинади. Уларга қуйидагилар киради:

- асбоб-ускуналар, мосламалар, моделлар, пресс-қо-
лишлар, эҳтиёт ҳисмлар, идиш(тара) ларни топшириш
юкхат (накладной)лари;

- ноандоза жиҳозларни, капитал тузатишдан чиққан,
такомиллаштирилган ва тикланган (реконструкциялан-
ган) объектларни қабул қилиш-топшириш далолатнома-
лари;

- автомобилларнинг ишлаш йўл варақалари;

- автоюклагичлар, электркаралар ва ҳоказоларнинг
ишлаш қайдномалари.

Харажат моддалари номенклатураси ёрдамчи ишлаб
чиқаришлар маҳсулотлари ва технологик хусусиятлари
моҳиятига қараб аниқланади.

Бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги чиқим-
ларни таҳлилий (аналитик) ҳисобга олиш бутун ишлаб
чиқариш бўйича олиб борилади.

Ҳар хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган
ёрдамчи ишлаб чиқаришда чиқимлар маҳсулот тарзига
ва ишлаб чиқариш хилига қараб алоҳида-алоҳида ҳисоб-
га олинади.

Тузатиш ишлари билан шуғулланадиган ишлаб чиқар-
ишларда чиқимлар ҳар қайси тузатиш учун очиладиган
ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича ҳисобга олинади.
Жиҳозларни жорий тутиб туриш бўйича хизмат кўрсати-
ладиган цехлар учун йиллик буюртмалар очилади; бу
буюртмалар бўйича чиқимлар ой мобайнида жамланади
ва калькуляциясиз буюртмачи цехлар харажатларига
ўтказилади.

Асбобсозлик ишлаб чиқаришларида чиқимлар бир
турдаги асбоб-ускуналар ва мосламалар гуруҳлари бўйи-
ча ҳисобга олинади; асбоб-ускуналарни тузатиш ва тутиб
туришга доир хизматлар ишлаб чиқариш буюртмалари
бўйича ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқарилган ва четдан олинган энергияни,
шунингдек уни истеъмолчиларга беришни ўлчаш асбоб-
лари кўрсаткичлари бўйича ҳисобга олинади, ўлчаш ас-
боблари бўлмаганда эса жиҳозларнинг қуввати ва ишлаш
давомийлигига қараб ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Бу ҳисоблашлар ёки асбобларнинг кўрсаткичлари бўйича энергияни истеъмолчиларга тақсимлаш қайдномаси тузилади (натура ифодасида). Бунда энергия сарфи унинг нимага тааллуқлилигига қараб, яъни технологик мақсадларга, жиҳозларни ҳаракатлантиришга, умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик сарфларига бўлинади.

2.2. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулоти, ишлари, хизматини истеъмолчилар бўйича тақсимлаш

Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг харажатлари ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ўртасида тақсимланиши лозим. Харажатларни тақсимлаш усуллари кўрхона ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги буйруқда мустақил равишда белгилайди.

Кўрхоналар ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)ни истеъмолчилар ўртасида тақсимлашнинг қайси усулларидан фойдаланиши мумкин?

Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг сарф-харажатлари фойдаланилган хизматлар миқдорига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича тақсимланиши мумкин.

23-“Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган харажатлар ҳисобот ойининг охирида тақсимланади. Бу харажатларни баҳолаш тартиби худди асосий ишлаб чиқаришдагидек бўлиб, аммо уни бирмунча содда-лаштириш мумкин. Масалан, тугалланмаган ишлаб чиқаришни яхлитлаштирилган меъёрлар бўйича баҳолашга, умумий ишлаб чиқариш харажатларини (машина ва жиҳозларни сақлаш ва ишлатиш харажатлари ҳам шу жумлага киради) ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақига мутаносиб тарзда тақсимлашга, қисман бажарилган буюртмалар бўйича топширилган маҳсулот ва адо этилган ишларни режадаги таннарх бўйича баҳолашга, амалдаги таннархни

эса буюртманинг ҳаммаси бажарилганидан кейин аниқлашга йўл қўйилади (9-ишланма жадвал).

Ой тугагандан кейин, бирламчи ҳужжатлар асосида, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулотининг (хизматларининг) амалдаги ва режадаги таннархи ҳисоблаб чиқилади ва бу маҳсулотлар истеъмолчилар ўртасида тақсимланади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг шундай ўзига хос хусусиятини ҳисоблаб олиш лозимки, бу ҳам бўлса бир-бирларининг маҳсулоти ва хизматларини ўзаро истеъмол қилишдир. Шу боисдан ҳам, тақсимланиши лозим бўлган харажатлар ҳисоб-китоб қилинаётганда, муқобил (истеъмол этилган ва кўрсатилган) хизматлар инobatта олинадики, булар ҳисобни соддалаштириш мақсадида, одатда, режадаги таннарх бўйича баҳоланади.

9-ишланма жадвал

I. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар тайёрлаган маҳсулот (хизматлар)нинг амалдаги таннархи ҳисоби ва уларнинг режадаги (меъёрий) таннархи

Кўрсаткич	Ўз харажатлари	Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи		Кўрсатилган хизматлар таннархи	
		Ой бошида	Ой охирида	Режадаги (меъёрий)	Ҳақиқатда
Жами					

II. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг хизматлари тақсимоти

N т/р	Жам- лама ҳисоб	Таҳ- лилий ҳисоб мод- даси	Цех	Маҳсулот (хизматлар) номи		Таннарх	
				миқ- дори, ўлчов бир- лиги	ҳақи- қий тан- нархи	Ҳа- қи- қат- да	Ре- жада (меъ- ёрий)
1							
2							
3							
	Жами						

Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг харажатла- рини ҳисобга олиш ва тақсимлаш операциялари қайси бухгалтерлик ўтказмалари билан расмий- лаштирилади?

Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг харажатларини ҳис-
обга олиш ва тақсимлашга доир бухгалтерлик ёзувлари
қуйидаги кўринишга эга:

- тайёрланган маҳсулотнинг режадаги таннархига
- 10- “Материаллар” ҳисобварағининг дебети
- 12- “Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар” ҳис-
обварағи дебети
- 40- “Тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағи дебети
- 37- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқарили-
ши” ҳисобварағининг кредити;
- тайёрланган маҳсулотнинг амалдаги таннархига
- 37- “Маҳсулот (иш, хизматлар)нинг ишлаб чиқарили-
ши” ҳисобварағининг дебети
- 23- “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағининг
кредити;

- амалдаги таннарх режадагидан тафовут қилганда
- тежалганда

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварағининг дебети - қизил сторно усулида ёзиш

37- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағининг кредити;

- ошиб кетганда

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварағининг дебети - қўшимча ёзув

37- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағининг кредити.

3-боб. МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ) ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ҚИЛИНГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЙИҒМА ҲИСОБИ

3.1. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг таҳлилий жамлама ва йиғма ҳисоби

Харажатларнинг таҳлилий ҳисоби харажатлар ҳисобга олинadиган объектлар (цеҳлар, ишлаб чиқаришлар, участкалар, хўжалик ҳисобидаги бригадалар ва корхонанинг бошқа бўлинмалари) бўйича, шунингдек буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш мақсадида маҳсулот айрим турларини ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ҳақида ахборот тўплаш учун зарур.

Жамлама ҳисобварақларда ҳисобга олиш ва йиғма ҳисобга олиш харажатлар бўйича операциялар бутун мажмуини акс эттиришни, уларнинг харажатларни ҳисобга олиш объектлари ва калькуляция объектлари бўйича тақсимланишини, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини аниқлашни таъминлайди.

Харажатларни ҳисобга олиш объекти нима?

Харажатларни ҳисобга олиш объекти деганда корхонанинг маҳсулот таннархини бошқариш учун зарур бўлган белгилар бўйича гуруҳланган харажатлари йиғиндиси тушунилади. Харажатлар ҳисобда асосан куйидагича гуруҳланади.:

- ишлаб чиқаришлар тури - асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар;
- харажатлар вужудга келган жойлар бўйича - цеҳлар, бўлинмалар, участкалар, бригадалар, ижара жамоалари;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари - буюмлар, бир хил буюмлар гуруҳи, қайтадан ишлашлар, жараёнлар, буюртмалар, буюмларнинг қисмлари.

Харажатларни ишлаб чиқаришнинг турлари бўйича гуруҳлаш айти вақтда корхонанинг таркибий тузилишига ҳам мувофиқ келади, яъни харажатларни бўлинмалар (асосий ва ёрдамчи) бўйича гуруҳлаш айти вақтда ишлаб чиқариш турлари бўйича ҳам гуруҳлашдир.

Харажатлар вужудга келган жойига кўра қуйидаги вариантлардан бири бўйича гуруҳланиши мумкин:

- харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ҳар бир бўлинмада ташкил этилади. Умуман корхона бўйича марказлаштирилган ва бўлинмаларнинг маҳсулоти таннархига кирмайдиган харажатлар ҳисобга олинади, шунингдек барча цехлар, бошқа бўлинмаларнинг сарф-харажатлари ва марказлаштирилган тартибда ҳисобга олинadиган чиқимлар йиғмаси тузилади:

- харажатлар маҳсулотнинг цех (бригада) бўйича таннархини калькуляция қилмай бўлинмалар бўйича ҳисобга олинади;

- харажатлар цехлар бўйича гуруҳланмай, умуман корхона бўйича ҳисобга олинади.

Биринчи вариант бошқарувнинг цех тузилмаси шароитида ишлайдиган ва марказлаштирилган харажатлардан ташқари маҳсулот таннархи таркибидаги барча чиқимларни ҳисобга оладиган йирик корхоналарда қўлланилади.

Иккинчи вариант оддий бўлиб, ундан буюм ёки ярим тайёр маҳсулотлар бирлигининг таннархи бўлинмаларда режалаштирилмайдиган корхоналарда фойдаланилади. Бу вариантда таннархнинг шаклланишини назорат қилиш бевосита чиқимлар миқдорини уларнинг амалда ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараб қайта ҳисобланган режадаги миқдори билан таққослаб, умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича эса - ҳисоб маълумотларини сметадаги суммаси билан таққослаб таъминланади.

Учинчи вариантдан цех тузилмалари бўлмаган, ишлаб чиқариш харажатлари умуман корхона бўйича назорат қилинадиган кичик корхоналарда фойдаланилади.

Харажатларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича гуруҳлашдан маҳсулотларнинг амалдаги таннархини калькуляция қилиш учун фойдаланилади.

Харажатларнинг таҳлилий ҳисоби қайси қайд этиш регистрларида олиб борилади?

Харажатларнинг таҳлилий ҳисоби 12-қайднома (ведомост)да уларнинг вужудга келиш жойлари бўйича, келгуси харажат ва тўловлар захирасини ҳисобга олиш эса 15-қайдномада олиб борилади.

Айрим маҳсулот турлари бўйича ёки гуруҳлар бўйича харажатларнинг таҳлилий ҳисоби эса ишлаб чиқаришга харажатларнинг йиғма ҳисоб қайдномаларида юритилади. Харажатларнинг йиғма ҳисоб қайдномалари (таҳлилий ҳисобварақчаси) жадвал шаклида тузилган. Юқорисида калькуляция моддалари, чап томондаги устунда эса ой бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги, унинг қайта ҳисоблангани, ҳисобот ойидаги харажатлар, қолдиқ билан бирга харажатлар якуни, меъёрларнинг ўзгариш ва меъёрлардан четга чиқиш индекслари (фоизларда), ишлаб чиқарилган яроқсиз маҳсулот бўйича харажатларни, шунингдек тугалланмаган ишлаб чиқариш камомадлари (ортиқчасини) ҳисобдан чиқариш, ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни (товар маҳсулот таннархини), тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ой охиридаги қолдигини ҳисобдан чиқариш кўрсатилган (харажатларни ҳисобга олиш варақчасига қаранг).

Харажатлар моддаси							Учун айланмалар	
Хом ашё ва материаллар	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи, мукофот билан	Кўшимча иш ҳақи	Ижтимоий сугурта фондига ажратмалар	Умумий завод харажатлари			Дебет	Кредит
А маҳсулот								
Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш								
Учун харажатлар								
Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш								
Давр бошида тугалланган ишлаб чиқариш								
Б маҳсулот								
Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш								
Учун харажатлар								
Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш								
Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш								

Харажатларни ҳисобга олишнинг меъерий услубида ва маҳсулот таннархини варақчада калькуляция қилиш вақтида харажатлар меъёрлар, меъёрлар ўзгариши ва меъёрлардан четта чиқишлар бўйича гуруҳларга бўлинади.

Ой бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги ўтган ойдаги (у ерда булар ой охиридаги қолдиқ бўлган) худди шундай варақчадан кўчириб ёзилади. Ой бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг харажатлар меъери ўзгарганда ҳисобда харажатлар ой бошида амалда бўлган ягона меъёрлар бўйича ифодасини топиши учун қайта баҳоланади.

Қайта баҳоланишни бевосита ҳисоблаш ёки коэффициент услуби билан амалга ошириш мумкин. Биринчи ҳолда тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ярим тайёр маҳсулот қолдиги эски ва янги меъёрлар бўйича баҳоланади, олинган ҳосилалар солиштирилиб, меъёрлар ўзгаришидан вужудга келган тафовут аниқланади.

Қайта баҳоланишнинг коэффициент усулида илгариги ва янги меъёрлар ўртасидаги тафовутнинг эски меъёрларга коэффициент (фоиз) нисбати чиқарилиб, унга ой бошидаги тугалламаган ишлаб чиқариш қолдиги кўпайтирилади, тугалланмаган ишлаб чиқаришни қайта баҳоланишдан чиққан тофовут аниқланади ва варақчага ёзиб қўйилади.

Масалан, “Хом ашё ва материаллар” моддаси бўйича А гуруҳидаги маҳсулотга харажат меъери 250 сўм эди, 260 сўм бўлди. Тафовут 10 сўм (260-250), ёки 3,8 фоиз ($10 \times 100:250$). Маҳсулотнинг шу гуруҳи бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги 3900 сўм бўлганда, уни қайта баҳоланишдаги тафовут 148,2 сўмни ташкил этади ($3900 \times 3,8:100$).

Амалдаги харажатлар ишлаб чиқариш сарфларини тақсимлаш қайдномасида кўрсатилган. Жорий меъёрлар бўйича чиқимлар ҳисоблаш йўли билан аниқланади, бунинг учун ой охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдигининг, товар маҳсулотнинг, тугалланмаган ишлаб чиқариш камомати (ортиқчаси)нинг, яроқсиз маҳсулотнинг меъерий таннархи жамланади ҳамда чиққан суммадан ой бошида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг меъерий таннархи уни қайта баҳоланишни ҳисобга олган ҳолда чегириб ташланади.

Меъёрлардан ҳужжатлаштирилган четга чиқишлар ҳақидаги маълумотлар ана шундай четга чиқишлар расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб-китоблар асосида ёзилади. Ҳужжатлаштирилмаган четга чиқишлар четга чиқишлар умумий миқдоридан уларнинг ҳужжатлаштирилган қисмини айириш йўли билан ҳисобланади.

Харажатлар якунини жорий меъёрлар бўйича қолдиқ билан ҳисоблашда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари (меъёрлар камайтирилганда қолдиқни қайта баҳолашдан чиққан тафовутни чегириб ташлаб ёки меъёрлар оширилганда шу тафовутни қўшиб) ва меъёр бўйича харажатлар жамланади.

Меъёрларнинг ўзгариши ва меъёрлардан четга чиқиш индекслари, агар бу ўзгариш ва четга чиқишлар товар маҳсулот таннархига ёки товар маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш меъёрий таннархи якунига тўлатўкис қўшилса, агар улар товар ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тақсимланса, меъёрлар ўзгариши суммасининг ва шунга мувофиқ равишда меъёрдан четга чиқишларнинг товар маҳсулот меъёрий таннархига фоизлардаги нисбати каби ҳисобланади.

Узил-кесил яроқсиз деб топилган маҳсулотнинг меъёрий таннархи уни баҳолаш қайдномаларидаги маълумотлар бўйича, тугалланмаган ишлаб чиқариш камомадлари (ортиқчаси) эса уни йўқлама (инвентаризация) қилиш натижалари асосида ёзилади.

Товар маҳсулотнинг жорий меъёрлар бўйича таннархи товар ишлаб чиқариш калькуляция қайдномасидан кўчирилади, бунинг устига муайян гуруҳга кирувчи буюмларнинг меъёрий таннархи мазкур қайдномада ҳар бир турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот сонини бир донга маҳсулотнинг меъёрий таннархига кўпайтириш ва олинган ҳосилаларни жамлаш йўли билан аниқланади.

Муайян буюмларга тааллуқли меъёрларнинг ўзгариши ва четга чиқишлар суммаси калькуляция қайдномасида буюм меъёрий таннархининг ишлаб чиқаришга харажатлар йиғма ҳисоби қайдномасида ҳисоблаб чиқилган

меъёрлар ўзгариши ва меъёрлардан четта чиқишлар индексига кўпайтмаси сифатида ҳисобланади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш барқарор бўлган корхоналарда меъёрларнинг ўзгариш суммаси товар маҳсулот таннархига тўла-тўқис кўпилиши ёки тугалланмаган ишлаб чиқариш унчалик кўп ва барқарор бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг меъерий таннархига мутаносиб равишда тақсимланиши мумкин. Меъёрлардан четта чиқиш одатда тўла-тўқис товар маҳсулотга тааллуқли бўлади.

Жорий меъёрлар бўйича ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи йўқлама (инвентаризация) ёки оператив ҳисобга олин маълумотлари бўйича уни баҳолаш қайдномалари асосида ёзилади.

Маҳсулотнинг амалдаги таннархи меъерий таннарх, меъёрлар ўзгариши ва меъёрлардан четта чиқишларни кўшиб ҳисоб қилинади.

Ишлаб чиқариш харажатларининг жамлама ҳисоби қандай амалга оширилади?

Ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг жамлама ҳисоби 10-журнал-ордерда олиб борилади; у ишлаб чиқариш чиқимларини умумлаштириш ва уларни иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда калькуляция моддалари бўйича гуруҳлашга мўлжалланган.

Журнал-ордер шакли жадвал қайдномага ўхшатиб тузилган. Юқорида дебетланадиган ишлаб чиқариш ҳисобварақлари ва харажатларни тузатиш учун маълумотлар, чап томондаги устунда эса - кредитланадиган ҳисобварақлар кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатларни умумлаштириш учун 10-журнал-ордерда бошқа журнал-ордерларда ҳисобга олинган ишлаб чиқариш харажатлари суммаси акс эттирилади. Унда транспорт-тайёрлов харажатлари ёки хом ашё ҳамда материаллар бўйича режадаги нархлардан четта чиқишлар суммаси ҳам келтирилади.

10 журнал-ордер уч бўлимдан иборат:

- ишлаб чиқариш чиқимлари;
- иқтисодий кўрсаткичлар бўйича харажатлар ҳисоби;
- товар маҳсулот таннархи ҳисоби.

Биринчи бўлим ишлаб чиқариш ҳисобварақларининг ҳаммаси бўйича харажатлар йиғиндисидан иборат. Бўлим цехлар харажати ҳисобга олишга доир 12 - ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни ҳисобга олишга доир 14- якуний қайдномалар асосида тўлдирилади, шунинг билан бирга барча харажатлар умумий суммасини олиш учун 12- қайднома кўрсаткичлари олдиндан ҳар бир цех бўйича жамланади ва олинган натижалар 12- қайдномалардан бирининг орқа томонига ёзиб қўйилади (қуйида келтирилган).

1. Ишлаб чиқариш чиқимлари

Кайд-нома	Хисобварақлар дебетиغا	Хисобварақлар кредитидан																		
		02	05	10					13	70	69									
				10-1	10-3	10-5	...	69-1			69-2	69-3								
12	25																			
12	23																			
12	20																			
12	28																			
12	...																			
Жами																				
15	26																			
15	89																			
20- ҳисобварақ материаллар амалдаги таннархнинг-режадаги таннархдан фарқлари																				
Журнал бүйича жами																				
Иқтисодий элементлар бүйича																				
Ялпи харажатлар																				

12,14 қайдномалардан харажатлар суммаси ёзиб олин-
гач, 10 журнал-ордернинг 1-бўлимида яқунлар тиккасига
(вертикал) ва бўйламасига (горизонтал) ҳисоблаб чиқилади.
Тикка яқунлар икки қаторга: иқтисодий кўрсаткичлар ва
ялпи харажатлар бўйича ёзиб қўйилади. Бу ишлаб чиқариш
харажатларини қайтадан ҳисобламаслик учун зарур, зеро
ялпи харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига
икки марта: бир марта ишлаб чиқариш ҳисобварақлари
дебети ҳамда моддий бойликларни, ҳисоб-китобларни ва
ҳоказоларни ҳисобга олишга доир ўзаро боғланувчи вакил-
лик ҳисобварақлари кредити бўйича, икинчи марта эса
ялпи харажатларни тақсимлаш ва уларни 23- “Ёрдамчи
ишлаб чиқаришлар”, 25 “Умумий ишлаб чиқариш хара-
жатлари”, 28- “Ишлаб чиқаришдаги брак”, 31- “Келгуси
даврлар харажати” ва бошқа ҳисобварақлар кредитидан 20-
“Асосий ишлаб чиқариш”, 23- “Ёрдамчи ишлаб чиқариш-
лар” ҳисобварақларининг дебетига кўчиришда киритилади.

10 журнал-ордернинг 2 бўлимида иқтисодий кўрсаткич-
лар бўйича харажатлар ҳисоб-китоби берилган. Бунинг
учун унга 1-бўлимдан “Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича
ҳаммаси” қаторининг яқунлари ўтказилади, сўнгра хара-
жатлар завод ички обороти деганда айрим харажатларни
ишлаб чиқариш ҳисобварақларидан ноишлаб чиқариш
ҳисобварақларига кўчириш, яъни бойликларнинг корхона
ичидаги обороти тушунилади. Қуйидагилар ички ишлаб
чиқариш оборотига киради (у харажатлардан ишлаб чиқа-
ришга ҳисобдан чиқарилади):

- 20- “Асосий ишлаб чиқариш”, 23- “Ёрдамчи ишлаб
чиқаришлар”, 28- “Ишлаб чиқаришдаги брак” ҳисобварақ-
лардан қирим қилинган чўқиндилар, материаллар, идиш-
лар ва ўзи ишлаб чиқарган ёқилғи қиймати;

- материаллар ҳисобварақига ёзилган ўз транспорти
кўрсатган хизматлар;

- ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотларнинг ишлаб
чиқариш ҳисобварақларига кўчирилган қиймати;

- ўзи ишлаб чиқарган арзон баҳоли ва тез эскираётган
буюмлар, махсус асбоблар ва мослама ҳамда бошқаларнинг
эскириши суммаси.

2. Иқтисодий элементлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоб-китоби

N т/р	Кўрсаткичлар номи	Материаллар				13	70	69	02	Бошқа харажатлар
		10-1	10-2	...	5					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
1	Иқтисодий элементлар бўйича жами харажатлар (1-бўлимга биноан)									
2	84-ҳисобварақдан ўчирилган хомашё ва материаллар қиймати 25 ва 26-ҳисобварақларга кўшилади									
3	20, 23, 28-ҳисобварақлардан кирим қилинган материаллар чиқиндилари қиймати завод ички айланмалари сифатида ўчирилади									
4	Ишлаб чиқариш ҳисобварақларига ўчирилган ўзининг тайёр маҳсулотлари қиймати									

5	Арзон баҳоли ва тез эскирувчи ўз маҳсулотларининг эскириши									
6	Ўз транспортнинг материаллар ҳисобварағига ўчирилган хизматлари									
7	Материаллар ҳисобварағига киритилган иш ҳақи суммаси хом ашё ва асосий материаллар суммасидан ўчирилади ва иш ҳақига қўшилади									
8	Завод ичида айланмайдиган элементлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари									
	Ой учун									
	Йил бошидан									

Ички ишлаб чиқариш обороти ҳақидаги маълумотлар 10/1 журнал-ордердан олинади. Шундан сўнг ишлаб чиқариш учун харажатларга 84- “Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар” ҳисобварағидан 25- “Умумий ишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағига ўчирилган хом ашё ва материаллар камомоди қиймати кўшилади.

Кўрсатилган тузатишлар эътиборга олиниб ҳисобланган харажатлар суммаси бир ойлик “Завод ички оборотисиз унсурлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари” қаторига ёзилади ҳамда йил бошидан бошлаб ўсиб борувчи якун билан ҳисобланади.

10 журнал-ордернинг 3-бўлими товар маҳсулот таннархини калькуляция моддалари бўйича ҳисоблашга мўлжалланган. Дастлаб унга (1-қатор) 1-бўлимдан 20 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи дебети бўйича ҳисобга олинган суммалар кўчириб ёзилади, сўнгра зарур тузатишлар киритилади. Қимматли чиқиндилар қиймати 10/1 журнал-ордер маълумотлари бўйича, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ой бошидаги қолдиғи - ўтган ой учун 10 журнал-ордернинг 3-бўлимидан, ой охирига эса - баҳолаш маълумотлари бўйича ёзилади (қуйида келтирилган).

3. Товар маҳсулоты таннархининг ҳисоб-китоби

N т/р	Харажатларнинг калькуляция моддалари	Хом ашё ва мате- риал- лар	Ишлаб чиқа- риш ишчи- лари- нинг асосий иш ҳақи	Ишлаб чиқариш ишчи- ларининг қўшимча иш ҳақи	Ижти- мой сўғурта бўйича ажрат- малар	Жихоз- ларни тутиб туриш иш- латиш харажат- лари	Умумий ишлаб чиқа- риш хара- жатлари	Брак- дан йў- қотиш- лар	Давр хара- жатла- ри	Жами
1	20-ҳисобварақ дебети бўйича харажатлар									
2	Харажатлар моддалари. бўйича тузатишлар: тузатилмайдиган брак билан боғлиқ ишлаб чиқариш чиқимларига (-)									
3	Бракни тузатишга қаратилган суммалар (+)									
4	Қимматли чиқиндилар қиймати (-)									
5	Тугалланмаган асосий ишлаб чиқариш қолдиғи: ой бошига (+) ой охирига (-)									
6	Асосий ишлаб чиқариш товар маҳсулотининг ҳақиқий таннархи									
7	Брак қилинган тайёр маҳсулот қиймати (-)									

Товар маҳсулот таркибига кирмайдиган моддий бойликлар учун қилинган харажатлар тайёрланган маҳсулотнинг амалдаги таннархидан чегириб танланади ҳамда асосий ишлаб чиқариш товар маҳсулотининг амалдаги таннархи ҳисоблаб чиқарилади. Унга ёрдамчи ишлаб чиқаришлар товар маҳсулотининг амалдаги таннархи қўшилади ва жами товар маҳсулотнинг амалдаги таннархи ҳисоблаб чиқарилади.

10/1 журнал-ордер 10- журнал-ордернинг давомидир. Унда товар маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, яъни хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришларни ва бошқа хўжаликларни сақлаб туриш харажатларининг жамлама ҳисоби олиб борилади (қуйида келтирилган).

Хисобварақлар кредитидан	10-1	12	2	5	13
Хисобварақлар дебетига							
8							
10							
12							
13							
40							
26							
47							
48							
69							
70							
96							
...							
...							
10/1-журнал-ордер бүйича жами							
Хаммаси бўлиб							

20	23	25	...	70	69	89	67	Бошқа журнал -ордерлардан суммалар	Жа- ми

10- журнал-ордерга қайси ҳисобварақларнинг кредитидан ёзилган бўлса 10/1 журнал-ордерга ҳам худди ўша ҳисобварақлар кредитидан, аммо 08- “Капитал маблағлар”, 10- “Материаллар”, 12- “Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар”, 13- “Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши”, 14- “Моддий бойликларнинг қайта баҳоланиши”, 29- “Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар”, 40- “Тайёр маҳсулот”, 45- “Юклар жўнатилган товарлар”, 47- “Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши”, 48- “Бошқа активларнинг сотилиши” ҳисобварақларининг дебетига киритилади. Бу ёзувлар учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади: носаноат ишлаб чиқаришлар (хизмат кўрсатувчи) ва хўжаликларнинг харажати ҳисобга олиш қайдномаси, 15-қайдноманинг ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар суммаси кўрсатилган қисми, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган бошқа харажатларни тақсимлаш ва ҳисобга олиш ишланма қайдномаси.

Кредит оборотлар ҳисоблаб чиқилгандан кейин 10/1 журнал ордерга 10 журнал-ордернинг якуний кредит оборотлари кўчирилади ҳамда Бош дафтарга ёзиш учун иккала журнал-ордер бўйича тегишли ҳисобварақларга доир кредит оборотларнинг умумий якуни ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма ҳисобига нималар кирди ва у қандай олиб бо-рилади?

Харажатларни умуман корхона миқёсидаги харажатлар моддалари бўйича, харажатларни тугалланмаган ишлаб чиқариш ва товар ишлаб чиқариш ўртасида тақсимлаш бўйича, шунингдек бу харажатларнинг келиб чиқиш жойи бўйича гуруҳлаш билан алоқадор ҳисоб ишлари ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг йиғма ҳисоби деб аталади.

Ишлаб чиқаришга харажатларнинг йиғма ҳисоби ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз вариантлар бўйича юритилади.

Ярим тайёр маҳсулотли вариант харажатлар йиғма ҳисобининг шундай вариантыки, унга кўра тайёр маҳсулотнинггина эмас, балки ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларнинг ҳам таннархи ҳисоблаб чиқилади. Бунинг устига ярим тайёр маҳсулотлар бухгалтерлик ҳисобида қўшимча тарзда киритиладиган “Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар” моддасида амалдаги, режадаги ёки меъёрадаги таннарх бўйича ёхуд эркин нархлар бўйича мунтазам акс эттирилади. Ярим тайёр маҳсулотни унга ишлов бериш учун ёки йиғиш учун бир цехдан бошқасига ўтказиш 20- “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг дебети ва кредити бўйича ички ёзув билан акс эттирилади. Уларни цехдан омборга топшираётганда қуйидагича ўтказмалар тузилади:

21- “Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағининг дебети.

20- “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг кредити.

Ярим тайёр маҳсулотнинг омбордан ишлаб чиқаришга берилиши қуйидагича қайд этилади:

20- “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварақ дебети

21- “Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулот” ҳисобварақ кредити.

Ярим тайёр маҳсулотли вариантда цехлар маҳсулоти таннархига уларнинг ўзлари қилган сарф-харажатларгина эмас, балки олинган ярим тайёр маҳсулотлар таннархи ҳам қўшилади, яъни харажатлар улар содир этилган жой бўйича эмас, балки ярим тайёр маҳсулотлар турган жой бўйича ҳисобга олинади.

Ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда харажатлар улар вужудга келган жой бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилгунга қадар ҳисобга олинади. Ярим тайёр маҳсулотларнинг амалдаги таннархи ҳисоблаб чиқарилмайди, балки уларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳаракати оператив ҳисобдагина акс эттирилади.

Бопқа цехларга ўтказилган ярим тайёр маҳсулотлар учун қилинган харажатлар тайёрловчи цехларнинг ишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобда тураверади, бинобарин, тайёр маҳсулот таннархини ҳисоблаб чиқариш учун маҳсулотни тайёрлашда қатнашган ҳамма цехларнинг сарф-харажатлари жамланади. Шу билан бирга тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари йўқлама (инвентаризация) ёки оператив ҳисобга олиш маълумотлари бўйича аниқланади.

4-БОБ. КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

4.1. Капитал маблағлар, уларни таснифлаш ва ҳисобга олишнинг вазифалари

Капитал маблағлар корxonанинг асосий воситаларни қайта ишлаб чиқариш ва сифат таркибини яхшилаш учун қиладиган харажатларидан иборат.

Капитал маблағлар ҳажмига молиялашнинг барча манбааларидан қилинадиган ва қуйидаги соҳаларга йўналтириладиган харажатлар киради:

- қурилиш-монтаж ишларига, бошқа капитал ишлар ва харажатларга (лойиҳа-қидирув, геология-разведка, бурғулаш ва бошқалар),

- ишлаб турган корxonаларни тиклаш, техникавий қайта жиҳозлаш, қувватларни кенгайтириш, қўллаб-қувватлашга,

- янги объектлар қуришга,

- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги машина-ускуналар, асбоб-анжомлар, инвентарь, транспорт воситалари ҳамда асосий воситаларнинг бошқа объектларини сотиб олишга.

Капитал маблағлар ҳисобга олиш учун қайси белгиларга кўра гуруҳланади?

Капитал маблағлар уларни бухгалтерлик ҳисобварақларида тўғри акс эттириш учун қуйидаги белгилар:

- такрор ишлаб чиқариш тузилмасига кўра;
- технология тузилмасига кўра
- вазифасига кўра;
- иш бажариш усулига кўра;
- маблағ билан таъминланиш манбаларига кўра гуруҳланади.

Корхона капитал маблағларини такрор ишлаб чиқариш тузилмаси деганда нима тушунилади?

Капитал маблағларни такрор ишлаб чиқариш тузилмаси корхонанинг янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, тиклаш, техника билан қайта жиҳозлаш ва қувватларига мадад беришга қилинган харажатлари таркиби ва нисбатини аниқлатади.

Куйидагилар янги қурилишга киради: янги барпо этилаётган корхоналарнинг асосий, ёрдамчи ва ноишлаб чиқариш объектларини, шунингдек ишга туширилганидан кейин мустақил балансда турадиган филиаллар ва айрим корхоналарни тиклаш; бу иш янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш мақсадида янги майдончаларда амалга оширилади.

Кенгайтириш деганда ишлаб турган корхонада қўшимча ишлаб чиқаришларни қуриш, шунингдек ишлаб турган корхоналар ҳудудида ёки уларга ёндош майдончаларда асосий, ёрдамчи ва ноишлаб чиқариш аҳамиятига молик янги айрим цехлар ва объектлар қуриш ҳамда ишлаб турганларини кенгайтириш тушунилади. Ишга туширилганидан кейин мустақил балансда турмайдиган филиаллар ва ишлаб чиқаришларни қуриш ҳам кенгайтириш ҳисобланади.

Тиклаш деганда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техника-иқтисодий даражасини энг янги фантехника ютуқлари асосида оширишга алоқадор асосий, ёрдамчи ва носоноат ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларни қайта қуриш тушунилади.

Техника билан қайта жиҳозлаш илғор техника ва технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳамда маънавий жиҳатдан эскирган ва жисмонан ишдан чиққан машина-ускуналарни янги, янада самаралироғи билан алмаштириш, шунингдек ёрдамчи хизматлар ва умумзавод хўжалиги фаолиятини такомиллаштиришга оид чоралар кўриш асосида айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участка-

ларнинг техника-иқтисодий даражасини оширишга доир чора-тадбирлар мажмуи билан алоқадордир.

Кувватларга мадад беришга ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида ишдан чиққан асосий фондларни, одатда, кон саноати ишлаб чиқаришида, тиклашга оид ишлар тааллуқлидир.

Капитал маблағларнинг технология тузилмаси деганда нима тушунилади?

Капитал маблағларнинг технология тузилмаси қурилиш ва монтаж ишлари билан, барча турдаги машина-ускуналар, асбоб-анжомлар ва инвентарь сотиб олишга, шунингдек бошқа капитал ишлар ва хизматлар учун қилинган харажатлар билан боғлиқ чиқимлар таркиби ва нисбатини кўрсатади.

Қурилиш ишларига бунёд этиш, қайта жойлаштириш, қурилган бинолар ва иншоотларни ёки уларнинг айрим қисмларини кенгайтириш ҳамда тиклаш ҳамда улар билан боғлиқ йиғма темир-бетон, металл, ёғоч ва бошқа бинолар ва иншоотлар таркибига кирадиган қурилиш конструкцияларини монтаж қиладиган ишлар, шунингдек бино ва иншоотларни қуришга тааллуқли махсус ишлар (электр-монтаж, сантехника, мелиорация, кон, кўкаламзорлаштириш ва бошқалар) киради.

Монтаж ишлари деганда технология, энергетика, кўтариш-транспорт ва бошқа жиҳозларни йиғиш ҳамда ўрнатиш, яъни уларни йиғиб, пойдеворга ўрнатгандан кейингина ишлатилиши мумкин бўлган ишлар англанади.

Жиҳозлар, асбоб-анжом, инвентарь харажатларига технология, энергетика, кўтариш-транспорт ва барча турдаги жиҳозларнинг; технология жиҳатидан ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ транспорт воситалари; лабораториялар учун жиҳозлар, устахоналар, тажриба ускуналари ва шу кабиларнинг қиймати, ишлаб чиқариш асбоб-анжомлари ва инвентарнинг, шу жумладан арзон ва тез ёскирадиган қурилиш сметасига қуриладиган корхоналар ва

объектлар учун бутловчи сифатида киритиладиган асбоб-анжомлар ва инвентарнинг қиймати киради.

Жиҳозлар ўз навбатида монтаж қилишни тақозо этадиган ва тақозо этмайдиганларга, смета қийматига кирадиган ва кирмайдиганларга бўлинади.

Бошқа капитал ишлар ва харажатлар таркиби капитал маблағлар ҳисобидан ўтказиладиган лойиҳа-қидирув, шунингдек қурилаётган корхоналар дирекциясини таъминлашга, ишчиларни уюшган ҳолда ишга олишга ҳамда қурилиш эркин сметасида назарда тутилган бошқа ишларга харажатларни ўз ичига олади.

Капитал маблағларни вазифасига кўра қандай бўлинади?

Маблағларни ҳисобга олишда ишлаб чиқариш ва но-ишлаб чиқариш объектларини қуришга мўлжалланган капитал маблағларга бўлинади.

Капитал маблағларни ишлаб чиқариш усулига кўра қандай таснифланади?

Ишнинг бажарилиш усулига кўра капитал маблағларни пудрат усулида амалга ошириладиган капитал маблағларга ажратилади.

Ишлар пудрат усулида ва хўжалик усулида бажарилганда корхона бутун қурилиш-монтаж ишлари мажмуини бажарадиган ихтисослашган ташкилот билан пудрат-шартномасини тузади, сўнгра корхона бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва ҳақини тўлайди.

Хўжалик усулида барча қурилиш-монтаж ишларини корхона ўз кучи ва маблағи билан бажаради.

Капитал маблағлар молиялаш манбаларига кўра қандай ҳисобга олинади?

Капитал маблағлар молиялаш манбаларига боғлиқ ҳолда:

- ўз молиявий ресурслари ва ички хўжалик захиралари (корхонанинг фойдаси, амортизация ажратмалари, авариялар, табиий офатлар ва бошқалардан кўрилган зарарни қоплаш учун тўланадиган маблағлар);

- қарзга олинган молиявий маблағлар;

- жалб қилинган молиявий маблағлар (акция сотишдан, меҳнат жамоалари аъзолари, фуқаролар, юридик шахсларнинг пай ва бошқа бадалларидан тушган маблағлар);

- бюджетдан ташқари турли фондларнинг маблағлари;

- бюджетнинг қайтариладиган ва қайтарилмайдиган маблағлари;

- хорижий сармоядорларнинг маблағлари тарзида ҳисобга олинади.

Капитал маблағларни бухгалтерлик ҳисобига олишдаги вазифалар нималардан иборат?

Корхонанинг капитал маблағларини ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- қилинган капитал харажатларнинг ҳаммасини уларнинг тури ва ҳисобга олинаётган объектлари бўйича ўз вақтида, тўла-тўқис ва ишончли акс эттириш;

- капитал маблағлар режаси, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий воситалар объектларини ишга тушириш режаси бажарилишини назорат қилишни таъминлаш;

- ишга туширилаётган асосий воситалар объектларининг инвентарь таннархини тўғри аниқлаш ва акс эттириш;

- белгиланган молиялаш ва ички имкониятларни сафарбар этиш режаси бажарилишини назорат қилиш.

4.2. Капитал маблағларга харажатларни ҳисобга олиш тартиби

Капитал маблағларга бўладиган чиқимларнинг ҳисоби амалдаги харажатлар миқдорида юритилади:

- умумий қурилиш бўйича, шу қурилиш таркибига кирадиган ҳар бир объект бўйича, айрим мустақил объектлар бўйича;

- ҳисобот даврлари асосида объектни фойдаланишга топширишга қадар қурилиш бошидан ўсиб боровчи яқунлар билан;

- пудратчи - ижрочининг балансида: ишларнинг тан-нархи амалдаги харажатларда, ишларнинг қиймати эса (сотувдан тушумлар) - шартнома (смета) нархларида;

- қурилишга буюртмачининг балансида: пудратчи тақдим этган ҳисобварақлар суммаси (смета қиймати)да.

Капитал маблағларга харажатларни ҳисобга олишнинг умумий тартиби қандай?

Капитал маблағлар ва у билан боғлиқ барча харажатларни қурувчи (буюртмачи), яъни ўзи учун қураётган ва шу қурилишни маблағ билан таъминлаётган корхона ҳисобга олиб боради. Янги корхона қурилаётганида қурилаётган корхонанинг дирекцияси ана шундай ташкилот бўлади, ишлаб турганлигида эса - капитал қурилиш бўлими орқали иш тутаётган корхонанинг ўзи ана шундай ташкилот бўлади.

Капитал маблағларнинг ҳисоби амалдаги харажатлар ва смета қиймати бўйича уларнинг турлари асосида умуман қурилиш бўйича ҳам, айрим объектлар бўйича ҳам, қурилиш бошланган йилдан эътиборан ўсиб боровчи яқунлар билан объектлар ишга туширилгунига қадар ёки тегишли ишларнинг тўла-тўқис бажарилиб, харажатларнинг ҳисобдан чиқарилгунигача юритилади.

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбаларидан олинаётган капитал маблағлар ҳисоби 08- "Капитал маблағ сарфлашлар" актив ҳисобварағида амалга оширилади.

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебетида қурувчи (буюртмачи)нинг амалдаги харажатлари акс этади, бунда мазкур харажатлар белгиланган тартибда асосий воситалар объектларининг бирламчи қиймати, шунингдек, қурилиш ва асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган, аммо асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматига қўшилмайдиган харажатлар ҳам қўшилади.

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи кредити бўйича 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи харажатлари 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқариш ишлари (операциялари) ўтказилади. 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи бўйича сальдо қорхонанинг тугалланмаган қурилишга капитал қўйилмалари миқдорини ва асосий воситалар сотиб олинишини, шунингдек бошқа тугалланмаган харажатлар суммасини акс эттиради.

- 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварағлар очилади:

- 08-1-Асосий воситалар объектларининг қурилиши;

- 08-2-Асосий воситалар айрим объектларининг сотиб олиниши;

- 08-3-Асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган харажатлар;

- 08-4-Ёш қорамолларнинг асосий подага ўтказилиши;

- 08-5-Катта ёшдаги ҳайвонларнинг сотиб олиниши;

- 08-6-Текинга олинган ҳайвонларнинг олиб келиниши;

- 08-7-Молиявий маблағ сарфлашлар.

08-1-"Асосий воситалар объектларининг қурилиши" илова ҳисобварағида бинолар ва иншоотларни қуриш, жиҳозларни монтаж қилиш харажатлари, шунингдек монтаж қилиш учун берилган жиҳозларнинг қиймати ва сметаларда, смета-молиявий ҳисоб-китоблар ҳамда капитал қурилишнинг титул рўйхатларида назарда тутилган бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

08-2-"Асосий воситалар айрим объектларининг сотиб олиниши" илова ҳисобварағида жиҳозлар, машиналар;

асбоблар, инвентарь ҳамда монтажни талаб этмайдиган асосий воситалар бошқа объектларининг сотиб олинishiга кетган харажатлар ҳисоби юритилади.

08-3 “Асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган харажатлар” илова ҳисобварағида асосий воситаларни қуриш ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган, лекин белгиланган тартибда асосий воситалар объектларининг бирламчи қийматига қўшилмайдиган харажатлар ҳисобга олинади.

08-4-”Ёш қорамолларнинг асосий подага ўтказилиши” ҳисобварағида хўжаликда маҳсулот ва ишлатиш учун боқилаётган асосий подага ўтказиладиган ёш чорва молларга сарфланадиган харажатлар ҳисобга олинади.

08-5-”Катта ёшдаги ҳайвонларнинг сотиб олинishi” ҳисобварағида ташиб келишга бўладиган харажатлар билан бирга асосий пода учун сотиб олинган катта ёшдаги қорамол ва ишлатиладиганларининг қиймати ҳисобга олинади.

08-6-”Текинга олинган ҳайвонларнинг олиб келиниши” ҳисобварағида бошқа корхоналардан текинга олинган катта ёшдаги ва ишлатиладиган чорва молларининг хўжаликка ташиб келтирилиш харажатлари ҳисобга олинади.

08-7-”Молиявий маблағ сарфлашлар” ҳисобварағида корхонанинг қимматли қоғозларга инвестициялари, бошқа корхоналарнинг устав сармояларига қўйилмалар, берилган қарзлар ва бошқалар ҳисобга олинади.

Капитал қурилишга харажатлар ҳисоби қайси регистрда юритилади?

Капитал қурилиш бўйича харажатларнинг таҳлилий ҳисоби 18-”Капитал маблағ харажатлари” қайдномасида юритилади, мазкур қайднома йил чораги, ярим йил ёки йил (операциялар кўп бўлмаганида) учун очилади. Қайдномага барча илова ҳисобварақларни қўшиш, ишлаб чиқаришга дахлдор ва ишлаб чиқаришга дахлдор бўлма-

ган объектлар бўйича харажатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш, булар ичида эса янги қурилишни, кенгайтиришни, тиклаш (реконструкция)ни ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

18-қайднома бирламчи ҳужжатлар (ҳисобварақлар, тўлов топшириқномалари ва талабномалари, материаллар бериш учун юкхатлар), харажатларни тақсимлаш қайдномалари, ишланма жадваллар каби ҳужжатлар асосида тўлдирилади.

Капитал қурилиш харажатларининг жамланма ҳисоби 16-журнал-ордерда юритилади.

Иш пудрат усулида олиб борилганида капитал маблағларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат бўлади?

Иш пудрат усулида олиб борилганида қурувчилар (буюртмачилар) қурилиш ишларини бажариш учун пудратчи ташкилотларни жалб этиб, улар билан қурилишнинг бутун даври учун пудрат шартномалари тузади (капитал қурилиш учун пудрат шартномасининг намунаси иккинчи иловада келтирилган).

Қурилиш пудрат усулида олиб борилганида қурилишга кетадиган харажатларни пудратчи ҳисобга олиб боради. Буюртмачи қурилиш сифатини назорат қилади ҳамда қуриб битказилган объектларни 2-шакл “Қурилиши тугаган объектдаги бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси” бўйича уни фойдаланишга қабул қилиб олади. Далолатномага “Бажарилган қурилиш ишлари қиймати ҳақидаги маълумотнома” илова қилинади.

Бажарилган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган қурилиш ишлари ва жиҳозларни монтаж қилиш бўйича ишларни пудратчи ташкилотлар ҳисобварақларига кўра тўлов учун банк томонидан қабул қилинган смета қиймати ёки шартнома нархи бўйича

буюртмачи қуйидаги бухгалтерлик ёзувларида акс эттиради:

08-“Капитал маблағ сарфлашлар” ҳисобварағининг дебети

60-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоб” ҳисобварағининг кредити;

- корхона маблағлари эвазига пудратчига ўтказилган суммага

60-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағининг дебети

51-“Ҳисоб-китоб варағи” ҳисобварағининг кредити

- банкнинг узоқ муддатли кредитлари эвазига пудратчига ўтказилган суммага

60-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағининг дебети

92-“Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари” ҳисобварағининг кредити.

Қурилаётган ёки тикланаётган капитал қурилиш объектларида ўрнатишга мўлжалланган жиҳоз, қурилиш қандай йўсинда олиб борилишидан қатъи назар 07-“Ўрнатиладиган ускуналар” ҳисобварағига кўра сотиб олинади ва унда ҳисобга олинади. Бундай жиҳозни қабул қилишни ҳужжатларда расмийлаштириш мазкур жиҳознинг буюртмачи омборига тўғридан-тўғри ёки бевосита қурилиш-монтаж майдонига келиб тушганлигига боғлиқ бўлади. Жиҳозлар омборга келиб тушганда монтаж ишларини бажарадиган пудратчи тапшилотнинг вакиллари иштирокида, NM-15 намуна шаклидаги далолатнома билан махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинади, кейинчалик жиҳозни монтаж учун топширилаётганида ва пудратчига масъулиятли сақлаш учун берилганида NM-15-а шаклдаги далолатнома тузилади. Жиҳозлар бевосита қурилиш-монтаж майдонига келиб тушганида эса пудратчининг вакили NM-15-а шаклли далолатнома тузиб, уларни қабул қилади.

Ўтказиб берувчилардан олинган монтаж талаб қиладиган жиҳозларнинг қийматига қуйидагича бухгалтерлик ўтказмаси қайд этилади.

07-“Ўрнатиладиган ускуналар” ҳисобварағининг дебети.

60-“Маҳсулот ўтказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағининг кредити;

- белгиланган тартибда монтаж қилиш учун берилган жиҳозлар суммасига

08-“Капитал маблағ сарфлашлар” ҳисобварағининг дебети

07-“Ўрнатиладиган ускуналар” ҳисобварағининг кредити

Қурилиш-монтаж ишлари ва жиҳозни сотиб олишдан ташқари капитал маблағлар ҳажмига қурилиш ва тиклаш (реконструкция)га дахлдор бошқа ишлар ҳамда харажатлар буюртмачи томонидан қўшилади ва тўланади. Булар сирасига ер участкаларини ажратиб олиш ва ўзлаштириш ҳамда кўчириш харажатлари, қурилаётган корхона дирекциясини сақлаб туриш харажатлари, қурилиш ва монтаж ишларига дахлдор бўлмаган капитал маблағ сарфлашлар сметаси ва режаларида назарда тутилган бошқа ишлар ва харажатлар киради. Сметаларда кўзда тутилган бошқа капитал ишлар ва харажатлар уларнинг турларига қараб ҳисобга олинади ҳамда бу ишларнинг бажарилишига қараб ёки чет ташкилотнинг тўлов учун қабул қилган ҳисобварағлари асосида 08-“Капитал маблағ сарфлашлар” ҳисобварағида акс этади. Булар айрим объектлар ўртасида смета қийматига мутаносиб тарзда тақсимланади. Ушбу харажатларнинг тегишли улуши фақатгина қуриб битказилган объектлар қийматига қўшилади.

Қурувчи (буюртмачи) қурилиш-монтаж ишлари қандай усулда олиб борилаётганидан қатъий назар фойда ва зарарнинг алоҳида-алоҳида бухгалтерлик ҳисобини юритиши ҳам шарт. Олинган жарималар, пенялар, бурдсизлик тўлови, шунингдек моддий бойлиқлар ва хизматларни четга сотишдан келган фойда буюртмачи ҳисобидаги фойда ҳисобварағига киритилади.

Курувчи (буюртмачи)ларнинг зарарлари таркибига четта ускуна, моддий бойликлар сотиш ва турли хизматлар кўрсатишдан кўрилган зарар дебиторлик қарзини ҳисобдан ўчиришдан кўрилган зарар (айбдор шахслар тўлайдиган зарар бундан мустасно), моддий бойликларнинг ишдан чиқиши натижасида кўрилган ҳамда қурилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотларнинг табиий офатлардан бузилиши туфайли кўрилган зарар (айбдор шахслар ва ташкилотлардан ундириб олиш учун тақдим этилган сумма бундан мустасно); курувчининг асосий воситаларини тугатилишидан кўрилган зарар (табиий офатлар оқибатида асосий воситаларга етказилган зарардан ташқари) киритилиб, ҳисобга олинади.

Йил яқунлангандан кейин зарарнинг умумий суммаси бухгалтерлик қайди бўйича бошқа капитал ишлар ва харажатлар таркибида объектларнинг инвентар қийматига қўшилади.

08-“Капитал маблағ сарфлашлар” ҳисобварағи дебети

80-“Фойдалар ва зарарлар” ҳисобварағи кредити.

Қурилиш объектлари бўйича харажатларни тақсимлаш тўғридан-тўғри аломатларга кўра ёки ҳисобот йилида тугалланмаган объектлар бўйича ҳам, ишга туширилган объектлар бўйича ҳам уларнинг смета қийматига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Иш хўжалик усулида олиб борилганида капитал маблағларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хўсусиятлари нималардан иборат бўлади?

Иш хўжалик усулида олиб борилганида қурилиш ишларини амалга оширишни ҳисобга олиш корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти харажатларининг барча эътироф этган қоидаларига асослангандир. Аммо шунининг илоҳатта олиш керакки, мазкур ишлаб чиқаришнинг ўзига хос бир қанча хўсусиятлари бўлиб, улар аввало қуйидагилар билан таъминланади:

- алоҳида турган бино ёки иншоот ҳисобга олиш

объекти бўлиб, уни қуриш, тиклаш (реконструкциялаш) ва кенгайтириш учун алоҳида смета тузилади;

- саноат маҳсулотидан фарқли ўлароқ, қурилиш маҳсулоти кўчмасдир, муайян ҳудудда туради, ҳажми катта, қурилиш муддати ва ишлатиш узоққа чўзилади;

- аксарият моддий бойликлар қурилиш майдонида очиқ сақланади ҳамда ҳисобот даври мобайнида иш жойларига ҳисобсиз, тортмасдан ёки ўлчамасдан берилади;

- қўшимча иш ҳақи қўшимча харажатлар таркибида ҳисобга олинади;

- қурилишнинг бевосита харажатлари 20-“Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағида эмас, балки 08-“Капитал маблағ сарфлашлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади. Харажатлар ҳисоби қурилиш бошланганидан то объектни фойдаланишга топширишга қадар калькуляция объектлари, иш турлари, харажатлар ва чиқимлар моддалари асосида олиб борилади.

Харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннархига қўшилиш усулига кўра бевосита харажатлар ва қўшимча харажатларга бўлинади.

Бевосита харажатларга қурилишга сарфланган материаллар, шу жумладан қурилиш конструкциялари ва деталлари харажатлари; қурилиш ва монтаж ишларидаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи; қурилиш машиналари ва механизмларини ишлатиш харажатлари киритилади.

Қўшимча харажатларга бошқарув ходимларини асраб туриш, қурилиш ходимларига хизмат кўрсатиш харажатлари, бошқа қўшимча харажатлар киритилади.

Капитал тусидаги барча харажатлар гуруҳларга бўлинади ҳамда харажатлар таркиби тўғрисидаги амалдаги Низомга биноан ҳисобга олинади.

Қурилишга материаллар беришни ҳисобга олиш ва уларнинг ишлатилиши устидан назоратни ташкил этиш саноат ишлаб чиқаришидагига ўхшашдир. Лекин капитал қўйилмалар ҳисобига ўтказилаётган материаллар қийматини аниқлаш услуби саноатдагидан фарқ қилади,

чунки курилиш ишлаб чиқаришида очик жойда асралаётган материаллар сарфини расмийлаштириш тартиби бошқачароқдир (ушбу материаллар ҳар куни ҳужжат расмийлаштирилмасдан сарфланади, бунда сарфни мастер ёки иш юритувчи назорат қилиб туради). Ушбу материаллар сарфи ҳар ойда ўтказиладиган йўқлама (инвентаризация) ёрдамида ҳамда бажарилган иш ҳажмига кўра аниқланади ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Шу боисдан ҳам материалларнинг тўғри сарфланиши устидан назорат жуда муҳимдир. Бундай назорат бажарилган иш ҳажмига қараб ҳар бир материал бўйича амалдаги харажатларни бундай материалларнинг меъёрий (норматив) сарфи билан солиштириб, шунингдек, тежаб қолиш ёки ортиқча сарфлашни таҳлил этиш йўли билан амалга оширилади. Мабодо материалларнинг ортиқча сарфи, моддий жавобгар бўлган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра содир бўлган бўлса, курилиш объектлари “зиммаси”га тушади, агар айбдор аниқланса унинг зиммасига юклатилади.

Курилишда курилиш ишлаб чиқариши ҳажмига кирмайдиган ва капитал харажат ҳисобланмайдиган харажатлар ҳам мавжуд. Бундай харажатлар вақтинчалик деворлар ва тўсиқлар, айвончалар, омборлар, ишчилар исиниши учун хона қабиларни тиклаш ва кейинчалик бузиб ташлаш билан боғлиқ. Бундай иншоотларни титулсиз иншоотлар деб аталади ва уларни ҳисобга олиш учун ҳисобварағлар режасида 30-“Нокапитал ишлар” ҳисобварағи кўзда тутилган. Курилиш туганидан сўнг 30-“Нокапитал ишлар” ҳисобварағидаги вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар таннархи далолатномага биноан 12-“Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар” ҳисобварағига қайд этиб, қуйидагича ҳисобдан ўчирилади:

12-“Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар” ҳисобварағи дебети, 12-3-“Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар” илова ҳисобварағи.

30-“Нокапитал ишлар” ҳисобварағи кредити, 30-2 “Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларнинг барпо этилиши” илова ҳисобварағи.

Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар қанча муддатга мўлжалланган бўлса, худди шу муддат ичида ҳар ойда уларнинг эскириши ҳисобга олиниб, қўшимча харажатлар таркибига киритиб борилади. Аини пайтда қуйидаги бухгалтерлик ўтказмаси қайд этилади:

25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағининг дебети

13-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварағи кредити.

Мазкур объектлардан фойдаланиб бўлинганидан кейин, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобдан чиқариш учун белгиланган тартибдаги бухгалтерлик ўтказмасида ҳисобдан чиқарилади

- бузилганидан кейин қайтариладиган материалларни чегириб ташлаб, ҳисобдан чиқарилган объектларнинг қийматиға;

13-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварағининг дебети,

12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағининг кредити, 12-3-"Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар" илова ҳисобварағи;

- бузишдан кейин олинган моддий бойликлар қийматиға

10-"Материаллар" ҳисобварағининг дебети, 10-8-"Қурилиш материаллари" илова ҳисобварағи

12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағининг кредити, 12-3-"Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар" илова ҳисобварағи.

Хўжалик усули билан қурилиш ишлари олиб борилганида капитал маблағлар бўйича операциялар бухгалтерлик ҳисобида қуйидагича акс этади:

- етказиб берувчилардан олинган қурилиш материаллари қийматиға

10-"Материаллар" ҳисобварағи дебети, 10-8-"Қурилиш материаллари" илова ҳисобварағи

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити;

- келиб тушган жиҳозлар қийматиға

07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағининг дебети

- 60- "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити;
- олинган материаллар ва жиҳозлар учун маҳсулот етказиб берувчилар ўтказган сўммага,
- 60- "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети
- 51- "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағининг кредити;
- қурилиш чоғида сарфланган материалларга
- 08- "Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебети
- 10- "Материаллар" ҳисобварағининг кредити, 10-8- "Қурилиш материаллари" илова ҳисобварағи;
- монтажга берилган жиҳозлар қийматига,
- 08- "Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи дебети
- 07- "Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағининг кредити;
- қурувчиларга берилган иш ҳақи сўммасига
- 08- "Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебети
- 70- "Ҳодимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити;
- ижтимоий суғурта фондига ажратмалар сўммасига
- 08- "Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи дебети
- 69- "Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити;
- ижтимоий суғурта фондига ўтказилган сўммага
- 69- "Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети
- 51- "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағининг кредити;
- иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларга
- 70- "Ҳодимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети
- 68- "Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити;
- бюджетга ўтказилган солиқлар сўммасига
- 68- "Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети
- 51- "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағининг кредити;
- қурувчиларга иш ҳақи тўлаш учун банкдан олинган пул маблағларига

50-“Касса” ҳисобварағининг дебети

51-“Ҳисоб-китоб варағи” ҳисобварағининг кредити;

- қурувчиларга тўланган иш ҳақи суммасига

70-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағининг дебети

50-“Касса” ҳисобварағининг кредити.

Капитал маблағлар режасида назарда тутилган қайси харажатлар асосий - воситалар қийматини оширмайди ва бу харажатлар бухгалтерлик ҳисобида қандай акс эттирилади?

Асосий воситалар қийматини оширмайдиган харажатлар икки гуруҳга бўлинади: қурилиш қиймати йиғма смета ҳисоб-китобларида кўзда тутилган ва кўзда тутилмаган харажатлар.

Харажатларнинг биринчи гуруҳини бухгалтерлик ёзувларида қуйидагича ифодалаш мумкин:

- янгидан ишга туширилаётган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлашга сарфланадиган харажатлар

- 08/3-“Капитал маблағлар” ҳисобварағи дебети

51-“Ҳисоб-китоб варағи” ҳисобварағининг кредити

70-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағининг кредити

76-“Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағининг кредити;

- геология-разведка, қидирув ишлари ва объектлар қурилиши билан боғлиқ бошқа ишлар учун истиқболли харажатларга

- 08-3-“Капитал маблағлар” ҳисобварағи дебети

60-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағининг кредити

76-“Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағининг кредити;

- объектнинг қурилишига улуш қўпиш тартибида ўтказилган маблағларга

- 08-3-“Капитал маблағлар” ҳисобварағи дебети

51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағининг кредити;
- капитал маблағлар воситалари эвазига давлат, ко-
оператив, жамоат ва бошқа ташкилотлардан бинолар
ҳамда иншоотларни сотиб олишга сарфланадиган хара-
жатлар, булар бошқа капитал ишлар ва харажатлар тар-
кибида назарда тутилади (бухгалтерлик ҳисоботида бош-
қа тушумлар тарзида акс этирилади).

- 08-3-"Капитал маблағлар" ҳисобварағи дебети

76-"Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-ки-
тоблар" ҳисобварағи кредити;

- импорт жиҳозга техникавий ҳужжатлар сотиб олиш
учун бўладиган харажатлар, агар мазкур ҳужжатлар
қиймати жиҳознинг шартномавий қийматига алоҳида
киритилган бўлса

- 08-3-"Капитал маблағлар" ҳисобварағи дебети

51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағининг кредити

76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-
китоб" ҳисобварағининг кредити.

Харажатларнинг иккинчи гуруҳи қуйидагилардан тар-
киб топади:

- хўжалик усулида олиб борилаётган қурилишдаги
қурилиш-монтаж ташкилотлари фондига ажратмалар,

- 08-3-"Капитал маблағлар" ҳисобварағининг дебети

51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағининг кредити

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар би-
лан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити;

- қурилиши тугалланмасдан бошқа корхоналарга, бел-
гиланган тартибда қабул қилиш - ўтказиш далолатнома-
лари бўйича текинга берилган объектларга харажатлар:

- 08-3-"Капитал маблағлар" ҳисобварағи дебети

07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағи кредити

- 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи кредити

10-"Материаллар" ҳисобварағи кредити

47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқ-
иб кетиши" ҳисобварағининг кредити

48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг
кредити;

- иш хўжалик усулида юритилаётган қурилишдан пудрат усулига ўтказилаётганида (пудрат шартномаси суммасига нисбатан белгиланган меъёрий айланма маблағлар чегарасида ҳисобланган) пудратчи ташкилотлар текинга берган моддий бойликлар қиймати,

08-3-"Капитал маблағлар" ҳисобварағи дебети

10-"Материаллар" ҳисобварағи кредити

12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағининг кредити

48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити;

- капитал маблағлар ҳисобига сотиб олинган ва белгиланган тартибда бошқа ташкилотларга текинга берилган жиҳозларнинг қиймати,

08-3-"Капитал маблағлар" ҳисобварағининг дебети

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг кредити

01-"Асосий воситалар" ҳисобварағининг кредити

07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағининг кредити;

- қурилиш ишчилари тайёрлашга кетадиган харажатлар

08-3-"Капитал маблағлар" ҳисобварағи дебети

51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағининг кредити

70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити

76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити;

- қурилиш чоғида табиий офатлар сабабли (шу жумладан, уларнинг тугатилишидан) асосий воситаларга етadиган зарар, бу зарарни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришга ижозат берилган,

08-3-"Капитал маблағлар" ҳисобварағи дебети

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварақ кредити;

- қурилиш тўхтатилган ва капитал ҳамда бошқа маблағлар эвазига белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришга ижозат берилган объектларни бузиш, бўлақларга ажратиш ва қуриқлашга харажатлар,

08-3-“Капитал маблағлар” ҳисобварағи дебети
10-“Материаллар” ҳисобварағи кредити
12-“Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар” ҳисобварағининг кредити.

23-“Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағи кредити ва бошқалар.

4.3. Қурилиши тугалланган объектларнинг инвентар қийматини аниқлаш ва уларни ҳисобга олиш тугалланмаган капитал маблағларни ҳисобга олиш

Барча қурилиш-монтаж ишлари тўла тугалланиб, жиҳозларнинг монтаж ишлари қабул далолатномалари билан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, тасдиқланган бўлсагина, қурилиш тугалланган деб ҳисобланади.

Тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш тартиби қандай?

Бажарилган ишлар қабул қилиб олинганидан сўнг, қуриб битказилган объектлар фойдаланишга топширилади, мазкур қабулни махсус қабул комиссияси ўзининг қурилиши тугалланган капитал маблағ объектларини қабул қилиш (фойдаланишга топшириш) далолатномаси орқали амалга оширади. Далолатномада тайёр объекта хос бўлган ҳажм, ишлаб чиқариш қуввати, унумдорлиги, майдоний каби бошқа ўлчамлари акс эттирилади. Далолатнома корхона бухгалтериясига берилади ҳамда объектнинг инвентар қийматини белгилашда, уни асосий воситалар таркибига киритишда ҳамда тегишли молиялаштириш манбаидан олинган капитал маблағларни ҳисобдан чиқаришда асос бўлиб хизмат қилади.

Монтаж талаб қиладиган ва талаб қилмайдиган жиҳозни, асбоб ва инвентарни ишга тушириш ва улар қийматини капитал қўйилмалардан чегириб ташлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- янги қурилаётган объектларга, шунингдек тикла-

наётган, кенгайтирилаётган ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланаётган объектларга мўлжалланган ва ўрнатиладиган жиҳознинг барча турлари - қабул комиссиясининг далолатномаси асосида бундай объектларнинг ишга туширилиши билан бир вақтда;

- монтажни талаб қиладиган ва ишлаб турган корхонада эскиргани ва ишдан чиққани ўрнига ўрнатилган жиҳоз, мабодо уни техникавий қайта жиҳозлаш (тиклаш) сметасига ва сметаларнинг бошқа турларига киритилмаган бўлса, мазкур жиҳоз ишга туширилгани ҳақидаги қабул далолатномаси асосида у ишга туширилганидан кейин;

- монтажни талаб этмайдиган жиҳоз, ишлаб чиқариш асбоби ва хўжалик инвентари, бироқ доимий захирага мўлжаллаб, монтаж талаб қиладиган ишлаб турган корхона учун сотиб олинган жиҳоз - агар бу жиҳоз янги қурилиш (кенгайтириш, тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш) сметаларига киритилмаган бўлса, шунингдек қурилиш сметаларига кирмаган жиҳоз - корхонага асосий воситаларнинг N ОС-1 шаклдаги қабул қилиш - топшириш (ички силжиш) далолатномаси (юкхати) асосида келиб тушишига биноан.

Куриб битказилган объектларнинг инвентар қиймати қандай аниқланади?

Инвентар қиймат - барпо этиладиган қурилиш, тиклаш ёки сотиб олинган объектларга дахлдор жами харажатлар.

Инвентар қиймат асосий воситалар таркибига кирадиган ишга туширилган объектларнинг бирламчи қийматидан иборат.

Бинолар ва иншоотларнинг инвентар қиймати қурилиш ишлари харажатлари ва уларга дахлдор бошқа капитал ишлар ҳамда харажатлардан таркиб топади. Бошқа капитал ишлар ва харажатлар тўғридан тўғри объектларнинг инвентар қийматига қўшилади.

Монтаж талаб этадиган жиҳознинг инвентар қиймати, маҳсулот етказиб берувчиларнинг нархларидаги жиҳоз қиймати суммаси, транспорт ва тайёрлаш-омбор учун харажатлар, шунингдек қурилиш ва монтаж ишлари чиқимлари, бошқа капитал ишлар ва харажатлар (булар тўғридан тўғри ишга тушириладиган жиҳоз қийматига қўшилади) билан аниқланади.

Монтаж талаб этмайдиган жиҳознинг инвентар қиймати - ишга тушириладиган объектлар учун биринчи бутловчи сифатидаги арзон баҳоли ва тез эскирувчи асбоблар ва инвентарлар, шунингдек монтаж талаб этадиган, лекин доимий захирага мўлжалланган жиҳозлар қийматидир. Бу қиймат маҳсулот етказиб берувчилар ҳисобварағидаги жиҳознинг харид қиймати, асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ транспорт харажатлари ва бошқа харажатлардан таркиб топади.

Объектларни асосий воситалар таркибига киритиш қуйидаги бухгалтерлик ўтказмаси билан амалга оширилади:

01-"Асосий воситалар" ҳисобварағи дебети

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи кредити

Қурилиш сметаларида кўзда тутилган ва ишга тушириладиган объектлар учун биринчи бутловчи сифатидаги арзон баҳоли ва тез эскирувчи асбоблар ҳамда инвентарлар қуйидаги ёзув билан АТБ таркибида қайд этилади:

12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағининг дебети

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг кредити.

Амалга оширилмаган ва тўхтатиб қўйилган капитал қурилиш харажатлари белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришга ижозат олинмишига қараб, асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган харажатлар сифатида ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттирилиб, муайян молиялаштириш манбалари ҳисобидан қурувчи (буюртмачи) балансидан чиқарилади,

26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи дебети

96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобварағининг дебети

08-”Капитал маблағ сарфлашлар” ҳисобварағининг кредити.

Тугалланмаган қурилиш қандай ҳисобга олинади?

Тугалланмаган қурилиш босқичида турган объектларга қуйидагилар киради:

- қурилиши давом этаётган объектлар;
- қурилиши тўхтатиб қўйилган, вақтинча тўхтатилган ёки узил-кесил тўхтатилган объектлар;
- гарчи ишга туширилган бўлса ҳам, аммо ҳозирча қабул қилиш далолатномалари тасдиқланмаган объектлар.

Бухгалтерлик ҳисобида тугалланмаган қурилиш 08-”Капитал маблағ сарфлашлар” ҳисобварағининг сальдо-сида акс эттирилиб, қуйидагиларни қамрайди:

- металл конструкциялар монтажи билан бирга қурилиш ишлари;
- жиҳозни монтаж қилиш ишлари;
- монтажга топширилган жиҳозни сотиб олиш;
- монтаж талаб этмайдиган жиҳозни сотиб олиш; асбоб ва инвентарни сотиб олиш; монтаж талаб қиладиган, лекин доимий захира учун мўлжалланган жиҳозни сотиб олиш;
- бошқа капитал ишлар ва харажатлар;
- асосий воситалар қийматини оширмайдиган харажатлар.

Харажатлар ҳисоби объект асосида олинади, бундай объектлар ишга туширилганидан кейин алоҳида ҳисоб бирликлари сифатида ҳисобланади.

5-боб. МАҲСУЛОТЛАР, ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА УЛАРНИ СОТИШ

5.1. Корхона маҳсулоти, ишлари ва хизматлари, уларнинг таркиби, баҳо бериш ва ҳисобга олишнинг вазифалари

Тайёр маҳсулот - корхона ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсулотидир. Мазкур корхонада ишлови батамом ниҳоясига етган, андозалар ва техникавий шартлар талабига жавоб берадиган, техника назорати бўлими қабул қилиб олган ҳамда тайёр маҳсулот омборига топширилган маҳсулот тайёр маҳсулот сирасига киради.

Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг бухгалтерлик ҳисоби, уларни юклаш ва сотиш қўйидагиларни таъминлаши керак:

- тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш, унинг захиралари ҳолати ва омборларда сақланиши, бажарилган ишлар ва хизматлар устидан мунтазам назорат;

- ортилган ва берилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштириш, харидорлар билан ҳисоб-китобларни аниқ ташкил этиш;

- маҳсулот етказиб бериш шартномаларининг ҳажми ва тури бўйича адо этилишини назорат қилиш;

- маҳсулотни сотишдан олинадиган суммани, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун амалда қилинадиган харажатларни, фойда суммаси ҳисоб-китобини ўз вақтида ва аниқ бажариш.

Корхона маҳсулоти таркибига нималар киради?

Корхона маҳсулот (ишлар, хизматлар)и таркибига қўйидагилар киради:

- тайёр маҳсулот ва қорхонанинг ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар;

- саноат тарзидаги ишлар ва хизматлар;
- носаноат тарзидаги ишлар ва хизматлар;
- сотиб олинган буюмлар (бутлаш учун сотиб олинган буюмлар);
- қурилиш, қурилиш-монтаж, лойиҳа-қидирув, геология-разведка, илмий-тадқиқот ишлари ва шунга ўхшаш ишлар;
- транспорт корхоналарида юқ ва йўловчилар ташин бўйича хизматлар;
- енгил автомобиллар ижараси ва автомобилларни етказиб бериш (ҳайдаб келиш) хизматлари;
- транспорт-экспедиция ва юклаш, тушириш ишлари;
- алоқа корхоналарининг хизматлари ва шу кабилар.

Корхона маҳсулоти қандай ўлчов бирликларида ҳисобга олинади?

Корхонада маҳсулотнинг ҳисоби натура, шартли-натура ва қиймат кўрсаткичларида юритилади.

Натура кўрсаткичлари маҳсулотнинг физик хоссаларига мувофиқ унинг сони, ҳажми, оғирлиги (массаси)ни акс эттиради ва бу кўрсаткичлар тайёр маҳсулотни миқдор жиҳатдан ҳисобга олишда қўлланилади.

Шартли-натура ўлчовлари (кўрсаткичлари) бир хилдаги маҳсулотни ҳисобга олишда умумлаштирилган кўрсаткичлар учун зарур. Бундай маҳсулотнинг миқдори турлар бўйича коэффициентлар ёрдамида шартли масса, нав, ягона ўлчов (типоразмер) ва шу кабиларга (шартли банкалар, шартли тонналар, килограммлар) айлантирилиб, қайтадан ҳисоблаб чиқилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қиймат кўрсаткичи товар маҳсулотининг ҳажмидир. Товар маҳсулоти сотишнинг режавий (планли) ва амалдаги нархларида, ишловнинг меъерий қийматларида, бозор (биржа) нархларида баҳоланиши мумкин.

Тайёр маҳсулот қандай баҳоланади?

Тайёр маҳсулот бухгалтерлик ҳисобида маҳсулотнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи, режавий (меъерий)

ишлаб чиқариш таннархи, сотишдаги улгуржи нархлар, эркин сотиш нархлари ва тарифлари, эркин бозор нархларида баҳоланиши мумкин. Шуни инобатга олиш керакки, тайёр маҳсулот корхонанинг айланма маблағлари таркибига киради ва шу боисдан амалдаги бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низомга биноан, амалдаги ишлаб чиқариш таннархи балансида акс этиши лозим.

Тайёр маҳсулотнинг амалдаги таннархини ҳисобот даври (ойи) тугаганидан кейингина аниқлаш мумкин. Ҳисобот даври мобайнида кундалик ҳисоб учун маҳсулотга шартли баҳо бериш зарур. Бундай баҳо режавий (меъерий) таннарх бўйича, эркин сотиш нархлари бўйича ёки эркин чакана нархлар бўйича амалга оширилиши мумкин.

Режавий, эркин сотиш ва эркин чакана нархлар ҳисоб нархлари деб аталади. Ҳисоб нархларига кўра ҳисобот даври (ойи) мобайнида тайёр буюмлар ҳисобга олинганида мазкур буюмларнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархидан чекинишлар (тафовутлар) ҳисоблаб чиқилади. Бундай тафовутлар тайёр маҳсулотнинг бир хилдаги гуруҳлари бўйича ҳисобга олинади. Булар корхона томонидан амалдаги ишлаб чиқариш таннархининг айрим буюмлар ҳисоб нархлари бўйича қийматидан тафовутлар даражасига қараб шакллантирилади. Режавий нархлар ўртача чорак режавий ишлаб чиқариш таннархидан ишлаб чиқилиши мумкин.

Тафовутлар фоизи қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$X = ((0+0_1) \times 100) / (Сп+Сп_1),$$

бу ерда 0 - ҳисобот даври (ойи) бошидаги омбордаги тайёр маҳсулот қолдиғига тафовутлар суммаси; 0₁ - ҳисобот даври (ойи) мобайнида омборга тушган маҳсулот бўйича тафовутлар суммаси; Сп - ҳисоб нархлари бўйича ҳисобот даври (ойи) бошидаги омбордаги тайёр маҳсулот қолдиғи; Сп₁ - ҳисоб нархлари бўйича ҳисобот даври

мобайнида ишлаб чиқаришдан омборга келиб тушган тайёр маҳсулот.

Тафовутлар тежамни ёки корхона йўл қўйган ортиқча харажатларни кўрсатиб туради. Тафовутлар тайёр маҳсулот ҳисобга олинмаган ҳисобварақларида қайд этилади, айти пайтда тежам қизил сторно (бухгалтерлик ҳисобида аниқланган хатони тузатиш учун махсус ёзув) билан ёзиб қўйилади, ортиқча харажат эса оддий қўшимча қайд этиш билан ифодаланади.

5.2. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни омборда ва корхона бухгалтериясида ҳисобга олиш

Тайёр маҳсулотни корхона омборида ҳам, бухгалтерияда ҳам ҳисобга олиб борилади. Тайёр маҳсулотнинг омборга келиб тушиши бирламчи ҳужжатларда қайд этилади. Ушбу ҳужжатларда буюмлар турларига кўра маҳсулот ишлаб чиқаришнинг улар сонига қараб натура ҳисоби юритилади, бундай маҳсулотнинг умумий ҳажми ҳисобот даври туганидан сўнг баҳолалиши керак.

Кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар далолатномалари билан қайд этилади.

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришдан омборга топшириш қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?

Тайёр буюмларни ишлаб чиқаришдан омборга топшириш, қабул қилиш - топшириш юкхатлари билан расмийлаштирилади (қуйида келтирилган). Бундай ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилади:

- маҳсулотни топшираётган цехнинг номи;
- уни қабул қилаётган омбор;
- маҳсулотнинг номенклатура рақами (коди) ва номи;
- ўлчов бирлиги;
- маҳсулот сони;
- топшириш санаси;
- жавобгар шахсларнинг имзолари;

Қабул қилиш-топшириш юкхатларининг аниқ мазмуни маҳсулотнинг технологик хусусиятларига ва ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига (характерига) боғлиқ. Уларга техника назорати бўлимининг вакили, маҳсулот топшираётган цех ходими, омбор мудирини (ходими) ёки маҳсулотни асраш учун қабул қилаётган бошқа жавобгар шахс имзо чекади.

Қабул қилиш-топшириш юкхатлари бир марталик (бир галлик) ва йиғма (ўн кунлик, ойлик) бўлиши мумкин. Буларни топширувчи цех ходими икки нусхада ёзади. Бир нусхаси омбор мудирига (ходимига) берилди, иккинчиси эса, маҳсулот қабул қилингани ҳақидаги тилхат билан цехда қолади.

Корхона		Операция тури
Топширувчи цех	Олувчи омбор (цех)	

Қабул қилиш - топшириш юкхати
199__ йил _____ учун

Номен- клатура рақами	Маҳсулот номи	Маҳсулот		Маҳсулот		масъул шахслар имзоси		
		Сана	миқдори	сана	миқдо- ри	ТНБ назорат- чиси	топширган шахс	қабул қилган шахс

Жами

Режадаги нарҳи
сўмдаги суммаси

Топширди _____ Қабул қилди _____

ТНБ бошлиғи _____

Корхона бухгалтериясида тайёр маҳсулот ҳисоби қандай юритилади?

Бухгалтерияда топширилган юкхатлар асосида ҳар ойда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жамғарув қайдномалари юритилади.

Корхона

**Тайёр маҳсулотни чиқариш қайдномаси
199__ йил _____ учун**

Сана	Маҳсулот		Маҳсулот		Ва ҳ.к.	Жами.
	Ҳужжат рақами	миқдори, дона	ҳужжат рақами	миқдори дона		
Жами						
Режадаги нархи						
Режадаги таннархи, сўм						
Ҳақиқий таннархи, сўм						
Натижа: тежам ортиқча сарф						

Ой тугаганидан кейин қайдномаларда маҳсулот турларига кўра нечта тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳисоблаб чиқарилади ва режавий таннарх (ёки бошқа ҳисоб нархи)га кўра баҳоланади.

Тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи маҳсулот турлари ёки буюртмалари бўйича асосий ишлаб чиқаришнинг таҳлилий ҳисоби маълумотларига кўра белгиланади.

Ҳар бир буюм (буюртма) тури бўйича белгиланган таннарх суммаси тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қайдномасига ёзиб қўйилади, сўнгра жамланади. Шундай қилиб бугун ишлаб чиқаришнинг амалдаги таннархи ҳосил бўлади.

Шундан кейин эса, маҳсулотнинг турлари бўйича ҳам, умуман барча ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича ҳам амалдаги таннарх билан режавий таннарх (тежам ёки ортиқча сарф) ўртасидаги тафовутлар суммаси аниқланади.

Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қандай ҳисобга олинади?

Тайёр маҳсулотни бухгалтерияда ёки омборда ҳисобга олиб бориш учун ҳисобварақлар режасига кўра 40-“Тайёр маҳсулот” актив инвентар ҳисобварағи кўзда тутилган. Ушбу ҳисобварақдан омборда қанча тайёр маҳсулот борлиги ва унинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни акс эттиришда фойдаланилади. 40-“Тайёр маҳсулот” ҳисобварағи дебети 20-“Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг кредити билан ўзаро боғланади, кредит бўйича эса сотиш вақтида танлаб олинган вариантга қараб, 45-“Юклаб жўнатилган товарлар” ҳисобварағи ёки 46-“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши” ҳисобварағи билан боғланади.

Бутлаш учун сотиб олинган тайёр буюмлар (уларнинг қиймати корхона маҳсулотининг таннархига кирмайди) ёки сотиш учун олинган тайёр буюмлар 41-“Товарлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Чет учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати 40-“Тайёр маҳсулот” ҳисобварағида акс эттирилмайди, булар бўйича амалдаги харажатлар ишлаб

чиқариш харажатлари ҳисоби ҳисобварақларидан бево-
сита 46-”Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши”
ҳисобварағига ўтказилиб, ҳисобдан чиқарилади.

**Тайёр маҳсулот қайси регистрда ҳисобга оли-
нади?**

Ишлаб чиқаришда маҳсулот тайёрланнинг таҳлилий
ҳисоби тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қайдномасида
натура ва қиймат ифодасида юритилади.

Бу маълумотлардан ишлаб чиқариш ҳажми бўйича
режанинг бажарилишини назорат қилишда жамлама
ҳисоб ҳисобварақларида бухгалтерия ёзувларини қайд
этишда фойдаланилади. Тайёр маҳсулот киримини қайд
этиш билан боғлиқ хўжалик юмушлари 10/1 журнал-
ордерида амалга оширилади

40-”Тайёр маҳсулот” ҳисобварағи дебети

20-”Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварақ кредити.

Ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулот чиқаришнинг жам-
лама ҳисоби икки вариантда: 37-”Маҳсулот (ишлар, хиз-
матлар)нинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағидан фой-
даланиб ёки ундан фойдаланмай юритилиши мумкин.

**37-”Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб
чиқарилиши” ҳисобварағидан фойдаланиб,
тайёр маҳсулот ҳисоби юритилишининг ўзига хос
хусусиятлари нимада?**

37-”Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқари-
лиши” ҳисобварағи ҳисобот даврида тайёрланган маҳсу-
лот, буюртмачиларга топширилган ишлар ва кўрсатилган
хизматлар ҳисобини юритиш учун, шунингдек ушбу
маҳсулот, ишлар, хизматларнинг амалдаги ишлаб чиқа-
риш таннари билан меъерий (режавий) таннари
ўртасидаги тафовутларни аниқлаш учун мўлжалланган.

37-”Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқари-
лиши” ҳисобварағининг дебети бўйича ишлаб чиқариш-

да тайёрланган маҳсулот, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннарихи 20-“Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи, 23-“Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” ҳисобварағи, 29-“Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар” ҳисобварағи билан ўзаро боғланган ҳолда акс эттирилади.

37-“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағи кредити бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, топширилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг меъерий (режавий) таннарихи 40-“Тайёр маҳсулот”, 46-“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши” ҳисобварақлар дебети билан боғлаб акс эттирилади.

Ой охирида маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг амалдаги таннарихи аниқланаётганида маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш бўйича бухгалтерлик ёзувлари ой мобайнида меъерий (режавий) таннарх билан қайд этилади:

40-“Тайёр маҳсулот” ҳисобварағининг дебети.

45-“Юклар жўнатилган товарлар” ҳисобварағининг дебети

46-“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши” ҳисобварағининг дебети

37-“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағининг кредити.

Ой охирида маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришнинг амалдаги таннарихи билан меъерий (режавий) таннарх ўртасидаги аниқланган тафовутлар 37-“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағида қуйидагича қайд этилади.

- меъерий (режавий) харажатларнинг амалдаги харажатлардан ортиб кетиш суммаси қизил сторно билан;

46-“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши” ҳисобварағининг дебети

37-“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағининг кредити;

- амалдаги харажатларнинг меъерий (режавий) харажатлардан ортиб кетиш суммаси қўшимча ёзув билан

46-”Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши” ҳисобварағининг дебети

37-”Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағининг кредити.

37-”Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағи ҳар ойда ёпилади ва ҳисобот санасида сальдоси бўлмайди.

Корхона омборида тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш қандай ташкил этилади?

Омбордаги тайёр маҳсулот омбор ҳисоби варақчаларида натура ифодасида ҳисобга олинади ёки материалларни ҳисобга олишга ўхшаб дафтарларда ҳам сони, ҳам нави кўрсатилиб, ҳисобга олинади.

Варақчалар корхона бухгалтерияси томонидан тайёр маҳсулотнинг ҳар бир номенклатура рақами учун очилади ва тилхат олиб омбор мудири (ходими)га топширилади. Варақчалар (дафтар)га ёзувларни моддий жавобгар шахслар операцияларнинг адо этилишига қараб, тайёр маҳсулотларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетишига оид ҳужжатлар асосида ёзади. Варақча (дафтар)га ҳар бир ёзувдан кейин янги қолдиқ чиқарилади. Варақчалар омборда махсус қутиларда сақланади. Ҳар бир қутида варақчалар буюмлар гуруҳлари, буюмлар ичида эса номенклатура рақамлари (кодлар) бўйича жойлаштирилади.

Корхона бухгалтериясида тайёр маҳсулот ҳисоби қандай ташкил этилган?

Моддий жавобгар шахслар ҳар куни ёки бир неча кунда барча бирламчи ҳужжатларни бухгалтерияга топширади. Сальдо усули қўлланилганда бу юмуш бевосита омборда адо этилади. Бухгалтерия ходими муттасил, камида ҳафтасига (ўн кунда) бир марта бевосита омборнинг ўзида омбор мудири (ходими) иштирокида маҳсулот ҳаракати хусусидаги бирламчи ҳужжатларнинг маълумотларини омбор ҳисоби варақчаларига

Ўтказишнинг тўғрилигини текшириб кўриши ва буни ўз имзоси билан тасдиқлаши керак. Аниқланган тафовутлар ва хатолар шу ернинг ўзида бартараф этилади. Айтилган вақтда бирламчи ҳужжатлар бухгалтерия ходими-га топширилади.

Одатда бирламчи ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш махсус реестр билан расмийлаштирилади. Аммо моддий жавобгар шахсларнинг розилиги билан ҳар бир операция бўйича ёзувлар текширилгани тўғрисида омбор ҳисоб варақчасидаги бухгалтерия ходимининг имзоси ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш учун асос бўлиши мумкин.

Сальдо усулида омбордаги тайёр буюмларни ҳам сон, ҳам нав жиҳатдан ҳисобга олишнинг бухгалтерияда худди шу буюмларнинг сумма ифодасидаги ҳисоби билан алоқаси омбордаги маҳсулот қолдиқлари ҳисоби қайдномаси ёрдамида амалга оширилади. Бир ой мобайнида бу қайднома бухгалтерияда сақланади ва маълумотнома сифатида фойдаланилади.

Ой охирида эса қайднома ҳар бир номенклатура рақами бўйича омбор ҳисоби варақчаларидан ой охирида тайёр маҳсулот қолдиқларининг қанча бўлганини ёзиб қўйиш учун омборга берилади. Шундан сўнг қайднома яна бухгалтерияга берилади, бу ерда эса қолдиқлар миқдори аниқланади ва суммаси ҳисоблаб чиқилади.

Айрим корхоналарда омбордаги маҳсулот қолдиқлари қайдномаси ўрнига моддий жавобгар шахснинг омбордаги тайёр маҳсулотнинг бир ой мобайнидаги ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботидан фойдаланилади. Ушбу ҳисобот омбор ҳисоби варақчалари (китоблари)нинг якуний маълумотларига кўра тузилиб, уларда ҳар бир номенклатура рақами асосида омбордаги тайёр буюмларнинг миқдорий ифодаси акс эттирилган. Бухгалтерияда ҳисобот маълумотлари асосида нав айланма (оборот) қайдномаси тузилади.

Бундан ташқари, бухгалтерияда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг натура ва сумма ифодасидаги қайдномаси, шунингдек 16-“Тайёр буюмлар ҳаракатини, тайёр маҳсулот ҳамда моддий бойликларни юклаб жўнатиш ва сойтиш”нинг ҳисоби қайдномаси ҳам юритилади.

1. Тайёр маҳсулотлар ҳаракатини ҳисобга олиш, тайёр маҳсулот ва моддий бойликларни юклаб жўнатиш ва сотиш

N т/р	Кўрсаткич	А маҳсулот		Б маҳсулот		Умумий сумма	
		Ҳисоб наҳдлари бўйича	ҳақиқий таннарх бўйича	ҳисоб наҳдлари бўйича	ҳақиқий таннарх бўйича	ҳисоб наҳдлари бўйича	ҳақиқий таннарх бўйича
1	Ой бошидаги қолдик						
2	Ишлаб чиқаришдан келтирилди						
3	Бошқа тушумлар						
	Жами келиб тушди, қолдиги билан						
4	Қолдик ҳақиқий таннархи ва ишлаб чиқаришдан келиб тушган тайёр маҳсулотларнинг уларнинг ҳисоб наҳдлари бўйича қийматига нисбати, %						
5	Сотиш мақсадида юкланган ва берилган маҳсулот						
6	Ой охирида маҳсулот қолдиги						

16-қайдноманинг 1-бўлимида бир хилдаги маҳсулот гуруҳлари бўйича ҳисоб нархлари ҳамда амалдаги таннархга кўра омбордаги тайёр буюмларнинг ҳаракати акс этади. Бу ерда қолган ва ишлаб чиқаришдан келган маҳсулотнинг амалдаги таннарх салмоғининг (буюмларнинг гуруҳлари, кичик гуруҳлари асосида) ҳисоб нархлари бўйича қиймати аниқланади. Ушбу фоиз нисбатидан бухгалтерияда ҳисобот ойида юклаб жўнатиш, харидорлар томонидан қайтарилган ва ой охирида қолган маҳсулотнинг амалдаги таннархини ҳисоблашда фойдаланилади.

Ой охирида (ҳисобот даврида) омборда қолган ҳисоб нархларидаги маҳсулот қолдиғи (омбордаги маҳсулот қолдиғининг ҳисоби қайдномасига бйноан ёки моддий жавобгар шахснинг ҳисоботига кўра) 16-”Тайёр буюмлар ҳаракати, уларни юклаб жўнатиш ва сотиш” қайдномасининг 1-бўлимида акс эттирилган шунга ўхшаш қолдиқ билан солиштирилади. Қолдиқларнинг бир хиллиги ҳисобнинг тўғрилигидан далолат беради, бир хил чиқмаслиги эса хатолар борлигини кўрсатади, бу хатоларни эса барҳараф этиш керак.

5.3. Юклаб жўнатишган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш

Тайёр буюмларнинг юклаб жўнатишгани, ишлар бажарилгани ва хизматлар кўрсатилгани, воситачилик асосида ёки бошқа шунга ўхшаш асосларда маҳсулот сотиш учун ўтказилганлиги хусусида тегишли ҳужжатлар (юкхатлар, қабул қилиш-топшириш далолатномаси) билан расмийлаштирилганида маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни юклаб жўнатишган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат деб аталади.

Маҳсулот омбордан чиқарилган вақтдан бошлаб то харидорлар (буюртмачилар) унга ҳақ тўлагунича ёки юклаб жўнатишган маҳсулот учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим қилинишига қадар маҳсулот юклаб жўнатишган деб ҳисобланади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни юклаб жўнатиш операцияси қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?

Одатда, тайёр маҳсулот харидорларга маҳсулот етказиб бериш шартномаси ва юклаб жўнатиш режасига кўра жўнатилади. Шартномада етказиб берилаётган маҳсулотнинг номи, сони, тури ва сифат даражаси ёзилади, нарх, ҳисобкитоблар тартиби, маҳсулот етказиб берувчи билан харидорнинг тўлов ва почта реквизитлари ҳамда бошқа бир қанча маълумотлар қайд этилади. Маҳсулот сотиш бўлими шартномага биноан тайёр маҳсулот омборига маҳсулотни харидорга юклаб жўнатиш ҳақида буйруқ беради. Маҳаллий харидорларга маҳсулот ишончнома асосида, бошқа шаҳарлик харидорларга эса (агар уларнинг ўзи шу жойнинг ўзидан маҳсулотни олмаётган бўлса) фармойишли юкхат (бунда маҳсулот сотиш бўлимига маҳсулотни қерга ва қандай усул билан жўнатиш ҳақидаги фармойиш бўлади) бўйича берилади (қуйида келтирилган).

Фармойишли юкхатда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- берилиши лозим бўлган ва аслида берилган маҳсулотнинг номи, нави, ҳажми ва сони;
- нархи ва умумий суммаси;
- харидорнинг манзили;
- жавобгар шахсларнинг имзолари.

Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар далолатномалар билан расмийлаштирилади.

		- сонли Фармойишлі юкхат Кимга				Харидор коди			
Омбор	Ҳисоб- варақ рақами	Ҳисоб- варақ санаси	Номен- клатура рақами	Ўлчов бир- лиги	Сони		Чакана нархларда, сўм	Шартномавий нархларда, сўм	
					ажра- тилган	берил- ган			Нархи
		Товар номи							
		Тайёр маҳсулот учун яқуний сумма Жами							

Юклар ва кўрсатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар корхона бухгалтериясида қандай акс этирилади?

Корхона бухгалтерияси маҳсулотни жўнатиш ҳужжатлари ёки бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномаси асосида харидор, буюртмачи номига тўлов ҳужжатларини, яъни ҳисобварақ-фактура (қуйига қаралсин), тўлов талабномаси ва тўлов талабномаси-топшириқномаларини ёзиб беради. Бу ҳужжатлар маҳсулот сотиб олувчини тайёр маҳсулот юклар жўнатилишидан хабардор қилади ва унинг ҳақи, тўлов талаб қилади. Тўлов ҳужжатларининг нусхалари бухгалтерияда қолади ва жўнатиш маҳсулотларни ҳисобга олишда асос бўлиб хизмат қилади.

Хисобварақ фактура		
_____ сонли тўлов талаб номасига		
Омбор	Операция коди	Харидор коди

Тўлаш ёки акцептдан бош тортиш тўғрисидаги фармойиш

Шартнома буюртма	Юклар санаси	Жўнатиш усули ва юкхат квитанцияси рақами	Темир йўл юкхати рақами
------------------	--------------	---	-------------------------

Қўшимча

Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи, сўм	Сумма, сўм
Жами				
Хисобварақ бўйича жами				
ҚҚС				
Хисобварақ бўйича жами				
Ҳаммаси бўлиб				

Директор _____
Бош бухгалтер _____

Тайёр маҳсулотни жўнатиш қайси регистрда ҳисобга олинади?

45- “Юклар жўнатилган товарлар” жамлама актив ҳисобварақ мавжуд маҳсулотни ва унинг юклар жўнатилишини ҳисобга олишга мўлжаллангандир. Мазкур ҳисобварақда етказиб бериш шартлари ёки юкка эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ юкнинг тасодифан ҳалокатга учрашига доир таваккалчилик юкни ташишга топшириш пайтида харидорга ўтмайдиган ҳолатларда транспорт ва почта ташиқлотларига берилган, ўз транспорти билан элтиб берилган тайёр маҳсулот, товарлар ва бошқа маҳсулотлар ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақда шунингдек, воситачилик ва бошқа усулларда сотиш учун бошқа корхоналарга берилган тайёр маҳсулотлар, харидор маҳсулот қийматига устама равишда тўлайдиган идиш қиймати, харидор томонидан нархга устама равишда қопланиши ёки сотилаётган товар нархига қўшилишидан қатъи назар транспорт харажатлари (темир йўл тарифи, сув фрахти), шунингдек жўнатилган маҳсулот (товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)га ҳақ тўлашдан асосий равишда бош тортганлиги учун харидорга қўйилган, юкнинг етишмаслиги ёки унинг бузилганлиги учун транспорт корхоналарига қўйилган даъво, бурдсизлик тўлови суммалари ва ҳоказолар акс эттирилади.

45- “Юклар жўнатилган товарлар” ҳисобварағи 40- “Тайёр маҳсулот”, 41- “Товарлар” ҳисобварақлари билан боғлаб дебетланади.

45- “Юклар жўнатилган товарлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган суммалар жўнатилган маҳсулотларга оид ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидорга (буюртмачига) тақдим этилганида ёки воситачининг унга берилган буюмлар сотилгани ҳақидаги хабарномаси келиб тушганида мазкур ҳисобварақдан қуйидаги ўтказма орқали ҳисобдан чиқарилади:

- амалдаги ишлаб чиқариш таннархи суммасига ўтказма орқали ҳисобдан чиқарилади:

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши ҳисобварағининг дебети

45- “Юклар жўнатилган товарлар” ҳисобварағи кредити.

Маҳсулотни сотиш жараёнини акс эттиришда харидорнинг маҳсулот ҳақини тўлашига қараб 45- “Юклар жўнатилган товарлар” ҳисобварағидан жўнатилган барча маҳсулот, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун фойдаланилади. Бунда 45- “Юклар жўнатилган товарлар”-ҳисобварағида ҳисобга олинган суммалар ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи) томонидан тўланганида 46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварағи дебет қисмига ҳисобдан чиқарилади.

Сотувни акс эттиришда харидорнинг жўнатилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) учун тўлов ҳужжатлари тақдим этилишига қараб 45- “Юклар жўнатилган товарлар” ҳисобварағидан фойдаланилмайди.

Тўловга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида ҳисоб юритишда қуйидагича ўтказма амалга оширилади:

- сотув нархлари бўйича қиймат суммасига

62- “Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварақ дебети

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварақ кредити;

Амалдаги ишлаб чиқариш таннархи суммасига

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварақ дебети

40- “Тайёр маҳсулот” ҳисобварақ кредити.

Юклар жўнатилган маҳсулотни таҳлилий ҳисобга олиш қандай амалга оширилади?

Жўнатилган маҳсулотни таҳлилий ҳисобга олиш қуйидагиларни кўзда тутади:

- маҳсулотни жўнатишга доир операцияларни хари-

дор манзилига юборилган тўлов ҳужжатлари асосида жорий рўйхатдан ўтказиш зарурлигини;

- юк ҳақи ва тўловномаларни тўлашдан бош тортилган тақдирда уларни кузатиб боришни;

- ҳар бир ой давомида қайд этилган ёзувларни умумлаштиришни. Бу шундай тартибда амалга оширилиши лозимки, унда жамлама ҳисобварақларга доир бухгалтерлик маълумотлари кўзга ташланиб турсин.

У 16- “Тайёр маҳсулотлар ҳаракати, уларни жўнатиш ва сотишни ҳисобга олиш” қайдномасининг 2- “Маҳсулотни жўнатиш, уни бериш ва сотиш” номли бўлимида юритилади (қуйида берилган). Қайдномани бу бўлимида ҳар бир тўлов талабнома-топшириқномаси (ҳисобварақ-фактура) қайд этилади. Мазкур тўлов талабнома-топшириқномасининг тегишли устунларида харидорлар, тайёр маҳсулотлар, идишлар, ўровлар сони ва қиймати, харидорлар томонидан тўланадиган транспорт харажатлари, шунингдек юк (иш, хизмат)ни олувчилар ҳисобига ўтказиладиган устама ва чегирмалар кўрсатилиши лозим. Бу ерда маҳсулотни жўнатиш, сотиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ҳамда харидорлар ва буюртмачилар билан амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг таҳлилий ва жамлама ҳисоби бирлаштирилади. Маҳсулот жўнатиш ва сотишни таҳлилий ҳисобга олишни ташкил этиш айрим маҳсулот турлари бўйича ҳам, тўлов ҳужжатлари бўйича натура ифодасида ҳам амалга оширилади. Мазкур тадбир икки хил нарҳда - сотилиш нарҳларида ва амалдаги таннарх баҳосида бажарилади.

Ҳисобга олиш нарҳлари ва тайёр маҳсулотларнинг амалдаги таннархи ўртасидаги фарқ айрим маҳсулот турлари бўйича кескин ўзгариб туриши мумкин бўлган корхоналарда тайёр маҳсулот ҳаракати ҳақидаги маълумотлар мазкур маҳсулотлар гуруҳлари бўйича акс эттирилади. Корхона маҳсулотларни гуруҳлар бўйича тақсимлашни амалдаги таннархнинг айрим маҳсулотларнинг ҳисобга олиш нарҳига доир қийматидан чекиниши даражасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади. Бундан мақсад

- уларнинг ҳар бир гуруҳда тахминан бир хил оғишига эришишдан иборатдир.

16-қайдноманинг 2-бўлимини очиш ва юритиш тартиби қуйидагичадир. 16-қайднома ҳар ойда очилади. Мазкур қайдномани очишда унга ўтган ойдаги қайдномага оид тўланмаган тўловномаларнинг ой бошидаги қолдиғи кўчириб ўтказилади. Шундан сўнг жўнатиш ва тўлов ҳужжатлари асосида жорий ойга доир ёзувлар қайд этилади. Банк кўчирмаларининг келиб тушишига қараб қайдноманинг тегишли устунларида тўловномалар тўлангани ҳақида тегишли ёзув қайд этилади. Унда тушум санаси, суммаси ва қайси ҳисобвараққа ўтказилгани ёки ҳисоб-китоб қайси йўл билан амалга оширилгани кўрсатилади.

Сўнгра 16-қайднома (2-бўлим) яқунланади.

Жўнатиш тайёр маҳсулотларнинг ҳисоб нархларига оид қиймати айрим маҳсулот турларининг ой давомида аниқланган миқдорий натижаларини уларнинг ҳисоб нархларига кўпайтириш йўли орқали аниқланади. Кейинги ой учун очилаётган 16-қайднома (2-бўлим)га жўнатиш, лекин ўтган ҳисобот даврида ҳақи тўланган маҳсулот қолдиқлари кўчириб ўтказилади. Жўнатиш маҳсулотнинг амалдаги таннархи унинг ҳисоб нархларига оид қиймати ва 16-қайдноманинг 1-бўлими (А кичик бўлими)да белгилаб қўйилган оғиш фоизларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

16-кайднома

учун махсулот, мол-мулк ва моддий бойликларни юклаш, бериш ва сотиш

2. 19 __ йил

N т/р	Ҳисоб-варақ санаси	Тўлов топ-шириқнома талаб-нома	Фармой-ишли буюртма	Буюртмачи, харидор	Махсулот						
					1	2	3	4	5	6	
	A	B	B	Г							
1				1-дўкон							
2				2-дўкон							
				Жами							
				СОТИШ нархлари бўйича							
				ҲАҚИҚИЙ таннархи бўйича							

Тўлов ҳужжатлари бўйича сумма						Тўлашга доир белги				
тайёр маҳсулотлар учун	транспорти харажатлари	жами	ҚҚС 17 %	жами	сана	ҳисоб-китоб варағи	бошқа ҳисобварақлар	вексель		
7	8	9	10	11	12	13	14	15		

АСОСИЙ МАҲСУЛОТНИНГ СОТИЛИШИ

	A	B	B	Г	1	2		
3				25-улгуржи база				
4				1-дўкон				
5...				2-дўкон				
...12				...				
				Жами юклангани				
				Сотиш нархлари бўйича				
				Ҳақиқий таннархи бўйича				
				ойида сотилди				
				Сотиш нархлари бўйича				
				Ҳақиқий таннархи бўйича				

5.4. Маҳсулотни сотиш харажатлари ва қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олиш

Маҳсулотни сотиш харажатларига қуйидагилар киради:

- маҳсулот ўтказилишини ташкил этиш (маркетинг операциялари)га доир харажатлар;

- тайёр маҳсулотлар омборидаги маҳсулот идиши ва уни ўраб-боғлаш харажатлари;

- маҳсулотни етказиб берувчи ҳисобидан у жўнатиладиган станция (порт)га элтиб бериш, вагонлар, кемалар, автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларига юклаш харажатлари;

- маҳсулотни ўтказувчи ва бошқа воситачи корхона ва ташкилотларга воситачилик йиғимлари (ажратмалари)ни тўлаш харажатлари;

- маҳсулотларни сотиш жойидаги улар сақланадиган бинолар қарови ва қишлоқ хўжалиғи корхоналари сотувчилари меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлар;

- реклама харажатлари;

- бошқа шу каби мақсадли харажатлар.

Маҳсулотни ўраб-боғлаш ва сақлашга оид харидорлар томонидан тўланадиган сарф-харажатлар сотув харажатларига киритилмайди. Кўрсатиб ўтилган харажатлар 45- "Юклаб жўнатиш товарлар" ҳисобварағида акс эттирилади.

Маҳсулотни сотиш харажатлари қандай ҳисобга олинади ?

Маҳсулотни сотиш харажатларига доир ахборот 26- "Давр харажатлари" ҳисобварағининг 1- "Сотиш учун харажатлар" илова ҳисобварағида тўпланади. Маҳсулотни жўнатиш ва сотишга доир барча харажатлар кўрсатиб ўтилган номенклатурага мувофиқ равишда 26- "Давр харажатлари" ҳисобварақ дебетида ўтказилади. Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида 26- "Давр харажатлари" ҳисобварағи 80- "Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг дебет қисмига, "Давр харажатлари"нинг 2-илова ҳисобварағига ёпилади.

Маҳсулотни сотиш харажатлари учун корхона бухгалтериясида қуйидаги ёзувлар қайд этилади:

- тайёр маҳсулот омборидаги идиш ва ўраб-боғлаш материаллари қийматига

26- “Давр харажатлари” ҳисобварақ дебети

10- “Материаллар” ҳисобварағи кредити;

- ёрдамчи ишлаб чиқариш ва маҳсулотни ўраб-боғлаш ҳамда жўнатиш хўжаликларига хизмат кўрсатиш цехлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг амалдаги таннари миқдорига

26- “Давр харажатлари” ҳисобварағи дебети

23- “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағи кредити

29- “Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар” ҳисобварақнинг кредити;

- тижорат харажатлари сирасига ўтказиладиган ишлар ва хизматларга касса орқали ҳақ тўлашга

26- “Давр харажатлари” ҳисобварағи дебети

50- “Касса” ҳисобварағи кредити;

- тижорат хизматлари (реклама, транспорт ва бошқа)нинг амалдаги қиймати миқдорига

26- “Давр харажатлари” ҳисобварағи дебети

60- “Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварақ кредити;

- ходимларга юклаш ва тушириш ишлари учун ҳақ тўлашга

26- “Давр харажатлари” ҳисобварағи дебети

70- “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити;

- ижтимоий суғурта фондига ажратмалар ўтказишга

26- “Давр харажатлари” ҳисобварағи дебети

69- “Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити;

- ҳисобдор шахслар ҳисобидан тўланган жўнатиш харажатлари қиймати миқдорига

26- “Давр харажатлари” ҳисобварағи дебети

71- “Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити.

Давр харажатларининг таҳлилий ҳисоби белгиланган

номенклатурага мувофиқ 15-қайдномада юритилади. Ой якунида 26- "Давр харажатлари" ҳисобварақ дебетида ҳисобга олинган суммалар 80- "Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади:

80- "Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварақ дебети

26- "Давр харажатлари" ҳисобварағи кредити.

Кўрсатиб ўтилган ўтказмалар 11-журнал-ордерда акс эттирилади.

Кўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган объект нимадан иборат?

Маҳсулот сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир оборотлар солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Солиққа тортиладиган оборотларга қуйидагилар киряди:

- ўзи ишлаб чиқарган ёки четдан харид қилинган маҳсулотни сотишга доир оборотлар;

- истеъмол қийматини қўниш, шунингдек, янги қиймат (вужудга келтириш) билан боғлиқ ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми;

- ўз истеъмолчи учун корхона ичида сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматларга доир харажатлар, уларнинг харажатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннарига киритилмайди, шу жумладан, ўз ходимларига товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишга доир оборотлар ҳамда ёрдамчи хўжалик товарларини сотишга доир оборотлар;

- бевосита пул тўловисиз, бошқа товарларга айирбошлаш учун жўнатилган товарларга доир оборотлар (мавоза битимлари);

- товарларни бошқа корхоналар ёки jisмоний шахсларга текинга ёки қисман ҳақ тўлаш эвазига беришга доир оборотлар;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида четдан келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни чет эл валютасига сотишга доир оборотлар;

- корхоналар ўз харидорлари (буюртмачилари)га товарлар (ишлар, хизматлар) сотишда молиявий ёрдам шаклида оладиган ёки даромадни оширишга йўналтириладиган пул маблағлари суммаси.

Қўшилган қиймат солиғи қандай ҳисобланади?

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сотилиш нархиға қўшилиши лозим. Бироқ харидорлардан уларға товарлар (ишлар, хизматлар) сотилганлиғи учун ундирилган қўшилган қиймат солиғи билан қиймати ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига киритилган моддий ресурслар, ишлар, хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчиларға тўланган қўшилган қиймат солиғи ўртасидаги фарқ бюджетға ўтказилади. Унинг бухгалтерия ўтказмаси қуйидагича:

- сотилган маҳсулот учун ҳисобланган ҚҚС суммаси миқдорига

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварағи дебити

68- “Бюджет билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварақ кредити;

- ҳисобга олинган ҚҚС фарқи суммаси миқдорига

68- “Бюджет билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи дебити

19- “Харид қилинган бойликлар бўйича ҚҚС солиғи” ҳисобварақ кредити

ёки

68- “Бюджет билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи дебити

10- “Материаллар” ҳисобварағи кредити

12- “Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар” ҳисобварақ кредити;

- бюджетға ўтказилган ҚҚС суммаси миқдорига

68- “Бюджет билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварақ дебити

51- “Ҳисоб-китоб варағи” ҳисобварақ кредити.

Акциз солигини ҳисоблашда қандай оборотлар солиққа тортилади?

Эркин нархлардаги, акцизга тааллуқли товарларни жўнатишга доир оборотлар солиққа тортиладиган оборотлардир.

Акциз суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$A = (O \times C_a) / 100,$$

бунда A - акциз суммаси, O - солиққа тортиладиган оборот, C_a - фоизлардаги акциз ставкаси.

Амалдаги акциз ставкалари сотилган товар тушумига оид фоизларда белгиланган. Акциз суммалари товар нархига қўшилади ва ҚҚС солиғига тортиш базаси асосида ҳисобланади.

Акцизларни ҳисоблашда қуйидаги бухгалтерлик ўтказмаси берилади:

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварақ дебети

68- “Бюджет билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити;

- бюджетга акциз суммаларини ўтказишга

68- “Бюджет билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи дебети

51- “Ҳисоб-китоб варағи” ҳисобварақ кредити;

- тўланган ҳар бир ҳисобварақ бўйича акциз солигини тўлашга

68- “Бюджет билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи дебети

60- “Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити

61- “Берилган бўнақлар юзасидан ҳисоб-китоблар” ҳисобварақ кредити

62- “Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити

63- “Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити.

Оборот амалга оширилган кун деб ҳисоб-китоб ҳуж-

жатлари банкка топширилган ёки харидорга берилган кун ҳисобланади.

5.5. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишни ҳисобга олиш

Маҳсулотнинг сотилиши корхона фаолиятининг асосий салмоқли кўрсаткичи ҳисобланади. Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ўтказиш ва сотишга доир хўжалик операцияларининг яхлитлиги билан боғлиқдир.

Амалдаги қоидага мувофиқ, ҳисоб-китоб варағига харидордан тўлов келиб тушган сана, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) жўнатилган сана ёки харидор (буюртмачи) тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этган кун сотув амалга оширилган сана деб ҳисобланади.

Сотилган тайёр маҳсулот ҳақидаги ахборотлар қайси ҳисобварақда умумлаштирилади?

Маҳсулот, товарлар сотиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишга доир ахборотларни умумлаштириш, шунингдек сотув натижаларини аниқлаш учун ҳисобварақлар режасида 46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” жамлама ҳисобварағи кўзда тутилган.

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварақ дебетига жўнатилган (сотилган) маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг амалдаги ишлаб чиқариш таннари, маҳсулотни сотиш харажатлари, маҳсулот нарҳига устама равишда тўланадиган идиш баҳоси, ҚҚС суммаси, акциз ва боғхона солиқлари суммаси ҳамда сотишдан кўрилган фойда акс этирилади.

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварақ кредитига жўнатилган (сотилган) маҳсулот (бажарилган иш кўрсатилган хизмат) учун тўлов ҳужжатлари бўйича кўрсатилган суммалар ёки кўрсатилган маҳсулот учун банк ҳисобварақларига ўтказилган суммалар ҳамда маҳсулот сотишдан кўрилган зарар суммалари қайд этилади.

46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағи

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
20, 23	Жўнатишган маҳсулот	Жўнатишган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловга тақдим этилган сумма	62
37, 40	бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг амалдаги таннарихи	ёки	
26	Жўнатишган маҳсулотга доир тижорат харажатлари		
10	Маҳсулот баҳосига устама равишда тўланадиган идиш қиймати	Жўнатишган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун банк ўтказган ёки нақд берилган сумма	51, 52
68	Жўнатишган маҳсулот учун ҚҚС ва акциз суммаси	Зарар сотув натижаси сифатида	80
80	Фойда сотув натижаси сифатида		

Маҳсулот жўнатишганидан (сотилганидан) сўнг ва тўлов ҳужжатлари кўрсатилганидан кейин корхона бухгалтериясида қуйидаги ёзувлар қайд этилади:

- сотув нархлари қиймати миқдорига

62- "Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-ки-тоблар" ҳисобварағи дебети

46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағи кредити;

- бир вақтнинг ўзида

46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварақ дебети

40- “Тайёр маҳсулот” ҳисобварағи кредити - амалдаги ишлаб чиқариш таннархи миқдорига ёки

40- “Тайёр маҳсулот” ҳисобварақ кредити - жўнатилган маҳсулотларнинг режадаги (меъёрий) таннархи миқдорига

37- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши” ҳисобварағи кредити - ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ни амалдаги ишлаб чиқариш таннархининг режадаги (меъёрий) таннархдан фарқланадиган сумма миқдорига, яъни режадаги (меъёрий) таннархдан ошиб кетишини сторнолаш амалга оширилади, ортиқча сарфланган харажат, яъни амалдаги таннархнинг режадаги (меъёрий) таннархдан ошиб кетиши кўшимча ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади.

Маҳсулотни сотиш операциялари қайси регистрда акс эттирилади?

Маҳсулот жўнатиш ва сотиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)нинг ҳисоби 11-журнал-ордерда юритилади. Мазкур журнал-ордер 40- “Тайёр маҳсулот”, 41- “Товарлар”, 45- “Юклар жўнатилган товарлар”, 46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши”, 62- “Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварақлар кредитига оид оборотлар ҳамда 46-ҳисобварақнинг таҳлилий маълумотларини акс эттиришга мўлжаллангандир.

11-журнал-ордер 15- ва 16-қайдномаларнинг таҳлилий маълумотлари асосида тўлдирилади. 45- “Юклар жўнатилган товарлар” ва 46- “Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши” ҳисобварақларнинг таҳлилий маълумотлари амалдаги таннарх, ҳисоб нархлари, тақдим этилган тўловнома ёки унинг ўрнини босувчи хужжатга доир сумма, шунингдек ҳисобот оyi оборотлари ҳамда йил бошидан бери амалга оширилган ҳажми бўйича солиқ

суммалари ҳам 11-журнал-ордерда келтирилади.

46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг" сотилиши" ҳисобварағининг таҳлилий ҳисоби сотилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)нинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

Сотилган маҳсулотнинг амалдаги таннархи қандай ҳисоб-китоб қилинади?

Бунинг учун дастлаб 11-журнал-ордерда йил бошидан бери жўнатишган маҳсулот амалдаги таннархи оборотининг унинг тақдим этилган тўловномалар (ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар) бўйича қийматига фоиз нисбати белгиланади. Олинган фоиз билан ой якуни ҳолатига кўра ҳали тўланмаган, лекин жўнатишган маҳсулотнинг амалдаги таннархи аниқланади. Бунинг учун ой якуни ҳолатига кўра тўланмаган барча тўловномаларнинг сотув қиймати мазкур фоиз нисбатига кўпайтирилади. Сотилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) ва харидорлар харажатларининг амалдаги таннархи қуйидагича аниқланади: жўнатишган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) ва харидорлар харажатларининг амалдаги таннархига уларни ҳисобот ойида жўнатиш қиймати (қайтарилган маҳсулот суммаси бунга кирмайди) кўпилади ва ундан ой охиридаги қолдиқ айириб ташланади.

11-журнал-ордерда шунингдек, яроқсизлиги учун харидорлар томонидан қайтарилган маҳсулотга доир операциялар ҳам акс этирилади. Агар маҳсулот унинг қиймати тўлангунга қадар қайтарилса ҳисобда қуйидаги сторно ёзувлари қайд этилади:

- сотув нархи қиймати миқдорига

62- "Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети.

46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварақ кредити;

- маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг амалдаги таннар-

хи миқдориға

46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисоб-варақ дебети.

40- "Тайёр маҳсулот" ҳисобварағи кредити;

- фойда миқдори ҳажмига

46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисоб-варақ дебети

80- "Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи кредити;

- кўрилган зарар миқдориға

80- "Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи дебети

46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисоб-варағи кредити;

- амалдаги таннарх миқдориға

40- "Тайёр маҳсулот" ҳисобварағи дебети

20- "Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи кредити.

Агар маҳсулот ҳақи харидор томонидан тўланган бўлса, бу ҳолда санаб ўтилган бухгалтерлик ёзувларидан ташқари келиб тушган пул маблағлари суммасига қуйидаги сторно ўтказмаси амалга оширилади:

51- "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварақ дебети

62- "Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити;

76- "Ғурли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити.

Харидорлар томонидан қайтарилган яроқсиз маҳсулот қуйидаги ўтказма бўйича қабул қилинади:

28- "Ишлаб чиқаришдаги брак" номли 28-ҳисобварағи дебети

20- "Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи кредити

23- "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ҳисобварағи кредити ва ҳоказо.

Маҳсулотни харидорга ўз ҳисобидан элтиб беришга доир транспорт харажатлари учун қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

28- "Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварақ дебети

45- "Юклар жўнатилган товарлар" ҳисобварағи кредити.

Брак маҳсулотнинг харидор томонидан элтиб берили-

шига доир транспорт харажатлари куйидагича акс эттирилади:

28- "Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварағи дебети

51- "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварақ кредити.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотилишининг молиявий натижаси қандай аниқланади?

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотилишининг молиявий натижаси 46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағи кредити ва дебети оборотларини таққослаш орқали аниқланади. Агар 46-ҳисобварақ кредити дебетга қараганда юқорироқ бўлса бу ҳолда корхона фойда олган ҳисобланади, у ойнинг охирида 80- "Фойдалар ва зарарлар" жамлама ҳисобвараққа тўлалигича ҳисобдан чиқарилади ҳамда бу ҳақда 15-журнал-ордерда бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағи дебети

80- "Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи кредити.

Агар 46-ҳисобварақ кредити дебетдан кичик бўлса, бу зарар кўрилганлигини билдиради ҳамда 11-журнал-ордерда куйидаги ўтказма амалга оширилади:

80- "Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи дебети.

46- "Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағи кредити.

5.6. Маҳсулот етказиб бериш шартномалари бажарилишини ва тайёр маҳсулотни йўқлама (инвентаризация)дан ўтказишни оператив (тезкор) ҳисобга олиш

Маҳсулот етказиб бериш режаси бажарилишини оператив ҳисобга олиш ахборот тўплаш ва жўнатиш жараёнларини бошқариш, турли истеъмолчиларга йил давомида маҳсулот сотиш учун жуда зарурдир. У харидорлар ва сотилаётган маҳсулот номенклатураси бўйича тузиладиган, тайёр маҳсулотни жўнатиш ва сотиш қайдномалари бўйича юритилади.

Ҳисобот маълумотларида кўрсатилган тайёр маҳсулотнинг амалда омборда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотга мувофиқ келиши тайёр маҳсулотни йўқлама (инвентаризация) қилиш асосида аниқланади.

Маҳсулот етказиб бериш режаси бажарилишини тезкор (оператив) ҳисобга олиш қандай амалга оширилади?

У тезкор ҳисобга олишнинг махсус регистрида юритилади ва қуйидагича кўринишга эга:

Етказиб бериш шартномалари тезкор ҳисобга олиш ва унинг ижросини назорат қилиш қайдномаси 199__ йил __ учун

Фонд-соҳиби	Харидор	Маҳсулот коди	Номи	Ўлчов бирлиги	Микдори				Сотиш нархларидаги қиймати				Йил бошидан буён фарқлар		
					шартнома бўйича		ҳақиқатда		шартнома бўйича		ҳақиқатда		мик-дори	сум-маси	
					ой учун	йил бошидан	ой учун	йил бошидан	ой учун	йил бошидан	ой учун	йил бошидан			
													ой учун	йил бошидан	ой учун

Мазкур регистр асосида тайёр маҳсулотни белгиланган миқдорда етказиб бермаслик ёки тўловнинг кечиктирилиши сабаблари аниқланади ва тегишли чоралар кўрилади.

Корхоналарда тайёр маҳсулотни йўқламадан ўтказиш тартиби қандай?

Тайёр маҳсулотни йўқламадан ўтказиш тартиби оборот маблағлари таркибига кирувчи бошқа моддий бойликларни йўқлама қилиш тартиби билан бир хил. Баъзи бир фарқлари шундан иборатки, тайёр маҳсулот қатор ҳолатларда нафақат ўз корхонаси омборларида, балки цехлар омборларида ва маҳсулот ўтказувчи ташкилотларда жавобгарлик асосида сақланади. Бухгалтерлик ҳисобида ва йўқлама рўйхатларида улар яхлит ҳолда акс эттирилади. Тайёр маҳсулот ҳаракати жадал рўй беради, шунинг учун тайёр маҳсулот йўқламасини имкони бори-ча қисқа муддатларда амалга ошириш тавсия қилинади.

Йўқлама жараёнида тайёр маҳсулотларни қайта ҳисоблаш, ўлчаш ва тортиб кўриш йўли билангина эмас, балки уларнинг бутлиги, нави ва бошқа сифат тавсифлари ҳам текширилади. Йўқлама рўйхатларида моддий бойликларнинг коди, номи, миқдоридан ташқари уларнинг номенклатура рақами, русуми ва бошқа алоҳида белгилари ҳам кўрсатилади.

Туриб қолган, кам қимматли ва яроқсиз ҳолга келган маҳсулот ҳужжатлари қандай расмийлаштирилади?

Туриб қолган ва кам қимматли маҳсулотлар учун алоҳида рўйхат тузилади. Яроқсиз ҳолга келган маҳсулот рўйхатга киритилмайди. Улар юзасидан махсус далолатнома тузилади, бунда тайёр маҳсулот бузилишининг сабаби ва айбдор шахслар, қадрсизланиш суммаси кўрсатилади.

Йўқлама пайтида келган маҳсулотлар қандай ҳисобга олинади?

Йўқлама пайтида келган маҳсулотлар йўқлама комиссияси иштирокида қабул қилинади ва алоҳида рўйхатга киритилади. Жўнатиш деб ҳисобланган ёки ҳақи тўланган, лекин ҳали омбордан олиб чиқиб кетилмаган товарлар ҳам алоҳида қайд этилади. Жойлаш ва сақлаш идиши тури, мақсади ва тоифасига қараб (янги, фойдаланишда бўлган) тайёр маҳсулот билан бирга йўқламадан ўтказилади.

Жўнатиш товарлар ва харидорлар томонидан муддатида ҳақи тўланмаган товарлар юзасидан ҳар бир юк-лаб жўнатиш бўйича алоҳида йўқлама рўйхати тузилади. Уларда товар ва харидор номи, жўнатиш санаси, тўлов топшириқномаси ёзиб берилган сана, унинг рақами ва ҳисобварақ бўйича суммаси кўрсатилади.

Бошқа таъкилотлар омборларида сақланаётган тайёр маҳсулот бу моддий бойликларни масъулиятли сақлашга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида рўйхатга киритилади. Масъулиятли сақлашга қолдирилган маҳсулот учун сақлаш тилхатлари йўқлама бошланган санага яқин санага қайта расмийлаштириш лозим (3-иловага қаралсин).

Йўқлама натижалари юзасидан қиёслаш қайдномалари фақат ҳисобга олиш маълумотларидан чекинишга йўл қўйилган маҳсулот турлари бўйича тузилади (4-иловага қаралсин). Йўқлама пайтида аниқланган тайёр маҳсулот қолдиқлари жорий ҳисобда қабул қилинган нархлар бўйича баҳоланади. Йўқлама пайтида аниқланган амалдаги тайёр маҳсулот қолдиғи ва ҳисобга олиш маълумотлари ўртасидаги фарқ моддий бойликлар учун қабул қилинган умумий тартибда бартараф этилади.

1-илова

Вазирликлар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини чет элга хизмат сафарига юборишда уларга хизмат сафари харажатлари учун бериладиган хорижий валюта меъёрлари

N T/p	Мамлакат ёки худуд	Чет эл валютасининг номи	Корхона ва ташкилотлар ходимларининг чет эл валютасидаги кун сафардагилик харажатлари меъёри		Вақтин- чалик хизмат сафар- ларида ходимлар ижорага олган турар жой хақини тўлаш- нинг энг юқори меъёри (кўрса- тилган кундалик сумма- гача)
			мамла- катга Ўзбекис- тон Респуб- ликаси- дан, шу- нингдек бошқа мамла- катларда жойлаш- ган со- биқ со- вет муас- сасала- ридан кетув- чилар учун	мамлакат ичидаги хизмат сафарлари, мамлакат- дан Ўзбе- кистон Рес- публикасига келувчилар ва аксинча, шунингдек, ишлаш учун мамлакатга юборилаёт- ган ва қай- тиб келаёт- ганлар учун	
1	2	3	4	5	6
1	Австралия	доллар	37,50	18,00	80
2	Австрия	АҚШ доллари	53,39	28,10	72,53
3	Албания	АҚШ доллари	42,00	20,00	120
4	Жазоир	АҚШ доллари	36,30	16,95	48
5	Ангола	АҚШ доллари	38,55	18,00	85
6	Амстердам (орол)	француз франки	71,50	29,70	100
7	Андорра	Шв. франки	58,50	27,00	160
8	Антигуа ва Барбуда	АҚШ доллари	30,00	14,00	80
9	Антиль ороллари (Нидерландияга қарашли)	АҚШ доллари	30,00	14,00	82
10	Аргентина	АҚШ доллари	31,50	14,50	60
11	Афғонистон	АҚШ доллари	15,00	9,66	17
12	Багама ороллари	АҚШ доллари	27,98	13,05	60
13	Бангладеш	Германия маркалари	45,00	27,00	50

1	2	3	4	5	6
14	Барбадос	АҚШ доллари	27,75	12,95	60
15	Баҳрайн	АҚШ доллари	45,00	21,00	90
16	Белиз	АҚШ доллари	27,75	12,95	60
17	Бельгия	франклар	1354,50	632,00	5700
18	Бенин	Германия маркаси	61,50	29,00	78
19	Бермуд ороллари	АҚШ доллари	32,70	15,25	82
20	Болгария	АҚШ доллари	15,00	7,00	43
21	Боливия	АҚШ доллари	26,40	12,30	45
22	Ботсвана	АҚШ доллари	32,40	15,10	81
23	Бразилия	Шв. франки	48,00	22,00	187
24	Бруней	АҚШ доллари	27,52	12,85	67
25	Буркина Фасо	француз франки	210,00	98,00	570
26	Бурунди	АҚШ доллари	29,25	13,65	37
27	Бутан	АҚШ доллари	17,00	7,95	30
28	Ванаути	француз франки	196,50	92,00	210
29	Буюк Британия	Англия фунтлари	23,77	11,10	80
30	Венгрия	АҚШ доллари	24,00	11,00	43
31	Венесуэла	АҚШ доллари	34,72	16,20	42
32	Вьетнам	АҚШ доллари	25,50	12,00	52
33	Габон	француз франки	204,00	95,00	765
34	Гайана	АҚШ доллари	30,82	14,40	102
35	Гайти	АҚШ доллари	29,85	13,95	75

1	2	3	4	5	6
36	Гамбия	Германия маркаси	48,00	22,00	94
37	Гана	АҚШ доллари	32,00	14,25	75
38	Гваделупа	француз франки	220,50	103,00	325
39	Гватемала	АҚШ доллари	27,52	12,85	60
40	Гвинея	АҚШ доллари	37,88	17,70	99
41	Гвинея-Бисау	АҚШ доллари	31,80	14,85	22
42	Германия	Германия маркаси	79,00	37,05	140
43	Гибралтар	АҚШ доллари	28,35	13,25	60
44	Гондурас	АҚШ доллари	27,52	12,85	45
45	Гонконг	АҚШ доллари	24,82	11,60	82
46	Гренада	АҚШ доллари	28,52	13,30	52
47	Греция (ороллари)	француз франки	228,00	106,00	384
48	Дания	крона	228,00	106,00	362
49	Жибути	АҚШ доллари	37,20	17,35	67
50	Доминикан Республикаси	АҚШ доллари	27,52	12,85	60
51	Миср	АҚШ доллари	30,70	10,90	59,24
52	Зоир	АҚШ доллари	38,47	17,95	30
53	Замбия	АҚШ доллари	28,65	13,35	157
54	Фарбий Самоа	АҚШ доллари	23,40	10,90	45
55	Зимбабве	АҚШ доллари	35,17	16,40	67
56	Исроил	АҚШ доллари	35,00	20,00	60
57	Ҳиндистон	АҚШ доллари	26,50	18,5	67

1	2	3	4	5	6
58	Индонезия	АҚШ доллари	27,52	12,85	135
59	Иордания	АҚШ доллари	30,00	14,00	37
60	Ироқ	АҚШ доллари	26,10	12,20	57
61	Эрон	АҚШ доллари	34,09	15,92	80
62	Ирландия	Ирландия фунти	22,12	10,35	70
63	Исландия	АҚШ доллари	34,50	16,00	75
64	Испания	Шв. франки	58,50	27,00	165
65	Италия	лира	40950	19100	150000
66	Яман Республикаси	Германия маркаси	72,00	34,00	127
67	Кабо Верди	АҚШ доллари	30,30	14,15	82
68	Кайман ороллари	АҚШ доллари	37,50	-	135
69	Камерун	Германия маркаси	63,00	29,00	162
70	Камбоджа	АҚШ доллари	27,22	12,70	22
71	Канада	доллар	32,55	15,20	150
72	Катар	АҚШ доллари	36,00	17,00	85
73	Кения	АҚШ доллари	24,89	11,60	60
74	Киргелен	француз франки	220,50	103,00	825
75	Кипр	Шв. франки	43,50	20,00	97
76	Кирибати	Австралия доллари	23,40	10,90	60
77	ХХР	АҚШ доллари	25,00	10,60	65
78	КХДР	АҚШ доллари	28,50	13,00	50
79	Колумбия	АҚШ доллари	27,52	12,85	52

1	2	3	4	5	6
80	Комор ороллари	АҚШ доллари	30,75	14,35	21
81	Конго	француз франки	235,50	110,00	660
82	Коста-Рика	АҚШ доллари	25,27	11,80	60
83	Кот ди Уар	француз франки	241,50	113,00	540
84	Куба	АҚШ доллари	28,50	13,00	60
85	Кувайт	АҚШ доллари	26,00	1170	37
86	Лаос	АҚШ доллари	29,40	13,75	60
87	Лесото	АҚШ доллари	2805	13,10	60
88	Либерия	АҚШ доллари	37,50	17,50	60
89	Ливан	АҚШ доллари	22,45	10,45	48
90	Ливия	АҚШ доллари	23,00	11,45	50
91	Лихтенштейн	Шв. франки	49,27	23,00	75
92	Люксембург	франк	1356,00	633,00	3900
93	Маврикия	АҚШ доллари	26,78	12,50	75
94	Мавритания Республикаси	АҚШ доллари	32,55	15,20	90
95	Мадагаскар	АҚШ доллари	33,98	15,85	72
96	Макао	АҚШ доллари	24,82	11,60	82
97	Малави	АҚШ доллари	25,95	12,10	45
98	Малайзия	АҚШ доллари	23,30	11,60	60
99	Мали	француз франки	195,00	91,00	600
100	Мальдив Республикаси	АҚШ доллари	20,70	9,65	37
101	Мальта	Германия маркаси	30,00	12,50	84

1	2	3	4	5	6
102	Марокко	француз франки	210,00	100,0	300
103	Мартиника	француз франки	220,50	103,0	825
104	Мексика	АҚШ доллари	25,42	11,85	60
105	Мозамбик	АҚШ доллари	32,48	15,15	52
106	Монголия	АҚШ доллари	30,00	14,00	60
107	Мьянма	француз франки	183,00	85,00	125
108	Монако	француз франки	220,50	103,0	825
109	Намибия	АҚШ доллари	36,00	17,00	120
110	Науру	Австралия доллари	23,40	10,90	45
111	Непал	АҚШ доллари	21,52	10,05	48
112	Нигер	француз франки	192,00	90,00	750
113	Нигерия	АҚШ доллари	38,70	18,05	90
114	Нидерландия	гульден	79,65	37,15	217
115	Никарагуа	АҚШ доллари	29,47	14,75	82
116	Янги Зеландия	Янги Зеландия доллари	38,62	18,05	180
117	Янги Каледония	француз франки	220,50	103,0	750
118	Норвегия	крона	222,00	104,0	900
119	Норфолк	Австралия доллари	23,40	10,90	45
120	Бирлашган Араб Амирликлари	АҚШ доллари	29,00	18,00	90
121	Оммон	АҚШ доллари	34,57	16,15	120
122	Ўзбекистон	АҚШ доллари	20,00	14,00	40

1	2	3	4	5	6
123	Палау ороли	АҚШ доллари	25,50	11,90	75
124	Панама	АҚШ доллари	30,90	14,40	37
125	Папуа Янги Гвинея	АҚШ доллари	31,50	15,00	100
126	Парагвай	АҚШ доллари	23,40	10,90	40
127	Перу	АҚШ доллари	27,52	12,85	38
128	- Польша	АҚШ доллари	22,50	11,00	60
129	Португалия	Шв. франки	45,00	21,00	142
130	Пауэрто-Рико	АҚШ доллари	27,97	13,05	45
131	Реюньон	француз франки	220,50	103,00	550
132	Руанда	АҚШ доллари	32,32	15,10	40
133	Руминия	АҚШ доллари	18,00	9,00	57
134	Сальвадор	АҚШ доллари	27,75	11,55	37
135	Сан-Марино	лира	40950	19100	150000
136	Сан-Томе ва Принсипи	АҚШ доллари	29,90	13,95	45
137	Саудия Арабистони	АҚШ доллари	45,00	21,00	60
138	Свазиленд	АҚШ доллари	23,47	10,95	52
139	Сейшель ороллари	Германия маркаси	80,00	12,50	150
140	Сенегал	Германия маркаси	80,00	12,50	150
141	Сент-Люсия	АҚШ доллари	28,50	13,30	90
142	Сингапур	АҚШ доллари	35,79	-	182
143	Сурия	фунт	675	315	720
144	Соломон ороллари	Австралия доллари	23,40	10,90	52

1	2	3	4	5	6
145	Сомали	АҚШ доллари	34,12	15,90	88
146	Судан	Шв. франки	52,50	25,00	88
147	Суринам	АҚШ доллари	45	21	67
148	АҚШ	доллар	35,00	17,60	130
149	Сьерра-Леон	АҚШ доллари	28,80	13,45	46
150	Таиланд	Шв. франки	54,00	25,00	126
151	Таити	француз франки	220,50	103,00	825
152	Тайвань	АҚШ доллари	24,82	11,60	82
153	Танзания	АҚШ доллари	34,12	15,95	54
154	Того	Германия маркаси	61,50	29,00	94
155	Тонга	АҚШ доллари	23,40	10,90	30
156	Тринидад ва Табаго	АҚШ доллари	30,00	14,00	90
157	Тувалу	Австралия доллари	23,40	10,90	30
158	Тунис	Англия фунти	21,00	10,00	27
159	Туркия	АҚШ доллари	25,00	17,00	45
160	Уганда	АҚШ доллари	31,35	14,65	75
161	Уругвай	АҚШ доллари	24,00	11,20	52
162	Фиджи	АҚШ доллари	23,40	10,90	52
163	Филиппин	АҚШ доллари	24,90	11,60	150
164	Финляндия	АҚШ доллари	30,00	-	90
165	Франция	франк	220,00	103,00	825
166	Марказий Африка Республикаси	француз франки	253,00	118,00	645

1	2	3	4	5	6
168	Чехия, Словакия	АҚШ доллари	21,15	10,00	48
169	Чили	АҚШ доллари	25,05	11,70	90
170	Швейцария	франк	70,42	32,95	165
171	Швеция	крона	204,60	95,50	975
172	Шри Ланка	Шв. франки	43,50	20,00	48
173	Эквадор	АҚШ доллари	23,10	10,80	60
174	Экваториал Гвинея	АҚШ доллари	30,60	14,30	22
175	Эфиопия	Германия маркаси	75,00	35,00	73
176	Словения	Германия маркаси	57,00	27,00	120
177	Жанубий Корея	АҚШ доллари	40,50	19,00	135
178	ЖАР	АҚШ доллари	27,37	12,80	45
179	Ямайка	АҚШ доллари	29,85	13,95	97
180	Япония	иен	10725	5000	22500
181	Литва	АҚШ доллари	15,00	-	30
182	Латвия	АҚШ доллари	15,00	-	30
183	Эстония	АҚШ доллари	15,00	-	30
184	Украина	АҚШ доллари	5,00	-	10.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ТЎҒРИСИДА ЙИЛЛИК ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

_____ шаҳри Сана _____
Бир томондан, бундан кейин “Буюртмачи” деб атала-
диган, _____ асосида _____ номидан иш олиб
борадиган _____ ва иккинчи томондан
бундан кейин “Пудратчи” деб аталадиган, корхона Уста-
ви асосида _____ номидан иш олиб боради-
ган _____ корхонаси қуйидаги пудрат
шартномасини туздилар.

1. Пудратчи ушбу шартномага 1-иловада кўрсатилган
_____ ишлар мажмуасини ва қурилишни
_____ тасдиқланган лойиҳага мувофиқ ба-
жарини вазифасини ўз зиммасига олади.

2. Пудратчи тасдиқлаган лойиҳа-смета ҳужжатларига,
_____ тасдиқланган титулга ва 3-иловада
кўрсатилган қурилиш-монтажчи ишларини амалга оши-
риш графигига мувофиқ ишларни 199__ йил
_____ дан _____ гача бажарини,
қурилиш-монтаж ишларининг тегишли суратда сифатли
бўлишини таъминлаш ҳамда уларни Буюртмачига шарт-
номада келишилган муддатларда топшириш мажбурия-
тини олади.

3. Буюртмачи тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатла-
рини белгиланган тартибда Пудратчига топшириш. Пуд-
ратчи бажарган ишларни ишчи комиссиясининг дало-
латномаси асосида Пудратчидан қабул қилиб олиш
ҳамда бажарилган ишларга келишилган баҳода ҳақ тўлаш
мажбуриятини олади.

4. Ушбу пудрат шартномаси бўйича Пудратчига топ-
шириладиган ишларнинг қиймати Пудратчи билан кели-
шилган нарх асосида белгиланган бўлиб,
_____ сўми, шу жумладан қурилиш-мон-

таж ишларининг қиймати _____ сўмни ташкил этади.

(4-илова), шу жумладан _____ сўм миқдорида ҚҚС.

Шартнома юзасидан 199 ____ йилда бажариладиган ишлар нархлар ўзгариши муносабати билан смета қиймати бўйича аниқлаштирилади.

5. Ушбу шартномани бажариш пайтида томонлар капитал қурилишга доир амалдаги қонун ҳужжатларига, меъёрий ҳужжатларга ҳамда ушбу шартноманинг алоҳида шартларига (2-илова) амал қилади.

6. Томонларнинг ҳисоб-китоб варақлари:

Буюртмачининг ҳисобварағи _____

Пудратчининг ҳисобварағи _____

Ушбу шартнома уч нусхада тузилди: ҳар қайси томонга бир нусхадан ва бир нусхаси қурилишни пул билан таъминловчи банкка топширилади.

Илова:

№ 1. Ишлар объекти (мажмуаси) рўйхати.

№ 2. Алоҳида шартлар.

№ 3. Ишларни бажариш графиги.

№ 4. Шартномавий баҳони ҳисоб-китоб қилиш қайдномаси.

Буюртмачи: _____

Пудратчи: _____

М.Ў

М.Ў

199 __ й. " __ " _____ да тузилган
_____ -пудрат шартномасига
1-илова

**Пудратчи томонидан 199 __ йилда бажариладиган
ишлар объекти (мажмуаси) рўйхати**

N т/р	Иш объекти (мажмуаси) номи	объект манзили	Курилиш- монтаж ишлари қиймати, минг сўм	ижрочи
1	2	3	4	5

Буюртмачи _____

Пудратчи _____

М.Ў.

М.Ў.

199 __ й. " __ " _____ да тузилган
_____ -пудрат шартномасига
2-илова

АЛОҲИДА ШАРТЛАР

1. Объектдаги ишлар қиймати ушбу шартномага илова қилинган келишилган баҳони ҳисоблаб чиқариш қайдномаси билан белгиланади.

2. Буюртмачи Пудратчини ишларни бажариш учун тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг иккита нусхаси билан таъминлайди.

3. Объектда ишлар бошланишидан 10 кун олдин Буюртмачи Пудратчига геодезиявий режани, пикетаж ва баланд нуқта билан боғланишни (репер) топширади.

4. Бажарилган ишлар учун ҳақ ҳар ойда тўлаб борилади.

5. Буюртмачи топширилаётган ишларнинг ҳаммаси Буюртмачининг титул рўйхатига киритилган ва маблағ

билан таъминланган бўлиши учун юридик ҳамда моддий жиҳатдан жавобгардир.

6. Буюртмачи қурилишни пул билан таъминлаш ўз вақтида бошланмагани ва узилиш бўлиб қолгани учун Пудратчига ҳар бир кечиктирилган кун учун _____ сўм, бажарилган ишларга ҳақ тўлаш кечиктириб юборилганида эса ҳар бир кун учун ҳақи тўланмаган ишлар қийматининг _____ %и миқдорида пеня тўлайди.

7. Объектда ишлар бошланишидан _____ кун олдин Буюртмачи иш кўламини таъминлаб беради:

ўрмонни кесиб, ёғоч, тўнкалар, қолган шох-шаббаларни йиғиштириб олади;

худудда иш олиб боришга келишганликни расмийлаштиради ва рухсат беради;

ишлар майдонини ёритиш учун электр энергияси берилишини таъминлайди;

Ишлар кўламини таъминлаш муддатларини бузганлик учун Буюртмачи кечиктирилган ҳар бир кунга _____ сўм тўлайди.

Ишлар кўлами тайёр бўлгач, Буюртмачи уни Пудратчига далолатнома бўйича топширади.

8. Буюртмачи ишчиларни иш жойига ва у ердан қайтариб олиб бориш учун транспорт ҳақини тўлайди.

9. 199 ____ йилда бажариладиган ишлар нарҳлар ўзгарishi муносабати билан аниқлаштирилади.

Буюртмачи: _____ Пудратчи: _____

М.Ў.

М.Ў.

199__ й. " __ " _____ да тузилган
 _____ -пудрат шартномасига
 3-шлова

199__ йилда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш
 ГРАФИГИ

Т\р	Объектлар НОМИ	ҚМИ бўйича НОМИ	Шу жумладан 199_йилда			
			1 чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1	2	3	4	5	6	7
Буюртмачи _____			Пудратчи _____			
М.Ў. ()			М.Ў. ()			

Шартномавий баҳони ҳисоб-китоб қилиш кайдномаси

№ т/р	Қурилиш-монтаж ишлари				Ли-мит-лан-ган харажатлар		Олдиндан кўрилмаган ишлар ва харажатлар		Пудратчи фаолиятга дахлдор бошқа харажатлар								
	уму-ман об-ъект номи	вақтинча бино ва иншоотлар	вақтинча бино ва иншоотлар бўйича жами миңг сўм	лимитланган харажатлар ҚИМга кирувчи бошқа харажатлар	9-уст. % да сўм	қўрилмаган ишлар ва харажатлар	қўрилмаган ишлар ва харажатлар	қўрилмаган ишлар ва харажатлар	қўрилмаган ишлар ва харажатлар	қўрилмаган ишлар ва харажатлар	қўрилмаган ишлар ва харажатлар	қўрилмаган ишлар ва харажатлар	қўрилмаган ишлар ва харажатлар				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18

Буортмачи _____ Пудратчи _____

М.У.

М.У.

**Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган
(топширилган) товар-моддий бойликларни йўқлама
(инвентаризация) РЎЙХАТИ № _____**

5-сонли инв. шакл БХУД бўйича
КТУТ бўйича

Ташкилот _____
Ташкилотнинг таркибий
бирлиги _____
Йўқламани ўтказиш учун асос:
буйруқ, қарор, фармойиш
(нокераги ўчирилсин)

Рақам
Сана

Йўқлама

Йўқлама бошланган кун
Бухгалтерлик ҳисобварағининг
рақами

КОДЛАР
0309006

ТИЛХАТ

Йўқлама, бошланадиган вақтигача товар-моддий бойликларга доир ҳамма чиқим ва кирим ҳужжатларини бухгалтерияга топширдим ва менинг (бизнинг) жавобгарлигимизга келиб тушган ҳамма товар-моддий бойликлар киримга расмийлаштирилган, берилганлари эса чиқимга ҳисобдан ўчирилган.

Моддий жавобгар шахс (лар):

_____ (лавозими)

_____ (имзо)

_____ (имзо эгасининг
исм-шарифи)

_____ (лавозими)

_____ (имзо)

_____ (имзо эгасининг
исм-шарифи)

Т/р	Таъминотчи		Товар моддий-бойликлар		Ўлчов бирлиги		Миқдори	Товар-моддий бойликлар қиймати, сўм	Юкни сақлаш учун қабул қилиш (топшириш) санаси	Сақлаш жойи	Товар-транспорт ёки ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжати		
	Номи	КТУТ бўйича	Номи, тури, нави, гуруҳи	Номен-клатура рақами	Номи буйича	СОВИ коди					НОМИ	САНА	РАҚАМ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

Рўйхат бўйича жами, сўм _____
(ёзув билан)

Комиссия раиси:

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

Комиссия аъзолари

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

Ушбу йўқлама (инвентаризация) рўйхатида номлари келтирилган N _____ дан N _____ гача бўлган ҳамма то-вар-моддий бойликлар натурада комиссия томонидан менинг (бизнинг) ҳозирлигимда текширилди ва рўйхатга киритилди. Шу муносабат билан йўқлама комиссиясига даъволарим (из) йўқ. Рўйхатда санаб кўрсатилган бой-ликларни масъулиятли тарзда сақлаб турибман (туриб-миз)

Моддий-жавобгар шахс(лар):

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

Ушбу рўйхатда кўрсатилган маълумотлар ва ҳисобларни текширдим:

_____ (лавозими)

_____ (имзо)

_____ (имзо эгасининг исм-шарифи)

Йўлдаги материаллар ва товарларни йўқлама (инвентаризация) қилиш далолатномаси, N _____

5-сонли инв. шакл БХУД бўйича
КТУТ бўйича

Ташкилот _____

Ташкилотнинг таркибий

бирлиги _____

Йўқламани ўтказиш учун асос:

буйруқ, қарор, фармойиш

(нокераги ўчирилсин)

Рақам

Сана

Йўқлама бошланган сана

Йўқлама тугаган сана

Бухгалтерлик ҳисоби

ҳисобварағининг рақами

КОДЛАР
0309006

Т\р	Товар-моддий бойликлари		Ўлчов бирлиги		Миқ-дори	Суммаси, сўм	Юклаш санаси	Етказиб берувчи		Товар-транспорт ёки ҳисоб-китоб-тулов ҳужжати		
	Номи, тури, нави, турагурухи	Номи	СОВИ буйи-ча код	Номи				КТУТ буйи-ча коди	Сана	Рақам	Суммаси, сўм	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												
Ҳаммаси бўлиб												

Рўйхат бўйича жами, сўм _____
(ёзув билан)

Комиссия раиси:

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

Комиссия аъзолари:

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

Ушбу далолатномада кўрсатилган маълумотлар ва
ҳисобларни текширдим:

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(имзо эгасининг исм-шарифи)

199 й. " " _____

Товар-моддий бойликларни йўқлама (инвентаризация) қилиш натижаларини солишти-
риш қайдномаси, N _____

N	Товар-моддий бойликлар		Ўлчов бирлиги		Йўқлама натижалари			
	Номи, тури, нави, гуруҳи	Номенклатура рақами	Номи	СОВИ бўйича коди	Ортиқча Сони	Камомад Сумма, сўм	Сони	Сумма, сўм
1	2	3	4	5	6	7	8	9
			Жами					

Бухгалтер _____

(имзо)

(имзо эгасининг исми-шарифи)

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

1-боб. Асосий ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш 4

- 1.1. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан ишлаб чиқариш ва сотишда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)таннархига киритиладиган харажатлар таркиби 4
- 1.2. Харажатларни уларнинг унсур (элемент)лари ва калькуляция бандлари бўйича ҳисобга олиш 27
- 1.3. Ишлаб чиқаришга кетган моддий чиқимларни ҳисобга олиш 33
- 1.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш чиқимларини ҳисобга олиш 38
- 1.5. Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби, уларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш 41
- 1.6. Давр харажатларини ҳисобга олиш 54
- 1.7. Маҳсулот бракини ва бекор туриб қолишлардан йўқотишларни ҳисобга олиш 57
- 1.8. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш 64

2-боб. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатларини ҳисобга олиш 68

- 2.1. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, уларни таснифлаш ва харажатларни ҳисобга олиш 68
- 2.2. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулоти, ишлари, хизматини истеъмолчилар бўйича тақсимлаш 73

3-боб. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг йиғма ҳисоби 77

- 3.1. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг таҳдидий жамлама ва йиғма ҳисоби 77

4-боб. Капитал маблағларни ҳисобга олиш.....	98
4.1. Капитал маблағлар, уларни таснифлаш ва ҳисобга олишнинг вазифалари	98
4.2. Капитал маблағларга харажатларни ҳисобга олиш тартиби	103
4.3. Курилиши тугалланган объектларнинг инвентар қийматини аниқлаш ва уларни ҳисобга олиш тугалланмаган капитал маблағларни ҳисобга олиш	117
5-боб. Маҳсулотлар, ишлар, хизматларни ҳисобга олиш ва уларни сотиш	121
5.1. Корхона маҳсулоти, ишлари ва хизматлари, уларнинг таркиби, баҳо бериш ва ҳисобга олишнинг вазифалари	121
5.2. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни оморда ва корхона бухгалтериясида ҳисобга олиш	124
5.3. Юқлаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш ..	134
5.4. Маҳсулоти сотиш харажатлари ва қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олиш	145
5.5. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишни ҳисобга олиш	150
5.6. Маҳсулот етказиб бериш шартномалари бажарилишини ва тайёр маҳсулотни йўқлама (инвентаризация)дан ўтказишни оператив (тезкор) ҳисобга олиш	156
1-илова	160
2-илова	169
3-илова	175
4-илова	181

ЁРДАМЧИ ЁЗУВЛАР УЧУН

ЁРДАМЧИ ЁЗУВЛАР УЧУН